



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

9

«АДОЛАТ»

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

*(Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида 1993 йил  
2—3 сентябрда қабул қилинган қонун ва қарорлар)*

9



67.99(2)05  
У 16

Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Сон 9 — Т:  
«Адолат», 1995.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги.

Новые законы Узбекистана. Вып. 9.

Нашр учун масъул: **М. Э. АБДУСАЛОМОВ**  
**М. М. МИРСАМАДОВ**

Ў 12030200000—001 — 95  
(04) — 95

Официальное издание

*На узбекском языке*

НОВЫЕ ЗАКОНЫ УЗБЕКИСТАНА ВЫП. 9.

Нашриёт муҳаррири *Д. Дўстжонова*  
Рассом *А. Баҳромов*  
Техник муҳаррир *А. Раҳимов*

Босмахонага 22.06.94 й. да берилди. Босишга 10.01.95 й.да  
рухсат этилди. Қороз бичими  $84 \times 108^{1/32}$ . Босма табағи 7,0.  
Нашриёт ҳисоб табағи 11,9. Шартли босма табағи 11,76.  
Адади 15000. Буюртма 4418. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» наш-  
риёти: 700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасининг  
1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси,  
1-бек кўча, 2-уй.

1993 йил 2 сентябрь

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда)

### І б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. **Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти**

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Қенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. (Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Қенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Қенгаши олдида ҳисобдордир.)

Халқ депутатлари Қенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Қенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўладилар.

**2-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокими вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ҳамда тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга. Бу хусусдаги қарор халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

**4-модда. Ҳокимият вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини

Ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

**5-модда. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими берилган ваколатлари доирасида умум манфаатни ифодаловчи тadbирлар ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

**6-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

## **II БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ**

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг давлат мулк

жи. (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлақ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Вилоят, туман, шаҳар мулкани шунингдек вилоят, туман ва шаҳарга хўжалик юритиш учун берилган давлат мулки объектларини бошқариш тартиби ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан йўлга солинад.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзлари идора қилаётган ҳудуддаги мулкчиликнинг турли шаклига асосланган корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилмаган, тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қиладиган чекловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

## 8-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши давлат мулкани чегаралаш натижасида ўзига берилган ёки қонунларга мувофиқ ўзи сотиб олган объектларга нисбатан мулкдор ваколатларини тўлиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари, вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган муҳандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа маъбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

### 9-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини бошқариш

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган доирада бошқаради.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли вилоят, туман, шаҳар мулкида бўлган объектларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда ва доирада вақтинча ёки доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беришга ҳақлидир.

### 10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиши

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилинган бу хусусдаги қарорлар халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

## III БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

### 11-модда. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ маҳсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек корхоналар, муассаса-



лар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг молия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

### **12-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга доир ҳуқуқлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджети ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижросини ҳоким амалга оширади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва ҳаражатлар йўналишлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Ижроия органларининг пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашилари тегишинча туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар.

### **13-модда. Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-ҳаражатлари**

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинadиган солиқлар ва йиғимлар;

вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларнинг муайян қисми;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

### **14-модда. Маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши: фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар кор-

хоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайрияларидан;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундирилган айрим турдаги жарималардан;

бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топилган бюджетдан ташқари фондлар ҳисил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус ҳисобларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

#### **15-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар валюта фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

### **IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАҚИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ**

#### **16-модда. Халқ депутатлари Кенгашини сайлаш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат бўлади.

#### **17-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб бироқ, йилига камида икки марта чақирилади. Сессия шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг топширигига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сўзининг кўлчилик овози билан қарор қабул қилинади.

#### **18-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартиби**

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, депутатлар сўровларини, қарор лойиҳаларини қараб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибига мувофиқ белгиланади.

#### **19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари**

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, Халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади. Комиссиялар тўғрисидаги Низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

20-модда. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатини тегишли ҳокимлик аппарати томонидан таъминланади.

## **V б о б. МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ**

21-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг раҳбарияти

Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Ҳоким ўринбосарлари қоида тариқасида тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланадилар ва тасдиқланадилар.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, унинг ўринбосарлари, ҳокимликнинг бошқа ходимлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

## 22-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг структура ва штатлари

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлимлардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низоми билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг структураси ва штатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган штатлари вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий структураси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгилаб қўйилади.

## 23-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари структура бўлимларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш

Башарти, қовунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти структура бўлимларининг

раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органи билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан — халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар ораллигидаги даврда эса — ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу ҳусусда қабул қилинган қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига кўрсатилади.

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, шаҳардаги туман ёки туманга бўйсунадиган шаҳар ижроия ҳокимияти структура бўлинулариининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органи билан келишилган ҳолда тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

## VI БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

24-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига:

ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қондаларини тасдиқлаш;

амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож миқдорини белгилаш, маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;

халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари туғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва

тугатил, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;

қонуларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розиланк бериш;

ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлимларининг ҳисоботларини тинглаш; халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг ва қўйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонуларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондиди тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонуларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

## 25-м о д д а. Ҳокимнинг ваколатлари

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

қонулар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади.

Вилоят, туман ва шаҳарин иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади:

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлимларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш

ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашиларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашилари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир имтиомномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкни бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ, хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркиндикларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.



## **VII б о б. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ҲОКИМНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУНИЙЛИКНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

**26-м о д д а. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади.

Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади.

**27-м о д д а. Юқори турувчи ҳокимият органлари қарорларининг қўйи органлар учун мажбурийлиги**

Юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар қўйи органларнинг ижроси учун мажбурийдир.

**28-м о д д а. Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш**

Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар судга шикоят қилишлари мумкин.

**29-м о д д а. Ҳокимнинг прокурор протест билдирган қарорлари қайта кўриб чиқилиши мажбурийлиги**

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти

денти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига зид, прокурор протест билдирган қарорлари шу ҳокимнинг ўзи томонидан ёки юқори турувчи ҳоким ёинки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, заруратга қараб эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайта кўриб чиқилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**



**«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга  
киритиш тартиби ҳақида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

**1993 йил 2 сентябрь**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 321-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и:**

1. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:  
1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари район Совети тўғрисида»ги (Қонуннинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, 9-сон, 106-модда);

1971 йил 16 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район Совети тўғрисида»ги (Қонуннинг 1980 йил 14 мартдаги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, 9-сон, 107-модда);

1980 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, 32-сон, илова);

Вилоятлар, ноҳиялар ва шаҳарларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ҳокимият вакиллик идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатлари

асослари тўғрисидаги Муваққат низомни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 4-сон, 215-модда) тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 27 февралдаги Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1993 йил 2 сентябрь

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 322-модда)

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

2-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг тақлифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

3-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

## **II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ**

5-модда. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

6-модда. Йиғин чақиришининг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакиллариининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва тураржой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан фуқароларнинг намояндалари ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими белгилайди.

7-модда. Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

8-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғин (йиғилиш)ни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

9-модда. Фуқароларнинг ҳар бир йиғини (йиғилиши)да баён юритилади, унда йиғин (йиғилиш) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар қайд этилади. Йиғин (йиғилиш) баёни ва қарорларини раис (оқсоқол), унинг йўқлигида эса маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

### **III. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ**

10-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

11-модда. Маслаҳатчиларнинг миқдор таркибини йиғин (йиғилиш) белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йиғин (йиғилиш)га раис (оқсоқол) тавсия этади.

12-модда. Раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар уларга йиғин (йиғилиш)да ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз бера, сайланган ҳисобланадилар.

13-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари тегишли ҳудуддан ташқарига чиқиб кетсалар, ёки туман, шаҳар ҳокимининг таклифига биноан, ёхуд йиғин (йиғилиш) қатнашчилари қамда учдан бир қисмининг ёзма талабига кўра муддатидан илгари қайта сайланиши мумкин.

### **IV. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ НЕГИЗИ**

14-модда. Узини ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк узини ўзи бошқариш органларининг мулкидир.

15-модда. Узини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, ҳайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Узини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счётларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйиши мумкин эмас.

### **V. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАҚОЛАТЛАРИ**

16-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши):  
узини ўзи бошқариш органининг фаолият дастури

ҳамда харажатлар сметаси, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

Ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалаларини юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этади, зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

Йиғининг, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-м о д д а. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади.

18-м о д д а. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раиснинг (оқсоқолнинг) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги тақдимномасини, раиснинг (оқсоқолнинг) корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини



(йиғилиши) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

## **VI. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

19-модда. Йиғин раиси (оқсоқоли) ва йиғин раиси тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Раиснинг (оқсоқолнинг) котиб тайинлаш туғрисидаги қарори фуқароларнинг йиғини томонидан тасдиқланади.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқоли) ўз аппаратиغا эга бўлиб, унинг миқдори халқ депутатлари туман Кенгаши ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда йиғин (йиғилиш) томонидан белгиланади.

Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

20-модда. Котиб ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) аппаратининг ходимлари умумий йиғилишлар ўтказишга доир материаллар тайёрлайди, фуқароларнинг йиғини ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, иш қарорларини юритади, ҳужжатлар сақланиши учун жавоб беради, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни расмийлаштиради, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ва чақирилувчиларни дастлабки тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, раис (оқсоқол) топшириғига биноан ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида бошқа ишларни амалга оширади.

21-модда. Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсироти раис (оқсоқол)нинг тақдимига кўра фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) томонидан амалга оширилади.

## **VII. РАИС (ОҚСОҚОЛ)НИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

22-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойларини,

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва маҳаллий ҳокият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш туғрисида ғамхўрлик қилади;

қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тadbирларда қатнашишларини ташкил этади, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланади;

дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қондаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлиқ қабрлари ва бошқа мазорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолоштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимоатларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини кирилтади;

иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларни ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганида эса табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдин олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоли орасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қилади, фуқароларга мунтазам равишда кино хизмати кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклифлар киритади;

фуқароларни қабул қилади, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг-шахсини, оилавий ва мулкий аҳолини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-м о д д а. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

## VIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24-м о д д а. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзлари-та берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

25-м о д д а. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

**1993 йил 2 сентябрь**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9- сон, 323- модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р қ и л а д и :**

1. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат қарорларини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

3. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари жорий йилнинг 1 декабригача ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг теграларини белгилаб олсинлар ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказсинлар.

4. Ўзини ўзи бошқариш органлари амал қиладиган ҳудудларнинг тегралари аниқлангунга ҳамда йиғинларнинг раислари (оқсоқоллари) Қонунда белгиланган тартибда сайлангунга қадар уларнинг вазифаларини бажариб туриш халқ депутатлари шаҳарча, қишлоқ ва овул Кенгашларининг раислари зиммасига, маҳаллаларда эса — маҳалла қўмиталарининг раислари зиммасига юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги Қодекси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар илгари халқ депутатлари туман, шаҳар, шаҳардаги туман, шаҳарча, қишлоқ, овул Кенгашлари ижроия қўмиталари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар ихтиёрига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги

ишлари тегишли равишда туман, шаҳар ҳокимликлари ва шаҳарча, қишлоқ, овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги матъурий комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, 9-сон, 108-модда);

1980 йил 14 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қишлоқ Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, 9-сон, 109-модда);

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларидаги маҳалла (квартал) комитетлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1983 йил 4 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, 20-сон, 330-модда);

Ўзбекистон Республикасида граждaнларнинг истиқомат жойларидаги умумий йиғилишлари, йиғинлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг 1988 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1988 йил, 34-сон, 398-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

**Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси  
туғрисида\***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**

**1993 йил 2 сентябрь**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 325-модда)**

Ушбу Қонун қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муомалада юритиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини бошқариб бориш шартлари ҳамда тартибини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида фонд биржалари ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш принципларини белгилаб беради.

**1 б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Қимматли қоғозлар тушунчаси**

Қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фоизлар кўринишида даромад тулашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозлар — бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счетлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Киритилган улуш шаклидан қатъи назар, қимматли қоғозларнинг қиммати Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса — чет эл валютасида (акциялар бўйича — мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва туланади.

\* Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрь Қонунига биноан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан.

## 2-модда. Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси туғрисидаги қонунлар

Қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муомалада юритиш билан, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

## 3-модда. Қимматли қоғозларнинг турлари

Ушбу Қонун қимматли қоғозларнинг қуйидаги турларига амал қилади:

- акциялар;
- облигациялар;
- хазина мажбуриятлари;
- депозит сертификатлари;
- векселлар.

Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятларида акс эттириладиган реқвизитларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, депозит сертификатлари ва векселларда акс эттириладиган реқвизитларни эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Қимматли қоғозлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар, башарти мулкый ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун эмитент (қимматли қоғозни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар борасида касб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан эгасининг номини қайд этиш зарур бўлсагина, эгаси ёзилган бўлади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш ҳисоб-китобдаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда акс этади.

Қимматли қоғозлар, башарти мулкый ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш учун қимматли қоғозни тақдим этишнинг ўзи етарли бўлса, тақдим этувчига тегишли ҳужжатлар деб ҳисобланади. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар эркин муомалада бўлади.

## 4-модда. Акциялар

Акциялар — акциядорлик жамиятининг устав фондида юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшгани-



дан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғозлардир.

Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти муассислари томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас.

## 5-модда. Облигациялар

Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Қуйидаги турлардаги облигациялар чиқарилади:  
республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари;  
корхоналарнинг облигациялари;

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реқвизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни (хизматларни) акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча

маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг устав фондиди шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ заррларини қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамиятлари чиқарилган барча акциялар ҳақи тўлиқ тўлаганидан кейингина устав фонди миқдорининг 20 фонидан кўп бўлмаган суммада облигациялар чиқаришлари мумкин.

Мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналарда облигациялар чиқариш суммасининг миқдорларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаб беради.

### 6 м о д д а. Хазина мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг хазина мажбуриятлари уларнинг эгалари бюджетга пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эгаллик қилишнинг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этилганга тенгшли қимматли қоғозлар туридир.

Хазина мажбуриятларининг қуйидаги турлари чиқарилади:

узоқ муддатли — беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;

ўртача муддатли — бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;

қисқа муддатли — бир йилгача бўлган муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари;

Узоқ муддатли ва ўртача муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Қисқа муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади.

### 7-м о д д а. Депозит сертификатлари

Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари — омонат қўйилгани тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳу-

қуқий ворисининг белгиланган муддат тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк — эмитент гувоҳномасидир.

Депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

## 8-модда. Векселлар

Векселлар уларда кўрсатилган муддат келганда вексель берувчи муайян пул суммасини вексель эгасига (вексель олувчига) сўзсиз тўлаши лозим бўлган мажбуриятдан гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Векселлар хазина ва тижорат векселларига, оддий ва юбориладиган векселларга бўлинади.

Векселларни чиқариш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда белгилайди.

## II Б. 6. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ДАВЛАТ РҮЙХАТИГА ОЛИШ, МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ

### 9-модда. Қимматли қоғозлар муомаласи

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда уларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгаси алмашинувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозларни (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) муомалага чиқариш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлайди.

Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қоғозларнигина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилишига ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш ғайриқонуний ҳисобланади ва бу ҳол эгасидан уларнинг ҳамда мазкур қимматли қоғозларни сотишдан тушган пулнинг олиб қўйилишига ва бой берилган наф қспланишини ҳисобга олган ҳолда инвесторларга қайтариб берилишга сабаб бўлади.

Бирон-бир эмитент чиқарган акциялар 35 ёки ундан ортиқ фоизининг, ёхуд 50 фоиздан ортиқ акциядорлар овозини таъминловчи акцияларнинг бир шахс томонидан, ёки бир-бирининг мол-мулкани назорат қилувчи шахслар гуруҳи томонидан сотиб олиниши Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи инколатли органининг олдиндан розилигини олиши таъиб этиди. Мазкур талабнинг бузилиши битимнинг ҳақиқий эмас деб ўтироф этилиши учун асос ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи ваколатли органи субъектларининг бир-бирлари мол-мулкани назорат қилувчилар деб ўтироф этилиши тартиби ва қоидаларини белгилаб қўяди.

Қимматли қоғозларнинг эгалари сақлаб туриш мақсадида уларни пул ўтказиш йўли билан ҳисобга олиши сотиш учун компьютерли телекоммуникацион тизими бор иxtисослашган муассасаларга (депозитарийларга) ишониб қўйишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика сарҳадларидан ташқаридаги эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритишнинг умумий қоидалари, ҳар йилги меъёрлари ва тартибини белгилаб қўяди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфидаги эмитентлар томонидан чиқарилган ёки чиқарилиши мўлжалланаётган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага чиқаришнинг ҳар йилги меъёрлари ва рухсат тартибини белгилаб қўйишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар Ягона давлат реестрини юритади ҳамда уларнинг рўйхатини мунтазам эълон қилиб боради.

### 10-модда. Қимматли қоғозлар эмиссияси

Қимматли қоғозлар эмиссияси уларни дастлабки эгалар (инвесторлар) — юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир.

Эмиссия:

акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акцияларнинг муассислари ўртасида тарқатилган тақдирда;

акциядорлик жамиятининг дастлабки устав сармояси (фонди) миқдори акциялар чиқариш йўли билан кўпайтирилган тақдирда;

юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб этилган тақдирда амалга оширилади.

### 11-модда. Эмиссия тўғрисидаги ахборот

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент, шунингдек у билан келишиб туриб қимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид этиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт. Эмиссия рисоласи эмитент тўғрисидаги, сотишга ҳавола этилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги, қимматли қоғозларни чиқариш таомили ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда харидорнинг мазкур қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай хариддан воз кечишга қарор қилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа хил ахборотларни акс эттиради.

Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибини, шунингдек эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисолаларида қамраб олинishi лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб туриб белгилайди.

Очиқ ёзилиш учун ҳавола этилаётган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласини эмитент қимматли қоғозларни рўйхатга олувчи органга тақдим этади ва у рўйхатга олингандан сўнг, мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошланишидан камида ўн кун олдин матбуотда, шунингдек фонд биржасининг махсус нашрида албатта эълон қилиниши керак. Очиқ сотувга ҳавола этилаётган акцияларни, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон бир ўзгаришлар юзага келган ҳолларда қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунга қадар эълон қилмоғи керак.

Акциялар, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид эълон қилинган ахборотдаги маълумотлар

ноғўричилиги аниқланган тақдирда рўйхатга олувчи молия органи бу қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент маъмур ахборотга тегишли ўзгартишлар киритмагунига қадар уларнинг тарқатилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган эмиссия рисолисидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик эмитентнинг зиммасида бўлади.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисолилари рўйхатга олинмагунга қадар қимматли қоғозларни оммавий ахборот воситаларида реклама қилиш тақиқланади.

## 12-м о д д а. Эмитент фаолияти тўғрисидаги ахборот

Эмитент ўзининг молия-хўжалик аҳволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши (матнда бундан кейин йиллик ҳисобот деб юритилади) шарт. Йиллик ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай эълон қилинади ҳамда эгаси ёзилган акциядорларга ва рўйхатга олувчи молия органига юборилади. Йиллик ҳисоботда эмитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим:

унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;

молиявий аҳвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек олдинги йилги баланслар ва аудиторнинг ҳисоботи;

қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгартишларга доир асослар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда қимматли қоғозларнинг қийматига ёки улар юзасидан олинандиган даромадлар миқдорига таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўзгарганлиги;

мансабдор шахслар шахсий таркибида ўзгаришлар рўй берганлиги;

эмитентнинг банкдаги счетлар хатланганлиги;

соғломлаштириш (эмитентнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тadbирлар мажмуини амалга ошириш) ҳаракатлари бошланганлиги;

эмитент фаолияти қайта ташкил этилганлиги, тўхтатиб қўйилганлиги ёки тугатилганлиги;

фавқулодда ҳолатлар оқибатида эмитент мол-мулкнинг камида 10 фоизи нобуд бўлганлиги;

эмитент мол-мулкнинг 10 фоизидан ортиқ миқдорда эмитентга нисбатан даъво кўзғатилганлиги;

устав фонди ёки эмитент асосий ва муомаладаги маблағлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ миқдорда қарз олинганлиги ёки қимматли қоғозлар эмиссия қилинганлиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичида рўйхатга олувчи молия органига юбориши, шунингдек мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шарт.

Башарти, эмитент акциялари фонд биржасида муомалада юрса, у мазкур ахборотларни биржага кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт.

Эмитент ўзи ҳақида қимматли қоғозлар қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар эълон қилинган тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт.

### 13-модда. Эмиссия турлари

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

оммавий эълон бермай, реклама кампанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатдан ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсинда тарқатиш;

эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очик савдо ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолларнинг ҳар бирида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги эмиссияларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини белгилаб беради.

### 14-модда. Герб йиғими

Қимматли қоғозларни ва эмиссия рисоаларини чиқаришни рўйхатдан ўтказиш пайтида герб йиғими олинади. Йиғим миқдори ҳамда уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Бошқа бирон бир йиғим ва бож (биржа йиғими

лари ва божларидан ташқари) ундириб олинишига йўл қўйилмайди.

### 15-м о д д а. Қимматли қоғозларни тарқатиш

Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустиқил равишда, комиссия ҳақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қуйидаги шартлар асосида чиқаришга кафил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин: кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари; чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиролмай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқатолмай қолган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида эмитент билан дистрибьютер шартномалари тузишлари мумкин.

### 16-м о д д а. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентлар, инвесторлар ва инвестиция муассасалари қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари ҳисобланадилар.

Қимматли қоғозлар эмитенти — қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ёки давлат органидир.

Инвестор — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахсдир. Ажнабий фуқаролар ва юридик шахслар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар сифатида иштирок этишлари мумкин.

Инвестиция муассасаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ юзага келтирилган юридик шахс



булиб, у қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолияти-ни асосий фаолияти тариқасида амалга оширади.

### III б о б. ФОНД БИРЖАСИ

#### 17-м о д д а. Фонд биржаси тушунчаси

Фонд биржаси — қимматли қоғозлар бир маромда муомаллада бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни жерагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касб маҳоратини юқори даражада сақлаб бориш фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотдир.

Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, биржа уставига ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлиқ юмушларни амалга оширишининг ички қоидаларига амал қилади.

#### 18-м о д д а. Фонд биржаларини рўйхатга олиш

Фонд биржаси (мол-фонд биржасининг ёки валюта биржасининг фонд бўлими) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади ва у қимматли қоғозларга доир биржа фаолияти юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан лицензия олади. Қимматли қоғозларга доир биржа фаолияти юритиш учун лицензия олмаган ташкилот бундай фаолият юритишга ҳақли эмас.

Мол-фонд биржалари ва валюта биржаларида мустақил таркибий бўлинма ва мустақил бўлмаган таркибий бўлинма сифатида фонд бўлимлари ташкил этилиши мумкин. Фонд бўлимлари ўз фаолиятларида фонд биржаларига қўйиладиган барча талабларга амал қилишлари лозим.

#### 19-м о д д а. Фонд биржасининг муассислари ва аъзолари

Қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик ва жисмоний шахслар фонд биржаси муассислари бўлишлари мумкин.

Биржада брокерлик ўрни сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, ажнабий юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасининг (мол-фонд биржаси ёки валюта биржаси фонд бўлимининг) аъзолари бўлишлари мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг миқдорини биржанинг бошқарув органлари тартибга солиб турадилар. Давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишга ҳақли эмаслар.

Фонд биржаси аъзолари қимматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция муассасаси мақомини олган тақдирдагина олди-сотдига қўйилади. Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказганидан ва банкда ҳисоб-китоб смети очганидан кейингина олди-сотдига қўйилиши мумкин.

## 20-модда. Биржа амаллари қоидалари

Қимматли қоғозларга доир биржа амаллари қоидаларини биржанинг юқори бошқарув органи тасдиқлайди.

Қоидаларда қуйидагилар назарда тутилмоғи лозим: мазкур биржада қимматли қоғозлар олди-сотдиси принциплари;

биржа олди-сотдиси қатнашчиларининг таркиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар мажмуи;

биржа йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисидаги ахборот;

қимматли қоғозларни биржа олди-сотдисига чиқариш тартиби;

биржа битимларининг тавсифи;

мижозлар брокерларга берадиган топшириқ (буйруқ) турлари;

олди-сотдини ташкил этиш;

битимларни рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби;

қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишда фойдаланиладиган шартнома, ҳисобот, буюртма ва хабарномалар ҳамда биржага оид бошқа ҳужжатлар намуналари.

## 21-модда. Битимлар тузиш тартиби

Фонд биржаси биржа олди-сотдиси вақтида битимлар тузиш, битимларни текшириб кўриш ва улар юза-

сидан ҳисоб-китоб қилиш тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Фонд биржалари ва фонд бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олинган қимматли қоғозлар муомаласи битимларини амалга ошириш низомлари ва ички қоидалари, фонд биржаси устави (фонд бўлими тўғрисидаги Низом) асосида иш тутадилар. Фонд биржасида амалларни унинг аъзоларигина амалга ошира оладилар.

## 22-модда. Фонд биржасининг ҳуқуқлари

Фонд биржаси:

инвестиция муассасаларининг биржа аъзолигига киришида уларга қўйиладиган энг кам мажбурий талабларни белгилаш;

биржа олди-сотдиларида биржа аъзолари вакиллари-нинг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш; биржа йиғилишларини чақириш ва ўтказиш;

эксперт, малака ва баҳолаш комиссиялари, маслаҳат ва маълумотнома берувчи шўъбалар ҳамда уларнинг ишлаши учун керакли бошқа муассасалар, шунингдек қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишдаги низоларни ҳал қиладиган комиссиялар таъсис этиш;

ўз уставига мувофиқ биржа аъзолари тўлайдиган кириш ва жорий бадалларни белгилаб, ундириб олиш, битимларни рўйхатга олганлик, техник хизмат кўрсатганлик учун, доимий ва бир галги миждозлардан биржада бўлганлик учун ҳақ белгилаб, ундириб олиш, шунингдек биржа уставини, биржа йиғилишлари қоидаларини бузганлик, рўйхатдан ўтказиш йиғимини вақтида тўламаганлик учун жарима ва пенялар ундириб олиш;

биржа буклетлари, маълумотномалари, тўпламларини чоп этиш;

назорат қилувчи органларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлидир.

## 23-модда. Фонд биржаси фаолиятини пул билан таъминлаш

Фонд биржаси фаолиятининг пул таъминоти:

фонд биржаси акциялари ва пайларини сотиш;

фонд биржасидаги брокерлик ўринларини сотиш;

фонд биржаси аъзолари мунтазам тўлаб борадиган аъзолик бадаллари;

биржа битимларини. рўйхатдан ўтказишда олинадиган йиғимлар;

қимматли қоғозлар муомаласида воситачилик қилишда олинадиган комиссия ҳақи;

биржа уставида назарда тутилган ахборот хизмати ва бошқа хил хизматлар кўрсатишдан келадиган даромадлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

#### 24-модда. Фонд биржаси фаолиятини тўхтатиш

Фонд биржаси фаолияти:

муассасалар умумий йиғилишининг қарорига биноан; суд органларининг қарорлари асосида тўхтатилади.

### IV б о б. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

#### 25-модда. Қимматли қоғозлар муомаласи устидан назоратни йўлга қўйиш

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик уларнинг ўз зиммасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фонд биржасига биржа фаолияти давомида қонунлар ва биржа устави талабларига риоя этилишини назорат қилиб боришга ваколатли бўлган ҳамда биржанинг бошқарув органлари мажлисларида (йиғилишларида) ва олди-сотдиларда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга бўлган ўз вакилини тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларида, ўзи берган рухсатномаларда (лицензияларда) белгилаб қўйилган шартлар бузилган тақдирда қуйидаги чораларни кўриши;

қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласини тўхтатиб ёки чеклаб қўйиши;

қимматли қоғозлар эмиссияси учун, қимматли қоғозларга доир воситачилик фаолияти юритиш учун берилган рухсатномани (лицензияни) тўхтатиб қўйиши ёки бекор қилиши;

қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентлар, инвестиция муассасалари ва биржалар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида суд органларига илтимоснома киритиши мумкин.

26-м о д д а. **Давлат бошқарув органи ва ўзга органнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва қарорлари устидан шикоят қилиш**

Давлат бошқарув органи ва ўзга органнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада юритишга тааллуқли ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

27-м о д д а. **Халқаро шартномалар**

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш  
тартиби ҳақида**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

1993 йил 2 сентябрь

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 326-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қ а р о р**  
**қ и л а д и :**

1. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичида;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари ўз норматив ҳужжатларини қараб чиқиб, ушбу Қонунга зидларини бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонунни рўёбга чиқариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун 1994 йилнинг 1 январигача муомалага чиқарилган меҳнат жамоалари ёки корхоналарнинг акцияларига амал қилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1993 йил 2 сентябрь

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 327-модда)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида статистикани ташкил этиш масалаларини тартибга солиди, давлат статистика органларининг ваколатлари ва вазифаларини белгилаб беради ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир статистика маълумотномаларининг ягона тизимини юритиш учун асос яратиб беради.

### І б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Давлат статистикаси тўғрисидаги қонунлар

Давлат статистикасига доир қонунлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси қонунларидан ҳам иборатдир.

2-модда. Давлат статистикасининг асосий вазифалари

Давлат статистикасининг асосий вазифалари: статистика соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй берадиган жараёнларга доир статистика маълумотлари тўплаш, тайёрлаш, уларни умумлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил этиш;

илмий тадқиқотларнинг натижалари, халқаро стандартлар ва тавсиялар негизида статистикага доир ишлар услубини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

статистика маълумотлари аниқ, холис, тезкор, барқарор ва тўла-тўқис бўлишини таъминлаш;

амалдаги қонунлар доирасида статистика маълумотларининг мажмуи ошкора ва очиқ бўлиши ҳамда улардан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш;

республика хусусиятларини акс эттирувчи статистика кўрсаткичлари ҳар томонлама тўлиқ ва изчил бўлишини таъминлашдан иборатдир.

### **3-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан статистика соҳасидаги ўзаро муносабатлари**

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан статистика соҳасидаги ўзаро муносабатлари халқаро шартнома ва битимлар орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро статистика ташкилотларининг ишида иштирок этади, улар билан зарур ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ва иш тажрибалари алмашади.

## **II б о б. ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

### **ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚУЗАТУВИ**

#### **4-м о д д а. Давлат статистика органлари**

Ўзбекистон Республикасида давлат статистикасини Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси (Ўзистиқболстат) ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги органлари амалга оширадилар. Уқтириб ўтилган органлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган ўз Низомлари асосида ишлайди ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси органларининг ягона тизимини ташкил этади.

#### **5-м о д д а. Давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органлар**

Давлат статистика органларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасидаги вазифаларни бажариш учун давлат статистика ҳисоботининг тасдиқлан-



ган шаклларига мувофиқ давлат статистикаси билан шуғулланадилар.

Идоравий (тармоқ) статистика ҳисоботининг ҳажмлари давлат статистика органлари билан келишилган ҳолда вазирликлар ва идоралар томонидан мустақил белгиланади.

#### **6-модда. Давлат статистика органларини молиявий ва моддий техника таъминоти**

Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги давлат статистика органларининг таъминоти давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат статистика органларига қарашли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим бўлинмалар ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби принципларида амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган статистика ишлари режасига биноан ўтказиладиган статистика кузатуви давлат бюджетидан пул билан таъминланади. Қўшимча ишларни бажаришга буюртмачи томонидан ҳақ тўланади.

Давлат статистика органларининг моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан амалга оширилади.

#### **7-модда. Статистика кузатувининг турлари**

Статистика кузатувининг давлат статистика кузатуви, тармоқ статистика кузатуви, минтақавий статистика кузатуви ва ташаббускорлик асосидаги статистика кузатувидан иборат турлари бўлиши мумкин.

Давлат статистика кузатувини амалга ошириш тартибини, тегишли ҳужжатларни республикада статистика ишларини ташкил этишнинг асосий принципларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди.

#### **8-модда. Давлат статистика кузатувлари**

Давлат статистика кузатувлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан давлат статистика органлари, шунингдек давлат статисти-

каси билан шуғулланувчи бошқа органлар, ўзга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Давлат статистика органларида ишламайдиган шахсларни жалб этган ҳолда давлат статистика кузатуви-ни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан ана шу қарорда белгиланган шартларда амалга оширилади. Уқтириб ўтилган ишлар бажарилишини ташкил этиш вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг зиммасига юклатилади. Статистика кузатуви ўтказишга жалб этилган шахслар давлат статистика органларининг мансабдор шахслари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва жавобгарликни зиммага оладилар.

### **9-модда. Тармоқ, минтақавий ва ташаббускорлик асосидаги статистика кузатувлари**

Тармоқ, минтақавий ва ташаббускорлик асосидаги статистика кузатувлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва шартнома асосида бошқа юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

### **10-модда. Статистика кузатувлари ўтказишда юридик шахслар ва фуқароларнинг вазифалари**

Статистика кузатувлари ўтказилиши вақтида юридик ва жисмоний шахслар дастлабки ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини, башарти, қонунларга зид келмаса, заруратга қараб, хизмат ва уй-жой биноларидан, ер участкаларидан фойдаланиш имкониятларининг ҳам таъминлаб беришлари шарт.

## **III б о б. СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **11-модда. Статистика маълумотлари тақдим этиши**

Барча юридик шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, структура бирликлари,

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат статистика кузатувлари ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларни бепул тақдим этадилар.

Статистика маълумотлари аниқ бўлиб, тўла ҳажмда, белгиланган муддатда ва белгиланган адреслар бўйича тақдим этилиши лозим. Статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби давлат статистика органлари томонидан тасдиқланган давлат ҳисоботи шаклларида белгилаб берилади.

#### **12-модда. Статистика маълумотларидан фойдаланиш**

Дастлабки статистика маълумотларидан, одатда жамлама статистика ишларида, тўпламлар тузишда, ижтимоий-иқтисодий аҳволни шарҳлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланилади.

Жисмоний шахслар тўғрисида тўпланган маълумотлардан фақатгина аниқ шахслар кўрсатилмаган ҳолда ёки жамлама маълумотлар тарзида фойдаланилиши, юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлардан эса давлат ва тижорат сирларини сақлаган ҳолда фойдаланилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларида, илмий ишларда статистика маълумотларидан фақат ана шу маълумотлар олинган манба кўрсатилган ҳолдагина фойдаланилиши мумкин.

### **IV б о б. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ОРГАНЛАРИ ҲАМДА ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БОШҚА ОРГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **13-модда. Давлат статистика органларининг ҳуқуқлари**

Давлат статистика органлари:

молия, банк, божхона ҳамда бошқа идоралар ва хизматлардан, жамоат бирлашмаларидан ва ташкилотлардан, жисмоний шахслардан давлат статистика ҳисоботини ва давлат статистика кузатуви ўтказиш учун бошқа зарур маълумотларни (маълумотлар тайёрлаш қайси жараёнда эканлигидан қатъи назар), шунингдек ҳисоботга илова қилинадиган тушунтиришларни бериш-

ни талаб қилиш ва белгиланган тартибда бепул олиш ҳамда улардан фойдаланиш;

республика ҳудудидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг дастлабки тарзда рўйхатга олинишини ва уларнинг қай даражада аниқ эканлигини текшириш;

олинаётган статистика маълумотлари қай даражада тўлиқ ва холис эканлигини текширишнинг мустақил экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш;

давлат статистикаси ва у билан боғлиқ маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олиш масалаларини юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига зид бўлган идоравий ҳужжатларнинг амал қилишини аниқланган қондабузарликларга барҳам берилгунигача қадар тўхтатиб қўйиш;

бошқа давлатлар статистика органлари ва халқаро статистика ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномалар ва битимлар тузиш;

давлат статистика ҳисоботлари ва бошқа кузатувлар учун маълумотлар тақдим этмаган ёхуд маълумотларни кечикиб ёинки бузиб тақдим этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жарима солиш чораларини қўллаш;

банк муассасаларидан тадбиркорлик субъектлари, нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ва жамоат бирлашмалари учун счётлар очилганлиги тўғрисида ахборотлар олиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат статистика органлари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлашган барча хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат регистри юритилишини йўлга қўядилар, бу регистрда юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини ифодаловчи статистика кўрсаткичларининг мажбурий таркиби рўйхатга олинадди.

Давлат статистика органларининг ўз ваколатлари доирасида чиқарган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахсларнинг бажариши учун мажбурийдир.

#### **14-модда. Давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органларнинг ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, ушбу Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа юридик шахслар:

ушбу Қонуннинг 11 ва 12-моддаларида назарда тутилган тартибда ишлар бажариш учун статистика маълумотлари олиш ва улардан фойдаланиш;

статистика маълумотларини дастлабки тарзда рўйхатга олиш ва статистика ҳисоботининг аҳволи устидан назоратни амалга ошириш, ўзларига ҳисобдор бўлган бирликларнинг статистика маълумотлари қай даражада аниқ эканлигини текшириш ҳуқуқига эгадир.

### 15-модда. Давлат статистика органларининг вазифалари

Давлат статистика органлари:

Ўзбекистон Республикаси, унинг минтақалари ва халқ хўжалиги тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурлари бажарилишининг бориши устидан статистика кузатувини ташкил этишлари ва амалга оширишлари;

давлат статистика маълумотлари тўпланишини, фуқароларнинг розилиги билан онла бюджетлари юритилишини, рўйхатлар тўзилишини, бир галлик рўйхатга олишларни, сўровларни, оралатиб монография тадқиқотлари ҳамда ўзга текширишлар ўтказилишини ташкил этишлари ва таъминлашлари;

иқтисодий ва ижтимоий масалаларга доир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишининг бориши устидан статистика кузатувини амалга оширишлари;

иқтисодиётнинг структуравий қайта қурилишини, кўп укладли иқтисодиёт шаклланишини, халқ хўжалигини техника билан қайта қурулантиришни, ижтимоий соҳалар, бозор муносабатлари, давлатлараро ва минтақалараро алоқалар ривожланишини, алмашув тенг қийматли бўлишини, меҳнат бозори ва товар бозори шаклланишини, молиявий аҳволини, аҳоли турмуш даражасини, фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, нархлар ва тарифлар ўзгаришидаги тамойилларни, атроф муҳит ҳолатини, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишини ва бошқа жараёнларни таҳлил қилишлари;

статистика маълумотлари аниқ ва ҳолис бўлишини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий воқеалар ва жараёнларга мос бўлишини таъминлашлари;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини бел-  
гиланган тартибда статистика ва таҳлилий маълумот-  
лар билан таъминлашлари;

статистика маълумотлари ошқора бўлишини таъ-  
минлашлари;

Ўзбекистон Республикаси, унинг минтақалари ва  
халқ хўжалиги тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий  
ривожланиш жараёнларини ёритиш учун статистика  
кўрсаткичлари методологиясини ишлаб чиқишлари ва  
такомиллаштиришлари;

халқаро статистика стандартлари тизимини давлат  
статистика амалиётига жорий этишлари;

давлат статистика кузатувлари ўтказиш шакллари,  
дастурлари ва йўриқномаларини ҳамда маълумотларни  
дастлабки тарзда рўйхатга олиш ҳужжатларининг на-  
мунавий шаклларини тасдиқлашлари;

кодлар белгилашлари ва Ўзбекистон Республикаси  
ҳисобот (статистика) бирликларининг Давлат реестри-  
ни юритишлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг илтимосларига  
биноан уларга давлат статистика маълумотларининг  
жамламаси пулли асосда берилишини таъминлашлари.  
(ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари);

статистика маълумотлари бут сақланиши ва ҳимоя  
қилинишини, юридик шахслар томонидан давлат ва  
тижорат сирларига риоя этилишини, жисмоний шахс-  
ларга доир маълумотларда аниқ шахслар кўрсатилмас-  
лигини таъминлашлари;

халқаро ва минтақалараро статистика таққослама-  
лари ўтказишлари шарт.

#### **16-модда. Давлат статистикаси билан шуғулланув- чи бошқа органларнинг вазифалари**

Давлат статистикаси билан шуғулланувчи Ўзбекис-  
тон Республикаси вазирликлари ва идоралари, бошқа  
юридик шахслар:

ўз бўйсунувларидаги бирликлардан давлат статис-  
тика кузатувиغا доир маълумотлар тўпланишини ва  
уларни тайёрлашни ташкил этишлари;

статистика маълумотлари аниқ бўлишини таъмин-  
лашлари;

давлат статистика органларига уларнинг талабига  
қўра давлат статистика ҳисоботида назарда тутилган  
статистика маълумотларини ва давлат статистика куза-

тувлари ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тақдим этишлари;

юридик шахсларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя этишлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга доир маълумотларда аниқ шахслар жүрсатилмаслигини таъминлашлари шарт.

## **У б о б. УШБУ ҚОНУНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**17-м о д д а. Давлат статистика кузатувларига доир маълумотларни тақдим этиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат статистика кузатуви ўтказиш учун статистика маълумотларини тақдим этмаган ёки уларни нотўғри ёнги кечикиб тақдим этган, маълумотларни дастлабки тарзда рўйхатга олишни лозим даражада таъминламаган, Ўзбекистон Республикаси ҳисобот (статистика) бирликларининг давлат реестри юритиш тартибини бузган мансабдор шахслар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин.

**18-м о д д а. Статистика маълумотларидан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарлик учун жавобгарлик**

Статистика тўғрисидаги қонунлар талабларини бузганлик, статистика маълумотларини яширганлик ёки бузганлик учун давлат статистика органларининг ҳамда давлат статистикаси билан шуғулланувчи бошқа органларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситаларида, илмий ишларда статистика маълумотларидан фойдаланувчи мансабдор шахслар ва фуқаролар статистика маълумотлари олган манбаларни кўрсатмаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон  
Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби  
ҳақида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

**1993 йил 2 сентябрь**

### **Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 328-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган вайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари чиқарган, ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқиши ва бекор қилинишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙУЛДОШЕВ**



Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун  
ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар  
киритиш тўғрисида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1993 йил 2 сентябрь

### Қ О Н У Н И

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 329-модда»**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 10-сон, 394-модда), қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 10-м о д д а:

иккинчи бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишлаб чиқариш (маҳсулотлар ва моллар), савдо ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган, шунингдек биржада ўзининг брокерлик ўрнига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга биржа пул қўйишга, уларнинг улуши (пайи)ни, акцияларини сотиб олишга, муассиси бўлишга ҳақли эмас.

Биржа савдоларини самарали ўтказишга кўмаклашувчи ҳамда биржа инфраструктурасини (консалтинг, тарғибот ва бошқа хизмат турлари) таркиб топтирувчи корхоналар учун биржа муассис бўлиши мумкин».

2. 31-м о д д а:

биринчи бандидаги «ҳакамлик судлари ёки халқ судлари» деган сўзлар «судлар ёки хўжалик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи бандидаги «тегишли ҳакамлик» деган сўзлар «тегишли хўжалик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### 3. 32-модда:

учинчи бандининг иккинчи хатбошиси «тўғрисида» деган сўздан кейин «ёзма ёки оғзаки равишда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи бандининг учинчи хатбошисидаги «500 минг сўмгача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг 200 ҳиссаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи бандининг тўртинчи хатбошисидаги «50 минг сўмгача» деган сўзлар «энг кам ойлик иш ҳақининг 20 ҳиссаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи бандининг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жарималар назорат идоралари томонидан даъво билдириш тартибига риоя этмаган ҳолда судга ёки хўжалик судига даъво-тақдим этиш орқали ундирилади»;

тўртинчи бандидаги «ҳакамлик судида ёки халқ судида» деган сўзлар «судда ёки хўжалик судида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. **Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 1-сон, 45-модда) қўйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:**

1. 22-модданинг биринчи қисми «Ижара корхонасининг уставида» деган сўзлардан кейин «Давлат мулкига асосланган ижара корхоналаридан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 32-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижарачи ижарага олинган корхонанинг қарзлари бўйича:

ўз мол-мулк билан (давлат мулкига асосланган ижара корхоналари учун);

ўз мол-мулки ҳамда ижарачи жамоа аъзоларининг шахсий мол-мулки билан (жамоа мулкига, хусусий мулкка асосланган ижара корхоналари учун, шунингдек якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ижара шароитида меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар учун), улар етарли бўлмаган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва ҳажмларда жавобгар бўлади».

III. **Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (Ўзбекистон Республикаси**

Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон, 2-модда) 179<sup>3</sup>-моддаси қўйидагича мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Уша ҳаракатлар қайта ёки куп миқдорда содир этилса —

уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ҳар бир яшириб қолинган даромад суммасига солинадиган солиқ суммасининг беш баробаридан ошмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар алоҳида йирик миқдорда содир этилса —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки яшириб қолинган ҳар бир даромад суммасига солинадиган солиқ суммасининг ўн баробаридан ошмаган миқдорда жарима солиш билан жазоланади».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси** (176-моддасининг жазо белгилашга доир қисми (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил; 35-сон, 411-модда) қўйидагича таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир ҳиссасидан уч ҳиссасигача, мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч ҳиссасидан етти ҳиссасигача жарима солишга сабаб бўлади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий  
этиш тўғрисида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1993 йил 2 сентябрь

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 331-модда)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин.

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Латинча			Кирилл-ча	Латинча			Кирилл-ча
Ҳарфлар			Ҳарфлар	Ҳарфлар			Ҳарфлар
Босма	Ёзма	Таалафф.		Босма	Ёзма	Таалафф.	
A a	<i>Aa</i>	a	А а	R r	<i>Rr</i>	re	Р р
B b	<i>Bb</i>	be	Б б	S s	<i>Ss</i>	es	С с
C c	<i>Cc</i>	ce	Ц ц	T t	<i>Tt</i>	te	Т т
D d	<i>Dd</i>	de	Д д	U u	<i>Uu</i>	u	У у
E e	<i>Ee</i>	e	Э э	V v	<i>Vv</i>	ve	В в
F f	<i>Ff</i>	ef	Ф ф	X x	<i>Xx</i>	xa	Х х
G g	<i>Gg</i>	ge	Г г	Y y	<i>Yy</i>	ye	Й й
H h	<i>Hh</i>	he	Ҳ ҳ	Z z	<i>Zz</i>	ze	З з
I i	<i>Ii</i>	i	И и				
J j	<i>Jj</i>	je (jōra)	Ж ж (Жўра)	Ç ç	<i>Çç</i>	çe	Ч ч
K k	<i>Kk</i>	ka	К к	Ġ ġ	<i>Ġġ</i>	ġa	Ғ ғ
L l	<i>Ll</i>	el	Л л	Ĵ ĵ	<i>Ĵĵ</i>	je (ajdod)	Ж ж (аждод)
M m	<i>Mm</i>	em	М м	Ñ ñ	<i>Ññ</i>	ñe	Нг нг
N n	<i>Nn</i>	en	Н н	Ō ō	<i>Ōō</i>	ō (ōrdak)	Ў ў (ўрдак)
O o	<i>Oo</i>	o (ota)	О о (ота)	Ş ş	<i>Şş</i>	şe	Ш ш
P p	<i>Pp</i>	pe	П п	( ' ) — тугуқ белгиси (апостроф)			
Q q	<i>Qq</i>	qa	Қ қ				

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

1993 йил 2 сентябрь

### Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 332-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин.

Республика давлат комиссияси:

уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишининг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993—1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган иш-

лар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастури ва тартиби асосида;

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августига қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари Республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча ҳаражатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: 1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган Давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993—1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тад-

Бирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун-ҳужжатларини «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, 4-сон) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙУЛДОШЕВ**



**«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар  
тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1993 йил 3 сентябрь**

### **Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 334-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и:**

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнидаги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 8-сон, 186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 4-модданинг иккинчи қисмидан ва 30-моддадан «ССЖИ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 8-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Диний жамоалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси билан келишган ҳолда рўйхатга олинади».

3. 13-модданинг саккизинчи қисмидан ва 18-модданинг учинчи қисмидан «Президенти ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 17-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари давлат мулки ҳисобланган ва ижтимоий-маданий мақсадларда фойдаланилмайдиган дин билан боғлиқ биноларни ва бошқа мол-мулкларни диний ташкилотларга мулк қилиб ёки ҳақ тўламай текин фойдаланиш учун беришлари мумкин»;

олтинчи қисмида «халқ депутатлари маҳаллий Советининг» деган сўзлар «жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 20-модданинг иккинчи қисмида «фуқароларнинг» сўзидан кейин «хоҳиши билан уларнинг» деган қўшимча киритилсин.

6. 23-модданинг иккинчи қисмида «таълим олиш» сўзларидаги кейин «малака ошириш, тажриба ўрганиш ва алмашиш» деган қўшимча киритилсин.

7. 28-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«28-модда. Ўзбекистон Республикасида дин масалалари бўйича давлат идоралари.**

Ўзбекистон Республикасида динлар ва диний ташкилотларга оид масалалар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси, вакоит ва Тошкент шаҳар ҳокимлари шуғулланади. Улардан асосан маслаҳат бериш, мутахассислар ҳулосасини чиқариш, назорат қилиш ва ахборот бериб туриш ва афзалари юкланади.

Дин масалалари бўйича давлат идоралари:

чет эллардаги диний муассасалар билан мулоқот қилиб туради ва мувофиқлаштирувчи алоқалар боғлайди;

Ўзбекистон Республикасидаги диний ташкилотлар тўғрисида маълумотлар тўплайди ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан назоратни амалга оширади. Шу мақсадларда диний ташкилотлар раҳбарларидан керак ахборот талаб қилишга ва олишга ҳамда уларнинг фаълияти билан боғлиқ бўлган маросимларда иштирок этишга ҳақлидир;

диний ташкилотларнинг йлтимосига мувофиқ давлат идоралари билан келишувга эришишда қўмаклашади ва давлат идоралари ҳал этишни талаб қилувчи масалалар юзасидан зарур ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикаси ичидаги ва чет эллардаги турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳайрихоҳликни мустаҳкамлашга қўмаклашади;

диншунослик бўйича экспертиза ўтказиш учун диний масалалар билан шуғулланувчи бўлимлар ҳузурида диншунослар жамоатчи эксперт кенгашларини тuzади, диний ташкилотлар вакиллари ва инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича мутахассисларни белгилайди;

давлат бошқарув ва суд идораларининг сўрови бўйича расмий эксперт ҳулосасини тақдим этади».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1993 йил 3 сентябрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 335-модда)

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ветеринария

Ветеринария — ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

2-модда. Ветеринариянинг асосий вазифалари

Қуйидагилар ветеринариянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналар ва бошқа шу каби-лардаги жониворларни) касалликлардан ҳимоя қилиш;  
аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш;

ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш;

атроф муҳитни ҳимоя қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш;

ветеринария ходимлари тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини ошириш;

фан ва техника ютуқларини ветеринария амалиёти-га татбиқ этиш.

### 3-м о д д а. Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасида ветеринария иши Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

### 4-м о д д а. Ветеринариянинг тузилиши

Ўзбекистон Республикасида давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринариялар амал қилади.

Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бонидармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бонидармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадилар.

Жойлардаги давлат ва идоравий ветеринария бўли-маларининг тузилиши ва миқдори чорвачиликнинг ри-вожланиш хусусиятларини, қушхона ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш қорхоналарининг жой-лаштирилишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда бош давлат ветеринария нозирлари билан кели-шилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органлари томони-дан белгиланади.

Давлат ва идоравий ветеринария хизмати муассаса-лари қошида қонунларга мувофиқ шартнома асосида ветеринария хизмати кўрсатадиган қўшма қорхоналар, кооперативлар ва бошқа ҳўжалик ҳисобидаги бирлаш-малар тузилиши мумкин.

### 5-м о д д а. Ветеринария хизматини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси ветеринария хизматига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси амалга оширади. Давлат ветеринария бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат ветеринария бош бошқармаси халқаро ветеринария ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилади.

Вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ветеринария хизматига раҳбарликни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари амалга оширадilar. Вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармаларига тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Туман ва шаҳарларда ветеринария хизматига раҳбарликни туман ва шаҳар давлат ветеринария бўлимлари амалга оширадilar. Туман ва шаҳарлардаги ветеринария бўлимларига тегишли туман ва шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда вилоят давлат ветеринария бошқармалари тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат чегарасида ва транспортда ветеринария хизматига раҳбарликни давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси амалга оширади. Давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тайинлайдиган бошлиқ бошчилик қилади.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги ветеринария хизматини бошқариш давлат идоралари ваколатлари доирасида тегишли ҳокимларга ва юқори идораларга бўйсунадilar.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

## II. ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ

6-модда. Давлат ветеринария хизматининг вазифалари

Давлат ветеринария хизмати идоралари ўз ваколатлари доирасида идоравий мансублиги ҳамда мулк шак-

лидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иши устидан, шунингдек айрим шахсларнинг фаолияти устидан ветеринария-санитария назоратини амалга оширадилар.

Давлат ветеринария хизмати:

эпизоотик вазиятни баҳолайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳайвонларнинг эгаларига юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан қўриқлаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўллайиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, танини, хорижга чиқариши ва хориждан келтириш устидан назоратни амалга оширади;

касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг сабабларини таҳлил қилади, бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволашнинг ташкил этади;

ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек ем-хашак ва ичимлик сув сифатини баҳолаш мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказди;

ҳайвонларнинг юқумли, ивазион касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини амалга оширади;

соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа хизматлар билан биргаликда одамлар ва ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларнинг манбаига барҳам беради, шунингдек ўзаро ахборотлар айирбошлайди;

ветеринария-санитария жиҳатдан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

барча чорвачилик объектлари, қушхоналар, гўшт-сут ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, бозорлар ва хом ашё омборларининг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилади, бу объекларнинг қурилиши ва қайта қурилишини, шунингдек ер қозиш ишларини ветеринария экспертизасидан ўтказди;

Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан юқумли касалликлар ёйилиб кетишининг олди олиниши ва бартараф этилишини таъминлаш тадбирлари ўтказилишини, шу-

нингдек ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этишни талаб қилади;

юқумли касаллик аниқланганда ёки ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллиги мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганида юридик ва жисмоний шахсларга молларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш, чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонотга мансуб хом ашёни зарарсизлантириш, уларни ишловдан ўтказиш ёки улардан фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий талабларни белгилаб қўяди;

давлат, идоравий ва хусусий ветеринария мутахассисларининг фаолиятини назорат этади ва мувофиқлаштиради;

ветеринария соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиради.

### 7-м о д д а. Давлат ветеринария инспекторлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари—Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари бошлиқлари—вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳри Бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг давлат чегараси ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспектори ҳисобланади, унинг ўринбосарлари эса давлат чегараси ва транспортдаги Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Шаҳарлар ва туманлар давлат ветеринария хизматларининг бошлиқлари тегишли шаҳар ва туманнинг давлат ветеринария инспектори ҳисобланадилар.

Чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) бошлиқлари тегишли чегара участкаси ва транспортдаги давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳу-

зуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, вилоятлар, Тошкент шаҳри давлат чегараси ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ва давлат ветеринария инспекторлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Қонунга мувофиқ ягона давлат ветеринария нazorатини амалга оширадилар.

#### 8-модда. Давлат ветеринария инспекторларининг ваколатлари

Бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда давлат ветеринария инспекторлари ўз ваколатлари доирасида:

вазирликлар, идоралар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга, шунингдек алоҳида шахсларга зарур ветеринария-санитария тадбирлар ва эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида бажарилиши мажбурий кўрсатмалар берадилар;

Ўзбекистон Республикаси ветеринария бош бошқармаси белгилайдиган рўйхатдаги ўта хавфли юқумли касалликларга чалинган ҳайвонлар аниқланган тақдирда бу ҳайвонларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида, шунингдек истеъмолга яроқсиз деб топилган ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни йўқ қилиб ташлаш, ишловдан ўтказиш ёки ўзга тарзда фойдаланиш тўғрисида барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва алоҳида шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берадилар;

ветеринария назорати остидаги объектларга кечакундузнинг исталган пайтида бемалол, монетликсиз кирадилар ва ветеринария қонунларининг бузилганлиги ҳолларини бартараф этиш хусусида ҳамма учун мажбурий кўрсатмалар берадилар;

чорвачилик фермалари, мол ва парранда қушхоналари, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни ишловдан ўтказиш ҳамда сақлаш корхоналари, утилизация заводлари, омихта ем заводлари, балиқчилик хўжаликлари, ҳайвонларни сунъий қочириш станциялари ва бошқа чорвачилик объектларининг режасини тузиш, қуриш ва ишга тушириш лойиҳалари, шу жумладан ана шу объектлардаги оқинди сувларни зарарсизлантириш иншоотлари лойиҳалари хусусида хулосалар берадилар;



юқорида қайд этилган барча турдаги қурилишлар учун ер участкалари ажратиб бериш, моллар учун сув олиш жойларини танлаш, гўшт комбинатлари ва бошқа ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ҳамда хом ашёни ишловдан ўтказиш ва сақлаш корхоналарининг сув таъминоти лойиҳалари хусусида хулосалар берадилар;

ҳолати ветеринария-санитария жиҳатидан қониқарсиз ёки моллар соғлиғига, шунингдек маҳсулотлар сифатига зарарли таъсир кўрсатиш хавфи бўлган темир йўл вагонлари, кемалар, самолётлар ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлайдилар;

чорвачилик объектлари, гўшт ва сут саноати корхоналаридан, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни қайта ишлайдиган ҳамда сақлайдиган корхоналарнинг ҳайвонларнинг юқумли касалликлари жиҳатидан ноёблиги ёки ветеринария-санитария ҳолати қониқарсизлиги аниқланганда улардан фойдаланишни тақиқлайдилар;

ҳайвонлар гигиенаси нормалари ва ветеринария-санитария қоидаларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилгунга қадар чорвачилик фермаларида, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни ишловдан ўтказиш ҳамда сақлаш корхоналарида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қурилишини, қайта қурилишини, янги қурилган, тикланган ва қайта қурилган объектларнинг фойдаланишга топширилишини тўхтатиб қўядилар;

ушбу Қонунни, ҳайвонлар карантини қоидаларини, бошқа ветеринария-санитария талабларини бузганлик учун мансабдор ва ўзга шахсларга белгиланган тартибга мувофиқ маъмурий жазо берадилар;

ҳайвонларнинг эгалари, ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар, шунингдек фуқаролар ва ветеринария мутахассислари ушбу Қонун, қонун асосида чиқарилган ҳужжатлар ва ветеринариянинг бошқа талабларини бажаришлари устидан назоратни амалга оширадилар;

чегара жойларда, қўшни давлатларда юзага келган эпизоотик вазият тўғрисида тегишли ташкилотлар ва идораларни хабардор қиладилар, зарур тавсиялар берадилар;

ветеринария дори-дармонлари, биологик, кимёвий ва бошқа дорилар ишлаб чиқарилишини ҳамда улардан чорвачилик ва ветеринарияда фойдаланишини назорат қиладилар, уларнинг ҳайвонлар соғлиғи ва ҳайвонотга

**мансуб маҳсулотларнинг сифатига таъсирини баҳолай-  
дилар.**

**9-м о д д а. Давлат ветеринария хизматини моддий  
ва молиний таъминлаш**

Давлат ветеринария хизмати:  
республика ва маҳаллий бюджет маблағлари;  
давлатнинг молларни сугурта қилиш маблағларидан  
ажратмалар;

пуллик хизматлар кўрсатганлик учун ветеринария  
корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари оладиган  
маблағлар ҳисобига таъминланади.

Ушбу Қонуи талабларнинг бузганлик учун ундири-  
ладиган маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тош-  
кент шаҳрининг эпизоотик фондларига тушади.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-  
маси томонидан белгилаб қўйиладиган ҳайвонлар юқум-  
ли касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш  
талбирлари бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

**10-м о д д а. Идоравий ветеринария хизмати**

Идоравий ветеринария хизмати вазирликлар, идора-  
лар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг та-  
сарруфида бўлади.

Идоравий ветеринария хизматларининг ветеринария  
мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ве-  
теринария идораларининг услубий раҳбарлиги ва на-  
зорати остида ҳайвонларга идоравий ветеринария назо-  
ратини ва ветеринария хизмати кўрсатишни амалга  
оширадилар.

**11-м о д д а. Идоравий ветеринария хизмати ветери-  
нария мутахассисларининг ҳуқуқлари**

Идоравий ветеринария хизматининг ветеринария му-  
тахассислари:

идорага қарашли ветеринария назорати остидаги  
объектларга кеча-кундузнинг исталган пайтида бема-  
лол, монеъликсиз кириш ва ветеринария тўғрисидаги  
қонунларнинг аниқланган бузилишларини бартараф  
этиш ҳақида бажарилиши мажбурий кўрсатмалар бе-  
риш;

юрidik ва жисмоний шахслардан эпизоотик касал-  
ликларнинг олдини олишни ва улар бартараф этилиши-

ни таъминлайдиган тадбирлар ўтказишни, шунингдек идорага қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

### 12-модда. Идоравий ветеринария хизмати ветеринария мутахассисларининг вазифалари

Идоравий ветеринария хизматининг ветеринария мутахассислари:

ветеринария тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида идоравий ветеринария назоратини амалга оширишлари;

хизмат кўрсатилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар, даволаш ва ветеринария-санитария тадбирлари ўтказишлари;

ҳайвонларда юқумли касалликлар борлиги хусусида шубҳа пайдо бўлганида бу ҳақда давлат ветеринария хизмати идораларига зудлик билан хабар қилиш ва касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришлари;

эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар, ветеринария-санитария ва даволаш-профилактика тадбирлари ўтказиш ҳамда ветеринария тўғрисидаги қонунлар бузилишида айбдор бўлган мансабдор ҳамда бошқа шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга таклифлар киритишлари;

амалга оширилган ишлар ҳақида давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисоб бериб боришлари шарт.

### 13-модда. Идоравий ветеринария хизматини таъминлаш

Идоравий ветеринария хизмати тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хўжаликлар ҳисобидан таъминланади.

### 14-модда. Хусусий ветеринария фаолияти

Хусусий ветеринария фаолияти билан ветеринария врачлари бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари,

**Бошқа давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шуғулланишга ҳақлидирлар. Ветеринария фельдшерлари ва техниклари ветеринария врачлари назорати остида хусусий иш билан шуғулланадилар.**

**Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаётган ветеринария мутахассислари белгиланган тартибда берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар)га эга бўлишлари шарт.**

### **15-модда. Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларнинг ҳуқуқлари**

**Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:**

ҳайвонларнинг карантин ёки қопунларда белгиланган чеклашлар қўлланадиган касалликларга чалиниши ҳолларини истисно этганда касалликни аниқлаб ташҳис қўйиш ва даволаш билан шуғулланишга;

ҳайвонларни касалланишдан сақлаш мақсадида эмлаш тадбирлари ўтказишга, шунингдек ҳайвонларнинг эгаларига маслаҳат беришга;

ҳайвонлар соғлиғига доир ветеринария ҳужжатлари беришга;

моллар ва бошқа ҳайвонларнинг юқумли касалликларга чалиниши хавфи пайдо бўлганида ҳайвонларни, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашёни, шунингдек ем-хашакни объектга четдан олиб кириш ва объектдан четга олиб чиқишни тақиқлаб қўйишга ҳақлидирлар.

### **16-модда. Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи мутахассисларнинг вазифалари**

**Хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари:**

ҳайвонларда юқумли касалликлар борлиги хусусида шубҳа пайдо бўлганда бу ҳақда маҳаллий давлат ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари ва касалликларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўришлари;

касалликлар кенг тарқалиб кетганида давлат ветеринария хизмати кўрсатмаларига мувофиқ равишда ветеринария тадбирларини амалга оширишлари;

амалга ошираётган ишлари ҳақида давлат ветеринария хизмати олдида белгиланган тартибда ҳисоб бериб боришлари шарт.

### III. ҲАЙВОН ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИ

#### 17-модда. Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгаларининг ҳуқуқлари

Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгалари: ветеринария хизмати кўрсатилиши учун давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматлари билан шартномалар тузиш;

ветеринария хизматидан ҳайвонларнинг касалликка чалиниш даражаси, эпизоотик вазият ва ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотларини махсус тадқиқ этиш натижалари ҳақида ахборотлар олиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси белгиланган тартибда ҳайвонлар ва чорвачилик маҳсулотлари, ем-хашак, ветеринария дори-дармонлари сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан хориждан сотиб олиш ва хорижга сотиш;

маҳаллий ҳокимият органлари, давлат, идоравий ветеринария хизматлари ҳамда хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланаётган мутахассисларнинг файриқонуний хатти-ҳаракатлари ва кўрсатмалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### 18-модда. Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотлари эгаларининг вазифалари

Ҳайвон ва чорвачилик маҳсулотларининг эгалари: ушбу Қонун ва ветеринария тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

ўз маблағлари ҳисобига ҳайвонлар юқумли касалликларга чалинишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳўжалик ва ветеринария тадбирларини амалга оширишлари, бюджетдан молиявий таъминланадиган тадбирлар бундан мустасно;

касал ҳайвонни даволатишлари, зарур бўлганда ветеринария мутахассисининг кўрсатмасига биноан сўйиш ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлашлари;

истеъмолчилар соғлиғи учун хавфли бўлган моддалар ёки юқумли касаллик қўзғатувчи микроблар билан ифлосланган ёхуд зарарланган чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини истисно этувчи ҳайвонлар гигиенаси нормаларини бажаришлари ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя этишлари;

ҳайвон сотиб олинганлиги ва уларнинг тўсатдан ҳаром ўлиши ёки ғайриодатий хатти-ҳаракати ҳоллари тўғрисида муайян ҳудудга хизмат кўрсатувчи тегишли ветеринария хизматига зудлик билан хабар қилишлари;

ветеринария хизматининг ҳайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза этиш юзасидан берган тақдирномаларини бажаришлари ҳамда карантинга доир тегишли тадбирлар ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини таъминлашлари, шунингдек даволаш-профилактика ишловларини тўлиқ ҳажмда ўтказишлари;

чорвачилик фермаларини, ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сақланадиган бинолар ва бошқа иншоотларни, шунингдек яйловлар, сув ҳавзалари, мол ҳайдаб ўтиладиган йўллар, темир йўл бекатлари, кўрғазмалар, ярмаркалар, бозорлар, сўйиш пунктлари, майдончалар, гўшт комбинатлари, сеператор бўлимлари, сут пунктлари ва заводларини лозим бўлган ветеринария-санитария ҳолатида сақлашлари, уларда дезинфекциялаш, дезинсекциялаш ва дератизациялаш ишларини ўз вақтида ўтказишлари, шунингдек ўлган ҳайвонлар жасадини йиғиштириб олишлари ва йўқ қилиб ташлашлари;

ҳайвонлар ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ва хом ашёси савдо-сотиғини фақат давлат ветеринария хизматининг рухсати билан махсус ажратилган жойларда ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширишлари;

ветеринария мутахассисларининг талабига биноан ҳайвонларни кўриқдан, диагностик текширувдан, эҳтиёт шарт йўсинида эмлашдан ва даволаш-профилактика ишловларидан ўтказиш учун топширилишини таъминлашлари, ветеринария ходимларига кўрсатилган ветеринария хизматлари эвазига ҳақ тўлаган ҳолда ветеринария тадбирларини ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари;

юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ёки чорва маҳсулотларининг яроқсизлиги ҳайвон эгаларининг айби билан пайдо бўлганлиги суд томонидан исботланган ҳолларда соғломлаштириш тадбирларига кетган ҳарajatларни давлат ветеринария хизматига тўлашлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланмаган биопрепаратлар, дори-дармонлар, озуқабоп қўшимчалар, микроэлементлар, биологик кучайтиргичлар ва гормонларни чорвачиликда қўлламасликлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан белгиланган ветеринария-санитария талабларига ҳамда ҳайвонлар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё ҳамда ем-хашакни чет элдан сотиб олиш ва чет элга чиқариш талабларига риоя этишлари шарт.

#### **IV. ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ ТАРҚАЛГАНИДА КАРАНТИН БЕЛГИЛАШ ВА УНИ БЕҚОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**19-м о д д а. Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганида карантин ёки чеклашлар**

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалгани аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан айрим подалар, отарлар, уюрлар, қўралар, фермалар, хўжаликлар, корхоналар, темир йўл бекатлари, аэропортлар, дарё портлари, қишлоқ ва қўрғонларнинг ҳудудлари ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилинади ҳамда уларда карантин ёки зарур чеклашлар ўрнатилади.

Туманларни, шаҳарларни, вилоятларни ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалганлиги жиҳатидан ёмон аҳволда деб эълон қилиш ҳамда уларда карантин ёки бошқа чеклашлар ўрнатиш тегишли бош давлат инспекторларининг тақдимномасига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари билан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ҳайвонларни юқумли касалликлар билан оғриши батамом тўхтаганидан кейин карантин ёки чеклашлар ўрнатилган ҳудудда зарур ветеринария-санитария тадбирлари амалга оширилгандан (касалликларга қарши

кураш қўлланмаларида кўрсатилган муддат ўтганидан) сўнг тегишли бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига биноан карантин ёки чеклашлар ўрнатган туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимларнинг қарорлари билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан карантин ёки чеклашлар бекор қилинади.

Тарқалиши оқибатида карантин ёки чеклашлар белгиланадиган ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

#### **20-модда. Эпизоотик касалликларга қарши фавқулодда комиссиялар**

Ҳайвонлар ялпи касалланиши ҳамда нобуд бўлишининг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига кундалик раҳбарлик қилиш ҳамда бу борадаги ишни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки ҳокимлар томонидан ўзининг тасдиқланган Низомига мувофиқ иш олиб борувчи эпизоотик касалликларга қарши фавқулодда комиссиялар тузилади.

### **V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **21-модда. Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгар бўладилар.

#### **22-модда. Ветеринария ходимларининг давлат суғуртаси**

Давлат ветеринария идораларининг ходимлари бюджет ҳисобига давлат томонидан мажбурий суғурта қилинишлари лозим.



## 23-м о д д а. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан ўзгача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. ҚАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

1993 йил 3 сентябрь

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 336-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

1. «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат ветеринария бош бошқармасини тузиш ҳамда бир ойлик муддат ичида бу бошқарма тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:

уч ойлик муддат ичида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этиш вазифалари топширилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси

**Ш. ЙУЛДОШЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1993 йил 3 сентябрь

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 338-модда)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминлашдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

#### І б о б. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти-га тааллуқли ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш давлатлараро битимлар (шартномалар) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти, давлатлараро битимлар (шартномалар)да ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари ушбу Қонунга биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминланиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўяди.

2-м о д д а. Давлат пенсияларининг турлари

Ушбу Қонун билан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланади:

ёшга доир пенсия;  
ногиронлик пенсияси;  
боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

### 3-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин.

### 4-модда. Пенсияни танлаш ҳуқуқи

Давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

### 5-модда. Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти

Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Уларга ушбу Қонунда назарда тутилган асосларда пенсиялар олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда ҳарбий хизматчилар, шунингдек ички ишлар органлари бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахслар пул таъминотининг барча турлари фуқаро шахсларнинг иш ҳақи сингари бир хилда ҳисобга олинади.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги ижтимоий таъминот тўғрисидаги битимлар (шартномалар)да ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар назарда тутилган ҳолларда, ана шу битимлар (шартномалар)да белгиланган қоидалар тегишли равишда қўлланилади.

## II б о б. ЕШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР

### 7-м о д д а. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

### 8-м о д д а. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

### 9-м о д д а. Имтиёзли шартлардаги пенсиялар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига, шунингдек уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар, паканалар ва экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар эгадирлар.

### 10-м о д д а. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар — башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, 1 қисм);

б) бевосита ерости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар — башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учини ишларидан бўшатиш тақдирда, белгиланган хизмат муддатини — эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари;

ижодий иш стажини камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм);

ижодий иш стажини камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм);

ижодий иш стажини камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари — иш стажини камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

**11-м о д д а. Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи**

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм);

эркаклар — иш стажини камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йилни кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажини камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойни кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда — эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йилу 9 ой — ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

б) цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

**12-модда. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи**

Охириги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм);

эркаклар — иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда — эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил — ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

в) қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари (3-сонли рўйхат, II қисм);

эркаклар — умумий иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — умумий иш стажига камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

г) тракторчи-машинист, тракторлар ва экскаваторлар негизда йиғилган қурилиш, йўлсозлик ва юк ортиш-тушириш машиналарининг машинисти бўлиб ишлаган аёллар — умумий иш стажига камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда (3-сонли рўйхат, III қисм);

д) авиация муҳандис-техниклари таркибининг ходимлари (3-сонли рўйхат, IV қисм);

эркаклар — авиациядаги умумий иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

аёллар — авиациядаги умумий иш стажига камида 20 йил бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган вазифаларга тўғри келган тақдирда;

е) тўқимачилик ишлаб чиқариши дастгоҳлари ва машиналарида ишлаган аёллар — кўрсатиб ўтилган ишдаги стажига камида 20 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, V қисм);

ж) шаҳар йўловчилар ташини транспорти ҳайдовчилари (3-сонли рўйхат, VI қисм);

эркаклар — камида 25 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

аёллар — камида 20 йил иш стажига эга бўлиб, бундан камида 15 йили кўрсатиб ўтилган ишга тўғри келган тақдирда;

з) беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар ҳамда болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни шу ёшгача тарбиялаган бўлсалар — болани парваришlash учун кетган вақтни қўшиб ҳисоблаганда (37-модданинг «д» ва «ж» бандлари) иш стажига камида 20 йил бўлса ёки болани парваришlash учун кетган вақт қўшилмаганда иш стажига камида 15 йил бўлган тақдирда.

Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунча камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия таъинlashда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинадилар;

и) экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар:

эркаклар — умумий иш стажига камида 25 йил бўлиб, бундан камида 20 йили кўрсатиб ўтилган минтақага тўғри келган тақдирда;



аёллар — умумий иш стажи 20 йил бўлиб, бундан камиди 15 йили кўрсатиб ўтилган миқтақага тўғри келган тақдирда;

к) ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажи камиди 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар — махсус иш стажи қишлоқ жойда камиди 25 йил ва шаҳарларда камиди 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевоСИТА банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм);

эркаклар — махсус иш стажи камиди 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — махсус иш стажи камиди 20 йил бўлган тақдирда.

### 13-м о д д а. Лилипутлар ва нақаваларга пенсиялар

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган нақавалар; эркаклар — иш стажи камиди 20 йил бўлганда;

аёллар — иш стажи камиди 15 йил бўлганда эга бўладилар.

### 14-м о д д а. Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш

Ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан бўшатишган ва ишсиз мақомга эга бўлган шахслар:

эркаклар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камиди 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камиди 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

## III б о б. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

### 15-м о д д а. Пенсияларни тайинлаш шартлари

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти, тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади.

а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-

маси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Қасб касалликлари рўйхати бўйича;

б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли.

#### 16-модда. Ногиронлик гуруҳлари

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронлиқнинг уч гуруҳи аниқланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронлиқнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат-эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

#### 17-модда. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қўйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

Ёш	Иш стажи (йил ҳисобида)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

**18-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия**

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун (17-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

#### **IV боб. БОҚУВЧИСИНИ ЙУҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ**

**19-модда. Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари**

Вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг «в» бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набира-лар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука, ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг бола-

лари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви — агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса;

ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қондалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

#### **20-модда. Қарамоқда деб ҳисобланувчи оила аъзолари**

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса — боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### **21-модда. Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи**

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чақалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга — боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга — башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса — боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

#### **22-модда. Иш стажы тўлиқ бўлмаган ҳоғдаги пенсия**

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тўлиқ тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

#### **23-модда. Янги никоҳдан ўтилганда пенсияни сақлаб қолиш**

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

#### **24-модда. Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб бериш**

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади:

Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

## У б о б. ПЕНСИЯЛАРНИ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

### 25-м о д д а. Пенсия миқдори

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

пенсиянинг таянч миқдоридан;  
иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан;  
пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

### 26-м о д д а. Пенсияларнинг таянч миқдорлари

Ушбу Қонуни билан пенсияларнинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланади:

а) Ёшга доир тўлиқ пенсия учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдоридан;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдоридан;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдоридан;

г) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдоридан;

д) ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдоридан.

### 27-м о д д а. Иш стажи учун пенсияларнинг оширилиши

Тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун (37—

40-моддалар) пенсияларнинг таянч миқдорлари (26-модда) қуйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

в) III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун — боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдорларидан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти ҳисса миқдори доирасида амалга оширилади.

26-модда ва ушбу моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган:

ёшга доир пенсияларнинг ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига белгиланадиган ногиронлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 75 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига белгиланадиган ногиронлик пенсияларининг ва ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзосига бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

## 28-модда. Пенсияларга устама ҳақлар

Ушбу Қонуннинг 26, 27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизи;

в) III гуруҳ уруш ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи;

з) Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкари-сида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг — 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва хотинларига (янги никоҳдан ўтмаганларга) — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи;

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — хизматларига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

### **29-модда. Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш**

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-моддалар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

### **30-модда. Устама ҳақларни ҳисоблаб чиқариш шартлари**

Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъи назар қўшиб ҳисобланади.



Пенсия сўраб мурожаат этган кишига 28-модданинг «а», «б» ёки «в» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича 28-модданинг «г», «д» ёки «е» бандларида назарда тутилган устама ҳақ билан бир пайтда шу модданинг «ж» ёки «з» бандларида кўрсатилган устама ҳақлардан бири шунингдек «к» бандида кўрсатилган устама ҳақ қўшиб ҳисобланиши мумкин.

### 31-модда. Уртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, бутун меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Уртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга кириш ёки ишдан бўшаш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойларидаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар умуман бўлмаган ҳолларда иш стажини учун пенсия энг кам ойлик иш ҳақига қараб ҳисоблаб чиқарилади.

### **32 модда. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинadиган иш ҳақи турлари**

Пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақиға амалдaги қондаларға кўра суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдaги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустаснодир.

Давлат томонидан ижтимоий суғурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақиға суғурта бадаллари олинadиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади.

Пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишиға бешоан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақиға тешиштирилади.

Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, якка тартибдaги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига тўланган суғурта бадаллари миқдорига қараб аниқланади.

Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий суғуртаға ўтказилган бадаллар миқдорига қараб баҳоланади.

### **33-модда. Иш ҳақиға минтақавий коэффициентлар белгиланган ҳудудларда яшовчи шахсларнинг иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш**

Ишловчиларнинг иш ҳақиға минтақавий коэффициент белгиланган ҳудудларда яшовчи шахслар ва оилаларға пенсия тайинлашда минтақавий коэффициент эътиборға олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амалдaги иш ҳақи ҳисобға олинади.

### **34-модда. Пенсияларнинг оилаларига пенсияларни ҳисоблаб чиқариш**

Пенсияларнинг оилаларига боқувчисини йўқотганлик пенсиялари пенсионернинг (боқувчининг) ўз пенсияси қайси иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилган бўлса, ўша иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

**35-модда. Бошқа давлатлардан кўчиб келган фуқароларга пенсиялар ҳисоблаб чиқариш**

Бошқа давлатлардан кўчиб келган, Ўзбекистон Республикасида ишламаган фуқароларга пенсиялар Ўзбекистондаги тегишли касб ҳамда малякадаги ходимларнинг пенсия тайинланаётган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақиға асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Башарти, бундай касб ҳамда малякалар республикада бўлмаса, ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

**36-модда. Чет элда ишланган давр учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш**

Чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақини ҳисобга олинади.

## **VI боб. ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ**

**37-модда. Иш стажига кўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари**

Қуйидагилар иш стажига кўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намоён этилган кундан эътиборан белгилайдилар:

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги махсус алоқа органлари ва тоғ-қон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан якка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият — Ижтимоий суғурта жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги нахтасосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида);

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонларнинг хотинларининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан бирга яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«е»—«к» бандларида назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»—«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «е»—«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»—«г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга

доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу Қонуннинг 27-моддаси «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда амалга оширилади.

### **38-модда. Иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият давлари**

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчини бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш — уч ҳисса баробарида;

б) Улуғ Ватан уруши йилларида (1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майга қадар) мамлакат ичкарасида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат — икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандларига ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган — эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил — икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вирус билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш — икки ҳисса баробарида;

д) паталогоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши — бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти — бир ярим ҳисса баробарида.

**39-модда. Айрим тоифадаги фуқаролар стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Саноатнинг мавсумий тармоқларига оид корхоналар ва ташкилотларда банд бўлган ходимларнинг тўлиқ мавсум мобайнидаги иши бир йил ишлаган деб, тўлиқ мавсум давомида ишламаган бўлса, ҳақиқий ишлагаи даври ҳисобга олинади.

Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ерости ишлари стажини ҳисоблаб чиқишда (10-модданинг «а»—«б» бандлари ва 11-модданинг «а» банди) аша шу ишда орттирилган меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногиронликда бўлган вақти ушбу Қонун 38-моддасининг «в» бандида белгиланган қоидалар қўлланмасдан кўрсатиб ўтилган стажга қўшилади.

**40-модда. Чет элда ишлаш вақтини стажга қўшиш шартлари**

Чет элда ишланган даврлар Ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма (битим) асосда чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларга қараб аниқланади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иши Ўзбекистон Республикасида ишланганига тўғри келадиган стажнинг 1/3 ҳиссасидан ошмаган миқдорда, агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, стажга қўшилади.

**41-модда. Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда иш стажини ўзаро ҳисобга олиш хусусиятлари**

Имтиёзли шартларда пенсия тайинлашда, башарти, ҳисобга ўтадиган ишлар айна шундай ёки анча имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берган тақдирда, 1, 2 ва 3-сонли рўйхатларда назарда тутилган иш даврлари ўзаро ҳисобга олинади.

## 42-модда. Иш стажини тасдиқлаш тартиби

Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ёки унда тегишли ёзувлар бўлмаган тақдирда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## VII б о б. ПЕНСИЯЛАР ТАЙИНЛАШ

### 43-модда. Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этиш тартиби

Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириги иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Жамоа хўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа хўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга аризачи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма хабар қилинади.

Пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган шахс маъмуриятнинг (бошқарувнинг) пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда, у пенсия тайинланишини сўраб бевосита туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзоларига, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризалар бевосита аризачиларнинг истиқомат жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек аризачига зарур ҳужжатларни олишида кўмаклашишлари шарт.

Ижтимоий таъминот бўлимлари корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, зарур ҳолларда эса, уларнинг берилиши асослилигини текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхоналар ва ташкилотлар пенсия учун (пенсия қайта ҳисобланиши учун) ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки ишончсиз маълумотлари бўлган ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида пенсионерга етказилган зарар учун унинг олдида қонун ҳужжатларида белгиланганидек жавобгар бўладилар.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилиши оқибатида давлатга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар Ижтимоий сугурта жамғармасига тўланади. Бунда корхона томонидан етказилган зарар ижтимоий таъминот бўлимидан тегишли хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой ичида, пенсионер томонидан етказилган зарар эса, ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

#### 44-модда. Пенсия тайинловчи органлар

Пенсияларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари тайинлайди.

#### 45-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қараб чиқиш муддатлари

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади.

Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида корхона, ташкилот ёки аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айни чоғда барча ҳужжатларни қайтаради.

#### 46-модда. Пенсия учун мурожаат этилган кун

Тақдимнома ёки ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

Тақдимномага ёки аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда ижтимоий таъминот бўлими корхона, ташкилот маъмуриятига ёки аризачига



қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қилади. Башарти, улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилса, унда пенсия тайинланиши тўғрисидаги тақдимнома ёки ариза қабул қилинган кун пенсия тайинланиши учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади.

#### 47-модда. Пенсиялар тайинлаш муддатлари

Пенсиялар:

а) ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади;

б) ногиронлик пенсияси — агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭҚ ногиронликни белгиллаган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга — ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси — пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсия ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун, оиланинг: эркаклар — 60 ёшга, аёллар — 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса — умрбод тайинланади.

Бошқа барча ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади.

#### 48-модда. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

## **VIII б о б. ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ**

### **49-м о д д а. Пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари**

Пенсияларни қайта ҳисоблаш:

пенсияларнинг пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи ўзгаришидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсияларнинг пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

### **50-м о д д а. Минтақавий коэффициент ўзгарганда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби**

Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарганда, шунингдек пенсияларнинг доимий яшаш учун коэффициентлар белгиланмаган ёки бошқача миқдорда белгиланган ҳудудга кўчиб ўтганида пенсия энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, янги минтақавий коэффициентни инобатга олган ҳолда қайта ҳисобланади.

### **51-м о д д а. Тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш муддатлари**

Пенсияларнинг ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияларни қайта ҳисоблаш пенсияларнинг пенсияларни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсияларнинг миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

## IX б о б. ПЕНСИЯЛАР ТЎЛАШ

### 52-м о д д а. Пенсиялар тўлаш тартиби

Пенсияларни пенсионер истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот органлари тўлайди.

### 53-м о д д а. Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш

Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар иш ҳақи ёки бошқа даромадидан қатъи назар тўлиқ миқдорда тўланади.

### 54-м о д д а. Меҳнат қобилияти тикланганда пенсияларни тўлаш муддати

Қайта кўриқдан ўтказилган шахс меҳнатга қобилиятли деб тан олинган тақдирда пенсия уни меҳнатга қобилиятли деб топилган ойнинг охиригача, лекин ногиронлик белгилаб қўйилган кунгача бўлган муддатга тўланади.

### 55-м о д д а. Ногиронлик даврида танаффуслар бўлганда пенсия тўлашни қайта давом эттириш шартлари

Агар ногирон узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда қайта кўриқдан ўтиш учун ТМЭҚга борманган бўлса, унга пенсия тўлаш тўхтатиб қўйилади, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда тўхтатиб қўйилган кундан, лекин кўпи билан ўтган бир ойдан бошлаб пенсия тўлаш давом эттирилади.

Узрли сабабга кўра қайта кўриқдан ўтиш муддати ўтказиб юборилганда, агар ТМЭҚ уни ана шу даврда ногирон бўлган деб топса, пенсия тўлаш тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб то қайта кўриқдан ўтиш кунигача, лекин кўпи билан ўтган уч йил учун давом эттирилади. Бунда ногирон қайта кўриқдан ўтказиш чоғида ногиронликнинг бошқа гуруҳига (юқори ёки паст гуруҳга) ўтказилган бўлса, пенсия кўрсатиб ўтилган вақт учун аввалги гуруҳ бўйича тўланади.

Умумий касаллик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ногиронга меҳнат қобилияти тикланганлиги сабабли пенсия тўлаш тўхтатилган ёки узрсиз сабабларга кўра қайта кўриқдан ўтишга келмаганлиги оқи-

Батида тўхтатиб қўйилган бўлса, уни яна ногирон деб тан олинган тақдирда, агар пенсияни тўлаш тўхтатилганидан кейин беш йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, илгари тайинланган пенсияни тўлаш ногиронлик белгилаш кундан бошлаб давом эттирилади. Агар беш йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, пенсия яна умумий асосларда тайинланади.

**56-модда. Тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлаш**

Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига жамғарма банкида очилган омонатга ўтказиб қўйилади.

**57-модда. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўлаш муддати**

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлашни тўхтатишга сабаб бўлувчи ҳолатлар пайдо бўлганида пенсияни тўлаш ана шундай ҳолат пайдо бўлгандан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

**58-модда. Пенсиялар тўланишига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ўзгарганлиги хусусида пенсионерларнинг ижтимоий таъминот бўлимларини хабардор қилишларига доир мажбуриятлари**

Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётган пенсионер оиланинг пенсия тўланаётган аъзолари таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида, улар ўқишни тўхтатганлиги, шунингдек тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганлиги тўғрисидаги ўзгаришлар ҳақида ижтимоий таъминот бўлимларига хабар қилиши шарт.

**59-модда. Ўтган давр учун пенсия тўлаш**

Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган

пенсия пули пенсияни олиш мақсадида мурожаат этилганидан олдинги уч йилдан ошмаган давр учун тўланади.

Пенсияни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

**60-модда. Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида яшовчи шахсларга пенсиялар тўлаш**

Қариялар ва ногиронлар интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-ҳаражат ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади. Рухий беморлар интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди.

**61-модда. Стационар даволанишда бўлган даврда пенсия тўлаш**

Пенсионернинг стационар даволанишда бўлган даври учун пенсия тўлиқ тўланади.

**62-модда. Озодликдан маҳрум қилинган давр учун пенсия тўлашни тўхтатиб қўйиш**

Пенсионер озодликдан маҳрум қилинган тақдирда тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган давр учун тўхтатиб қўйилади.

**63-модда. Пенсионернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш**

Пенсионер олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиган шахслар (19, 20-моддалар) доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган кунигача биргаликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланадиганлар доирасига кирмаганлари тақдирида ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ойнинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Опланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўрта-сида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдоридан, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан оз бўлмаган миқдорда дафн этиш нафақаси тўланади.

Кўрсатиб ўтилган пуллар, уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

#### **64-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга пенсиялар тўлаш**

Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра пенсия миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдиан 6 ой аввал тўланади.

Бу фуқароларнинг чет элда бўлган вақти учун агар давлатлараро битимларда (шартномаларда) ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган пенсияларгина тўланади.

#### **65-модда. Пенсиялардан чегирмалар**

Пенсиялардан чегирмалар:

а) суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкий ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг қарорига биноан — пенсионерга унинг томонидан қилинган суистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Пенсиядан чегирмалар қилиш миқдори пенсионерга тўланиши лозим бўлган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибида ундирилади.

### **66-модда. Пенсиялар тўлаш учун ажратиладиган маблағлар**

Ушбу Қонунга мувофиқ тайинланган пенсияларни, шунингдек дафн этиш нафақасини тўлаш Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ижтимоий суғурта жамғармасини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу Қонун 12-моддасининг «б»—«ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ижтимоий суғурта жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар.

Пенсионер ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ёшга тўлгунга қадар ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш Ижтимоий суғурта жамғармасига ажратиладиган Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **67-модда. Пенсияларни солиқлардан озод қилиш**

Ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган пенсияларга солиқ солинмайди.

**«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга  
киритиш тартиби ҳақида**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ**

1993 йил 3 сентябрь

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 339-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қ а р о р**  
**қ и л а д и :**

1. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1994 йил 1 июлга қадар тайинланган пенсиялар мазкур Қонунда кўрсатилган шартлар ва нормалар бўйича қайта ҳисоблаб чиқиши лозим. Бунда меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун устама ҳақларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган пенсиялар ана шу устама ҳақларсиз қайта ҳисоблаб чиқилади.

Барча ҳолларда ҳам пенсиялар (меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига белгиланадиган устама ҳақларсиз) аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорларда тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мулкчилик ва хўжалик юриштиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан ходим «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунига қадар мазкур Қонун 12-моддасининг «б»—«е» бандларига мувофиқ пенсиялар тўловига кетадиган харажатларни қоплайдиган ҳақни 1994 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 80 фоиз миқдориди, 1995 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 90 фоиз ҳамда 1996 йил ва ундан кейинги йилларда тайинланадиган пенсиялар бўйича 100 фоиз миқдориди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига тўлайдилар.

4. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғ-



рисида»ги Қонун амалга жорий этилгунга қадар амалда бўлган:

пенсиялар тайинлашда ва пенсияларни қайта ҳисоблашда иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун тузатиш коэффициентларини қўллаш;

аввал амалда бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарарли ва меҳнат шароити оғир ишларда мазкур Қонун амалга киритилгунгача ишлаган шахсларнинг ёшига қараб имтиёзли пенсия билан таъминланиш тартиби сақлаб қолинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Чернобиль фалокати оқибатида жабр кўрган фуқароларнинг пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Белгилаб қўйилсинки, пенсия тайинланганидан кейин 1994 йил 1 июлгача ишланган вақт мазкур Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш чоғида ҳисобга олинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 1 мартга қадар:

ўз ваколат доирасига берилган масалалар юзасидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг рўёбга чиқарилишини таъминловчи зарур норматив ҳужжатларни қабул қилсин;

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши иштирокида имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, цехлар, касблар, кўрсаткичлар рўйхатларини ишлаб чиқсин ва бу рўйхатларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширсин;

мазкур Қонундан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш тўғрисидаги таклифларни, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар, фуқаролар ва яқка тартибдаги меҳнатда банд бўлган шахслар, шу жумладан деҳқон (фермер) хўжаликлари аъзолари давлат ижтимоий суғуртасига тўлайдиган бадалларнинг тарифларига доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

меҳнатга лаёқатсиз, иш стажига эга бўлмаган фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек болали кам таъминланган оилаларни ижтимоий таъминлаш тартибини белгиласин. Бу тартиб Қонун билан бир вақтда, яъни 1994 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатларини «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин. Республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур Қонунга зид келувчи норматив ҳужжатлари ва йўриқномаларини қараб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин;

пенсияга устама ҳақ олиш ҳуқуқини берадиган Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида хизматларни таърифловчи низомни ишлаб чиқсин.

8. Корхоналар ва ташкилотларга иш ҳақи тўлаш учун мўлжалланган ўз маблағлари ҳисобидан:

меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга, башарти, улар мазкур Қонунга мувофиқ меҳнат шароитларига кўра имтиёзли пенсиялар олиш ҳуқуқига эга бўлмасалар, муддатидан олдин пенсиялар тайинлаш ва тўлаш;

ушбу меҳнат жамоаси олдида хизматлари бўлган ходимларга пенсияга чиқиш чоғида бир марталик нафақа тўлаш;

ходимнинг меҳнатдаги ҳиссасини, иш стажи давомлигини, моддий таъминланганлиги ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олган ҳолда пенсияларга ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш ва тўлаш ҳуқуқи берилсин.

9. Ижтимоий таъминот вазирлиги республика вазирликлари ва идораларига, давлат бошқарувининг маҳаллий органларига, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотларга мазкур Қонунни қўллаш тартибни тушунтириш ишларини амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси

Ш. ИҲУЛДОШЕВ

**Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1993 йил 3 сентябрь**

### **Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 348-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и :**

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини этиб 27 июнь белги-лансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**

1993 йил 2 сентябрь

**Қ О Н У Н И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 10-сон, 367-модда)

**БИРИНЧИ БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Суд тизими**

Ўзбекистон Республикасида беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоят хўжалик судлари фаолият кўрсатадилар.

Конституциявий судни ташкил этиши ва унинг фаолият тартиби алоҳида Қонун билан белгиланади.

**2-модда. Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги**

Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

**3-модда. Суд ҳужжатларининг мажбурийлиги**

Суд чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, таш-

жилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий.

#### **4-модда. Суднинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

#### **5-модда. Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги**

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун ва суд олдида тенгдирлар.

#### **6-модда. Судловнинг ошкоралиги**

Ҳамма судларда ишлар очиқ қўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### **7-модда. Судлов олиб бориладиган тил**

Ўзбекистон Республикасида суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади.

Судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

#### **8-модда. Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қан-

**Дай** ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Қорхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга ҳақли.

### **9-модда. Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш. Айбсизлик презумпцияси**

Айбланувчига, судланувчига ҳимоя ҳуқуқи таъминланади. Судловнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

### **10-модда. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi қондасига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этади;

судларнинг ташкилий ишларини текширади;

халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашади;

суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этади;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан амалга оширилади.

### **11-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

## **ИККИНЧИ БУЛИМ. УМУМИЙ СУДЛАР**

### **1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ**

#### **12-модда. Олий суднинг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, шаҳар, туман ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий суд ишларни биринчи инстанцияда, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

Биринчи инстанция бўйича ишлар Олий суднинг уч судьясидан иборат таркибда кўрилади.

Олий суд — Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари судлар томонидан бажарилиши устидан назорат олиб боради.

#### **13-модда. Олий суд таркиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — Раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий суд судьяларидан иборат бўлиб:

Олий суд Пленуми;  
Олий суд Раёсати;  
Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;  
Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;  
Ҳарбий ҳайъатдан иборат таркибда иш олиб боради.

#### 14-модда. Олий суд Пленуми

Олий суд Пленуми энг юқори суд инстанцияси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия вазири қатнашади. Олий суд Раисининг таклифга биноан Пленум мажлисида судьялар, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

#### 15-модда. Олий суд Пленумини чақириш тартиби

Олий суд Пленуми тўрт ойда камидан бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалалар бўйича ҳужжатларнинг лойиҳаси Пленум аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Адлия вазирига Пленум йиғилишидан йигирма кун илгари юборилади.

#### 16-модда. Олий суд Пленумининг ваколатлари

Олий суд Пленуми, Пленум аъзоларининг камидан учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий суд Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан дастурий кўрсатмалар беради;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Олий суд Пленуми котибининг тасдиқлайди;

Олий суд Раисининг тақдимига биноан Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибининг тасдиқлайди;



Раёсат иши тўғрисидаги ва Олий суд судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Адлия вазирининг қўшма тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсати таркибини ва судлов ҳайъатлари раисларини тасдиқлайди;

Судьялар олий малака ҳайъатини сайлайди ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисида, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида ахборотларини тинглайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъатини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **17-модда. Олий суд Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Олий суд Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида Олий суд судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маърузасини тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг хулосаси эшитилади. Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор Пленум аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ишни биринчи инстанцияда, кассация ёки назорат тартибида кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчиликнинг овозини олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

### **18-модда. Олий суд Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни**

Олий суд Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний куч-

га киради ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал ҳамда Жиноят-процессуал кодексларида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади.

Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарорлари ва баёни Олий суд Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

### 19-модда. Олий суд Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши

Муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Бош прокурори ёки Адлия вазирлиги томонидан Олий суд Пленумининг муҳокамасига киритилган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Олий суд Пленуми мажлисига таклиф қилинган шахслар ҳам ушбу масалаларни муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори мажлисда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари судлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

### 20-модда. Олий суд Пленуми котиби

Олий суд Пленумининг котиби Олий суд аъзоси вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёнини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

### 21-модда. Олий суд Раёсатининг таркиби

Олий суд Раёсати Олий суд судьяларидан Олий суд Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий суд Раиси, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсат йиғилиши ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарори мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

## **22-модда. Олий суд Раёсатининг ваколатлари**

Олий суд Раёсати:

ишларни назорат тартибда кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўради, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуроғли Кучлар ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

судлов ҳайъатлари ва Олий суд аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **23-модда. Олий суднинг судлов ҳайъатлари**

Олий суднинг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда, кассация ва назорат тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал кодексларида ва ушбу Қонунда кўзда тутилган қоидаларга биноан кўради.

## **24-модда. Олий суд Раиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси:

Олий суд фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритади;

ишларни назорат тартибда текшириш учун талаб қилиб олади;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий суд Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил этади;

ишларни республиканинг бир судидан иккинчи судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий суд Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий суд Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий суд Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий суд Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий суд Раёсати ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ва ҳарбий судлар судьялигига номзодлар юзасидан кейинчалик улар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига хулосалар юборади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

Олий суднинг штатлар жадвалини тасдиқлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **25-м о д д а. Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари**

Олий суд Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари:

Олий суд Пленуми қарорларидан ташқари барча инстанция судларининг ҳукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий суд судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;  
вазифа тақсимотиға мувофиқ Олий суднинг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;  
қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий суд Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар йўқлигида эса Раис ўринбосари амалга оширади.

## **26-модда. Олий суд судлов ҳайъатлари раислари**

Олий суд судлов ҳайъатларининг раислари:  
судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;

Олий суд Раёсати ва Пленумида судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маъруза қиладилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

тегишли судлов ҳайъати судьяларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

## **2-боб. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, ВИЛОЯТ СУДИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ**

### **27-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди таркиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди — раис, раис ўринбосарлари, судлов ҳайъати раислари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради:

суд раёсати;

фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати.

### **28-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди:

Ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўради;

туман (шаҳар) судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**29-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати — раис, раис ўринбосарлари ва судьялардан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Раёсат йиғилишлари ойда камида икки марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарорлари овоз беришда қатнашган раёсат аъзоларидан кўпчилигининг овози билан мазкур Қонуннинг 17-моддасида белгиланган тартибда қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

**30-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раёсатининг ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раёсати:

Ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг тақдимига биноан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари таркибларини тасдиқлайди;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади;

судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти тўғрисидаги, туман (шаҳар) судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**31-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва кассация тартибида кўрадилар.

Судлов ҳайъатлари суд амалиётини умумлаштирадилар ва қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**32-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг раиси:

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади; ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади;

ўзи протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролик ишлари бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида ишларни кўриб чиқиш учун жалб этади;

раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш кўзгатади;

судьялар, суднинг бошқа ходимлари ҳамда халқ маслаҳатчиларининг малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

судьяларнинг малака ҳайъати қарорлари устидан Олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

суд идораси ишларига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади; қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**33-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосарлари: вазифалар тақсимотига мувофиқ суд ишига раҳбарлик қиладилар;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

фуқароларни шахсан қабул қиладилар;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**34-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъати раислари**

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати раислари: судлов ҳайъати ишини ташкил қиладилар;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қиладилар;

судлов ҳайъати фаолияти тўғрисида раёсатга маърузалар тақдим этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

**3-б о б. ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ**

**35-м о д д а. Туман (шаҳар) судининг таркиби**

Туман (шаҳар) суди — суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Туман (шаҳар) судида бештадан ортиқ судья бўлса, шу суд таркибида раис ўринбосари бўлади.

Туман (шаҳар) суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади.

**36-м о д д а. Туман (шаҳар) судининг ваколатлари**

Туман (шаҳар) суди қонун билан ўз ҳуқуқ доираси-



га берилган фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишларни кўради.

### 37-модда. Туман (шаҳар) суди раиси

Туман (шаҳар) судининг раиси:

суд мажлисларида раислик қилади, судьялар ўртасида суд ишларини тақсимлайди;

фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини уюштиради;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишига раҳбарлик қилади, қонун бузилишини, ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга тақдимнома киритади;

суд ходимлари, шунингдек халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

суд аппарати ишига раҳбарлик қилади, суд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### 38-модда. Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари

Туман (шаҳар) суди раисининг ўринбосари: вазифалар тақсимотиغا мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади;

суд мажлисларида раислик қилади;

фуқароларни шахсан қабул қилади;

суд раисининг топшириғига мувофиқ раиснинг айрим вазифаларини бажаради ва раис йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади.

Раис ўринбосари йўқлигида туман (шаҳар) суди раисининг ваколатини амалга ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, тегишли адлия бошқармаси бошлиқлари томонидан судьялардан бирига ёки маъмурий ишлар бўйича судья зиммасига юклатилиши мумкин.

## 4-БОБ. ҲАРБИЙ СУДЛАР

### 39-модда. Ҳарбий судлар тизими

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий судлар тизими—Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати,

Қуrolли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларидан иборат.

#### 40-модда. Ҳарбий судларга тааллуқли ишлар

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларига:

Қуrolли кучлар сафида, чегара қўшинларида, Миллий хавфсизлик хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган шахслар, шунингдек ўқув йиғинлари вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлар ҳарбий қисмлари, қўшилмалари ва бирлашмаларининг қўмондонларига нисбатан ҳарбий хузматчиларнинг даъвоси бўйича фуқаролик ишлари ва мазкур мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан бериладиган шикоятлар, шунингдек, фавқулодда ҳолатларга кўра умумий судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда—барча фуқаролик ва жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор бошқа ишлар тааллуқлидир.

#### 41-модда. Ҳарбий судлар таркиби ва уларнинг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати — Ҳарбий ҳайъат раиси, раис ўринбосари ва судьяларидан таркиб топади. Ҳарбий ҳайъат раиси лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари ҳисобланади.

Қуrolли кучлар ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, раис ўринбосарлари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Гарнизон ҳарбий суди туман суди ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боради ва раис, ҳарбий судьялар ҳамда халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда гарнизон судида раис ўринбосари ҳам бўлиши мумкин.

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ. ХУЖАЛИК СУДЛАРИ

### 1-б о б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХУЖАЛИК СУДИ

#### 42-м о д д а. Олий хўжалик судининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди хўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи ҳисобланади. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурий.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий хўжалик суди Пленумнинг дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қўйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишларни ташкил этиш борасидаги ижобий тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

#### 43-м о д д а. Олий хўжалик судининг таркиби

Олий хўжалик суди — Раис, унинг ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий хўжалик суди судьяларидан иборат бўлади.

Олий хўжалик судида:

Олий хўжалик судининг Пленуми;

Олий хўжалик судининг Раёсати;

Низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати;

Хўжалик судлари қарорларининг қонунийлигини ва асослигини текшириш бўйича судлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

#### 44-м о д д а. Олий хўжалик судининг Пленуми

Олий хўжалик суди Пленуми — Олий хўжалик суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

Пленум мажлисида Бош прокурор қатнашади. Олий хўжалик суди Раисининг таклифига биноан Пленум мажлисида Адлия вазири, судьялар, Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар, бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари, жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

## **45-модда. Олий хўжалик суди Пленумини чақириш тартиби**

Олий хўжалик суди Пленуми бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаси Пленум аъзоларига ва Бош прокурорга Пленум мажлисидан йигирма кун илгари юборилади.

## **46-модда. Олий хўжалик суди Пленумининг ваколатлари**

Олий хўжалик суди Пленуми, Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Олий хўжалик суди Пленуми:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан кўрсатмалар беради;

Олий хўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий хўжалик суди Раёсатини, судлов ҳайъатларининг раисларини, шунингдек Пленум котибини тасдиқлайди;

Олий хўжалик суди Раисининг тавсиясига биноан Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

Раёсат иши тўғрисидаги ахборотни ва Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раисларининг ҳайъатлар фаолияти ҳақидаги маърузаларини тинглайди;

қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, шунингдек, Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг маърузаларини тинглайди;

судьялар малака ҳайъатини сайлайди ва уннинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тинглайди;

Олий хўжалик суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## **47-модда. Олий хўжалик суди Пленумида суд ишларини кўриш тартиби**

Олий хўжалик суди Пленуми ишни назорат тартибида кўриш чоғида, Олий хўжалик суди судьясининг иш ҳолатлари ва протест важлари ҳақидаги маъруза-

сяни тинглайди. Сўнгра Республика Бош прокурорининг хўлосаси эшитилади. Шундан сўнг Пленум протестни муҳокама қилишга киришади.

Муҳокамадан сўнг протест овозга қўйилади. Пленум аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмаслар.

Протест юзасидан қарор судьяларнинг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Ишни илгари кўришда қатнашган судья овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кўпчилиги овоз олмаган протест рад қилинган ҳисобланади. Шундан сўнг навбатига қараб бошқа таклифлар овозга қўйилади.

Қабул қилинган қарорга қарши Пленум аъзоси ўз мулоҳазаларини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фикр Пленум мажлиси ёзма баёнига қўшиб қўйилади.

#### **48-модда. Олий хўжалик суди Пленумининг қарори ва йиғилиши баёни**

Олий хўжалик суди Пленумининг муайян суд ишлари бўйича қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга кирилади ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал Кодексида кўзда тутилган тартибда ижро қилинади. Пленум йиғилишида ёзма баён юритилади. Пленум қарори ва баёни Олий хўжалик суди Раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

#### **49-модда. Олий хўжалик суди Пленумида муайян суд ишларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларнинг кўрилиши**

Пленумнинг муҳокамасига ушбу Қонунга мувофиқ Олий хўжалик суди Раиси, Бош прокурор ёки Адлия вазири томонидан киритилган, муайян суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ бўлмаган масалалар тегишли равишда уларнинг маърузалари бўйича ёки улар ваколат берган шахсларнинг маърузалари бўйича тингланади.

Мазкур масалаларни муҳокама қилишда Олий хўжалик суди Пленуми йиғилишига таклиф қилинган шахслар ҳам қатнашишлари мумкин.

Пленум қарори йиғилишда иштирок этаётган Пленум аъзоларининг кўпчилиги томонидан очиқ овоз бе-

риш йўли билан қабул қилинади ва қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Пленумнинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича дастурий кўрсатмалари хўжалик судлари, ташкилотлар, ушбу кўрсатмалар берилган қонунларни қўллаётган бошқа органлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий.

#### **50-модда. Олий хўжалик суди Пленуми котиби**

Олий хўжалик суди Пленумининг котиби судьялик вазифасини бажариш билан бирга Пленум йиғилишини тайёрлашга, мажлис баёни юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди, Пленум қабул қилган қарорларнинг ижроси учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

#### **51-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг таркиби**

Олий хўжалик суди Раёсати Олий хўжалик суди судьяларидан Олий хўжалик суди Пленуми белгилаган миқдорда тузилади.

Олий хўжалик суди Раёси ва унинг ўринбосарлари Раёсат таркибига лавозимлари бўйича кирадилар.

Раёсатнинг йиғилиши ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

#### **52-модда. Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатлари**

Олий хўжалик суди Раёсати:

ишларни назорат тартибида кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоятлар хўжалик судлари раисларининг хўжалик судлари ишларини ташкил қилиш ҳақидаги маърузаларини эшитади;

хўжалик судлари, Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил қилишга оид масалаларни кўради;

Қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **53-модда. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари**

Олий хўжалик судининг судлов ҳайъатлари ишларни биринчи инстанцияда ва қарорларнинг қонунийлиги

ва асослилигини текшириш тартибида Хўжалик процесуал кодекси ва ушбу Қонунда назарда тутилган қоидаларга биноан кўради.

#### 54- м о д д а. Олий хўжалик суди Раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси:

Олий хўжалик суди фаолиятига ташкилий раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протестлар киритади;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади:

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг ижросини тўхтатиб туради;

суд амалиётини умумлаштириш, шунингдек Олий хўжалик суди Пленуми дастурий кўрсатмаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ишларини ташкил қилади;

ишларни республиканинг бир хўжалик судидан иккинчи хўжалик судига олиб бериш масаласини ҳал қилади;

Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсатини чақиради, уларнинг мажлисида раислик қилади;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

Олий хўжалик суди Пленумининг дастурий кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ эмаслиги ҳақида Олий хўжалик суди Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини шарҳлаб бериш ва норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмаслиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимнома киритади;

Олий хўжалик суди Пленумига судлов ҳайъатларининг таркиби, уларнинг раислари ҳақида, Олий хўжалик суди Раёсати ҳамда Судьяларнинг малака ҳайъати таркиби тўғрисида тақдимнома киритади;

хўжалик судлари судьялигига номзодлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатади;

Раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Олий хўжалик суди ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **55-модда. Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари**

Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосарлари:

Олий хўжалик судининг, хўжалик судларининг хўжалик низоларни ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатлари чиқарган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан протест киритадилар;

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг мажлисларида раислик қилишлари мумкин;

ишларни назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб оладилар;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан чиқарилган, ўзлари протест киритиш ҳуқуқига эга бўлган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб турадилар;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қиладилар;

вазифа тақсимотига мувофиқ Олий хўжалик судининг таркибий бўлинмалари ишига раҳбарлик қиладилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Олий хўжалик суди Раисининг йўқлигида унинг ваколатини Раис ўринбосари амалга оширади.

### **56-модда. Олий хўжалик суди судлов ҳайъатлари раислари**

Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг раислари:

судлов ҳайъатлари ишини ташкил этадилар ва уларнинг мажлисларида раислик қиладилар;



Олий хўжалик суди Раёсати ва Пленумига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этадилар;

суд амалиётини умумлаштириш учун суд ишларини талаб қилиб оладилар;

судьяларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этадилар;

қонун ҳужжатларида ўзларига берилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

## **2-б о б. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУЖАЛИК СУДИ, ВИЛОЯТЛАР ХУЖАЛИК СУДЛАРИ**

**57- м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди таркиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди — раис, раис ўринбосарлари, судьялардан иборат.

Зарур ҳолларда судлов ҳайъатлари тузилиши мумкин.

Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шаҳар хўжалик судлари ташкил этилиши мумкин.

**58- м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди ваколатлари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда ва назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

**59- м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг, вилоят хўжалик судининг раиси:

суд фаолиятига раҳбарлик қилади;

суд ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар устидан қонунда белгиланган доирада ва тартибда протестлар киритади;

судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қилиши мумкин;

зарур ҳолларда бир ҳайъат таркибига кирувчи судьяларни бошқа ҳайъат таркибида иш кўришга жалб этади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади; раис ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди;

судьялар ва суднинг бошқа ходимлари малакасини оширишга доир ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини юритиш ишларини уюштиради;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

хўжалик судининг ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **60-м о д д а. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари:

тақсимотга мувофиқ суд ишига раҳбарлик қилади; судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин;

фуқароларни ва корхона, муассаса, ташкилотларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

судлов ҳайъатлари бўлмаган хўжалик судларида қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатини амалга оширади;

қонун ҳужжатларида ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

## 1-б о б. СУДЬЯЛАР, УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

61-модда. Судьялар мақомининг бирлиги

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эгадирлар ва фақат ваколатлари ҳамда ҳуқуқ доираси бўйича ўзаро фарқланадилар.

62-модда. Судьяликка номзод ва халқ маслаҳатчилигига номзодга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган, малака имтиҳонини топширган фуқароси туман (шаҳар) суди, хўжалик суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида беш йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Олий юридик маълумотли, ҳуқуқ ихтисоси бўйича камида етти йиллик, жумладан, одатда судьялик лавозимида камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьяси этиб сайланиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлик таркибидаги ҳарбий унвонга эга, ушбу модда талабларига жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд судьяси этиб тайинланиши мумкин.

Ҳарбий судлар судьяларига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, ҳарбий низомлар, ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ва мазкур Қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя чоралари тадбиқ қилинади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойларидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим

Йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшга тўлган фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунига 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳарбий суд халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Халқ маслаҳатчилари ҳарбий қисм хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан бир ярим йил муддатга сайланадилар.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари судларга ўз вазифаларини бажариш учун йилига кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақириладилар, уларнинг иштирокида бошланган судлов ишини кўриб чиқишни тугаллаш зарурати туғилганида бу муддатни узайтириш ҳоллари бундан мустаснодир. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи корхона, ташкилот, муассасасининг мулкчилик шаклидан қатъи назар, сақлаб қолинади.

### 63-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланадилар ёки тайинланадилар.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан, ҳўжалик судлари судьялари эса — Олий ҳўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Қуроли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди судьяларининг сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар), ҳарбий, ҳўжалик судлари судьяларининг сони тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири, Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

#### 64- м о д д а. Судьялар қасамёди

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) шахс қўйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, одил, ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан».

Судьялар қасамёди тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи олдида қилинади.

Судьялар қўйидаги тартибда қасамёд қиладилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида;

ҳўжалик судлари судьялари — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлисида;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, туман (шаҳар) судлари судьялари — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Раёсати мажлисида.

#### 65- м о д д а. Судьяларнинг ҳуқуқлари

Судьялар:

одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилишга;

давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари, илмий муассасалар ва ахборот марказларидан маълумотлар талаб қилиб олишга ҳақли.

**Давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьянинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьянинг сўровига мувофиқ бепул берилди. Судьянинг талаб ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.**

## **66-модда. Судьяларнинг бурчлари**

Судьялар фуқаролик, жиноий, хўжалик ва маъмурий ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва одил бўлишлари шарт.

Судьялар ўз вазифаларини бажариш чоғида, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда одил судловнинг обрўсини тўкадиган, судьялик қадр-қиммати-га ёки унинг холислигига шубҳа туғдирадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ўзларини тийишлари керак.

Судьялар ўзаро маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш вақтида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьялари Олий Мажлис депутати бўлолмайдилар.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланидиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

## **2-б о б. СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

### **67-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш**

Судьяларнинг мустақиллиги:

уларни қонун билан белгиланган тартибда сайлаш, тайинлаш ва озод қилиш;  
судьялар дахлсизлиги;

одил судлов қатъий тартибда амалга оширилиши; қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг таъқиқланиши;

судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралashiш, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

судьяга унинг олий мақомига муносиб равишда давлат ҳисобидан моддий ва ижтимоий таъминот белгилаш орқали таъминланади.

#### **68- модда. Судьяга нисбатан қилинган ҳурматсизлик учун жавобгарлик**

Давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьялар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва шунга риоя этишлари шарт.

Судьяга ҳурматсизлик билдириш, шунингдек уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи ҳаракатлар қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

#### **69- модда. Суд ишларини ҳал қилишда аралашувга йўл қўйилмаслиги**

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай тарзда бўлмасин таъсир ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки судловида бўлган ишлар моҳияти бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, кимга бўлмасин, ишни танишиб чиқиш учун тақдим этишни талаб этиш таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас.

#### **70- модда. Судьялар дахлсизлиги**

Судьяларнинг шахси дахлсиз. Судья дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарла-

**рига, унга тегишли мулклар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.**

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Адлия вазири томонидан белгиланган рўйхатга биноан ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда эса, тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи унга ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Судья, тегишлича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судьяни тегишли малака ҳайъатининг розилиги бўлган тақдирдагина маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишга йўл қўйилади.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, унинг шахсий ёки фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки ашёни олиш, телефонда сўзлашувини эшигиш, судьяни кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унга тегишли мулклари ва ҳужжатларини, унинг хат-хабарларини кўздан кечириш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорининг, Қуролли Кучлар ҳарбий прокурорининг рухсатига ёки суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Туман (шаҳар) суди, гарнизон ҳарбий суди судьясига нисбатан жиноят иши—юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли.

Халқ маслаҳатчилари судда ўз вазифаларини бажараётган даврда судьялар дахлсизлигининг барча кафолатларидан фойдаланадилар.

## **71-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиш**

Судья жинойий жавобгарликка тортилган тақдирда унинг ваколоти тўхтатилади.

Судьянинг ваколоти Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазирининг биргаликдаги тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий



суди судьялари ва ҳарбий судлар судьяларининг ваколати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг, хўжалик судлари судьяларининг ваколати эса — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан қуйидаги ҳолларда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарорига асосан тўхтатилади, агар:

судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судья тиббий тартибдаги мажбурий даволаш чораларига тортилган ёки қонуний кучга кирган суд қарори ёки ажрими билан унинг муомала лаёқати чекланса;

судья қонуний кучга кирган суд қарори билан бедарак йўқолган деб топилса.

Судьянинг ваколати уни тўхтатишга сабаб бўлган асос тугагунга қадар тўхтатилади.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Судьялик ваколатининг тўхтатилиши унга иш ҳақи тўламай қўйишга ёки унинг миқдорини камайтиришга, таъминотини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган шахсий дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, эҳтиёт чораси сифатида судья ҳибсга олинган ҳоллар бундан мустасно.

## 72-модда. Судья ваколатининг тугатилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ҳуласасига асосланган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси Раисининг белгиланган тартибдаги тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

а) судьялик қасамёдини бузганда;

б) унинг ёзма аризасига кўра;

в) тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан қилинган огоҳлантириш ёки ваколатининг тўхтатили-

шига қарамасдан ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттирган тақдирда;

г) суднинг қонуний кучга кирган қарорига асосан муомалага лаёқатсиз деб топилса;

д) судья Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

е) унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжуд бўлса;

ж) суднинг қонуний кучга кирган қарорига кўра ўлган деб эълон қилинган тақдирда;

з) саломатлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт давомида судьялик вазифасини бажаролмай қолган бўлса;

и) вафот этиши муносабати билан.

Судьянинг ваколоти ушбу модданинг «а», «в», «з» бандларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли судьялар малака ҳайъатининг қарори асосида тугатилиши мумкин.

Судья малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколоти шу моддада кўрсатилган асослар бўйича тугатилади, «а» бандида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

### 73-модда. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

Судья фақат судьялар малака ҳайъатининг қарорига асосан қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунларни бузганлиги учун;

суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасида ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракати учун.

Ҳарбий суднинг судьяси, шунингдек ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, шу қарорни чиқаришда қатнашган судья қонунни била туриб бузмаган ёки жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўймаган бўлса, унинг интизомий жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

#### 74-модда. Судьялар малака ҳайъати

Судьялар Олий малака ҳайъати ва судьялар малажа ҳайъати:

судьялик лавозимига номзодларни танлаш;

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатини тўхтатиб туриш ёки тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяни малака имтиҳонидан ўтказиш ва унга малака даражаси бериш масалаларини кўриш учун тузилади.

Судьялар Олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати эса — Олий хўжалик суди Пленуми томонидан беш йил муддатга сайландилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли жойлардаги судьялар йиғилишида, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъатлари эса — ҳарбий судлар судьялари йиғилишида шу муддатга сайландилар.

Судьялар малака ҳайъатини ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

### 3-БОБ. СУДЬЯЛАРНИ МОДДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНЛАШ

#### 75-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти

Судьяларнинг иш ҳақи уларнинг лавозими бўйича белгиланган маошдан, шунингдек малака даражаси, хизмат муддати учун тўланадиган қўшимча ҳақлардан иборат бўлиб, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Судьяларга ҳар йили 36 иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Судья сайланган (тайинлаган) кундан бошлаб олти ой ичида уй-жой ҳамда шахсий телефон билан таъминланади.

#### 76-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш чоралари

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғи давлатнинг махсус

муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджетидан давлат томонидан мажбурий тартибда суғурта қилинади.

Қуйидаги ҳолларда давлат суғурта органлари суғурта суммаларини тўлайди:

судья ўз вазифасини бажариш даврида ёки лавозимидан бўшаганидан сўнг ҳалок бўлса (вафот этса), башарти бу воқеа судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берса, унинг ворисларига судьянинг 50 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолса ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида — судьянинг 25 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум этмайдиган ва узоқ муддатга меҳнат фаолиятини тўхтатишга олиб келмайдиган тан жароҳати ёки саломатлигига бошқа шикаст етказилганида — судьянинг 5 ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья хизмат вазифасини бажариш пайтида келажакда ўз касбида ишлаш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки саломатлигига бошқача шикаст етказилганида, давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда, унга ойлик иш ҳақи билан тайин этилган нафақа ўртасидаги фарқ ҳар ойда тўланади;

судья ўз хизмат вазифасини адо этиш пайтида олган тан жароҳати ёки соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми билан боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ ҳар ойда, давлат суғурта тўловларини ҳисобга олмаган ҳолда тўланади.

Судьянинг хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ равишда унга тегишли мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган зарар судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Мазкур моддада кўрсатилган зарар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва қонунда кўзда тутилган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади.

**77-модда. Суд ижрочиси**

Суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари бўлади. Судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочиси бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланади.

Суд ижрочисининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд қарори бўйича ижро ҳаракатлари ўтказиш вақтида, зарур ҳолларда, унга белгиланган тартибда қурол ёки тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи томонидан соқчилар ажратилади.

Суд қарорини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиламади.

**78-модда. Суд аппарати**

Суд аппарати унинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди. Шу мақсадда Олий судда, Олий ҳўжалик судида бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлимлар ташкил этилади.

Бошқармалар, бўлимлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ёрдамчилар, судларнинг бош ва катта консультантлари, консультантлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Адлия вазири белгилаган тартибда малака синовидан ўтадилар.

Мансаб даражасини белгилаш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

**79-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, ҳўжалик судларининг тузилиши ва умумий сони тегишлича Олий суд Раиси, Олий ҳўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва Тошкент шаҳар судининг, туман (шаҳар) судининг тузилиши ва умумий сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси, Адлия вазирлиги, зарур ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига уларнинг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади.

#### **80-модда. Судларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Ҳар бир суд алоҳида бино ва автотранспорт билан таъминланади.

Судларни молиявий, моддий-техникавий ва ўзгача таъминоти, уларнинг биноларини қўриқлаш ва сақлаш республика бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Маблағнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ажратилган маблағни тақсимлашни:

туман (шаҳар), вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди учун — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; ҳарбий судлар учун — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судлари учун — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди амалга оширилади.

#### **81-модда. Олий суд ва Олий хўжалик судининг матбуот органи**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди ўз матбуот органига эга.

#### **82-модда. Олий суд ва Олий хўжалик суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлган, жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Унинг вазифасига суд амалиётида

желиб чиқадиган қонунларни қўллашга доир масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар бериш киради.

### 83-модда. Судлар муҳри

Судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўзининг номи ифодаланган муҳрига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди, вилоят хўжалик судлари юридик шахс ҳисобланадилар.

### 84-модда. Суд ҳокимиятининг рамзлари

Суд биноси устида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, суд мажлиси залларида эса Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ўрнатилади.

Судьялар судлов ишни махсус кийимда олиб бордилар. Бу кийимнинг тавсифи ва намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Судьяларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан гувоҳнома берилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНING**

1993 йил 2 сентябрь

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 10-сон, 368-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р  
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинган кундан амалга киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 62-модданинг қоидалари Қонун амалга киритилганидан кейин сайланадиган ва тайинланадиган судьяларга нисбатан қўлланилади.

2. «Судлар тўғрисида»ги Қонун амалга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди халқ маслаҳатчиларининг ваколати тугатилади. Халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддатлари улар суд ишларини кўриб турган вақтда тугайдиган бўлса, уларнинг ваколатлари шу ишнинг муҳокамаси тугагунга қадар сақланади.

«Судлар тўғрисида»ги Қонун амалга киритилгунга қадар сайланган бошқа судларнинг халқ маслаҳатчилари ўз ваколатларини улар сайланган муддат тугагунча сақлаб қоладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига судларни хизмат бинолари, автотранспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш ва «Судлар тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган моддий-техника таъминотига оид бошқа чораларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.



5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, вилоят судларининг алоҳида режимдаги объектларда амал қилувчи доимий сессиялари тугатилсин.

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида суд тузилиши тўғрисида»ги 1981 йил 27 ноябрдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Вedomостлари, 1981 йил, 33-сон, 642-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги 1991 йил 20 ноябрдаги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 86-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси судларининг конференцияларини чақириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 1989 йил 30 ноябрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Вedomостлари, 1989 йил, 31—33-сон, 526-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг қасамёди тўғрисида»ги 1989 йил 21 декабрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Вedomостлари, 1989 йил, 35—36-сон, 605-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси**

**Ш.ЙУЛДОШЕВ**

Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги,  
Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги,  
Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги,  
Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги  
Низомларни тасдиқлаш ҳақида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

### ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ

1993 йил 2 сентябрь

### Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 10-сон, 370- модда).

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»-  
ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:

1. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги  
Низом;

Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги Ни-  
зом;

Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида-  
ги Низом;

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғриси-  
даги Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёса-  
тининг:

«Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг  
малака коллегиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш  
тўғрисида»ги 1989 йил 21 декабрдаги Фармони (Ўзбе-  
кистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари,  
1989 йил, 35—36- сон, 606- модда);

«Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг  
интизомий жавобгарлиги, судьялар ва халқ маслаҳат-  
чиларини чақириб олиш ҳамда муддатидан илгари озод  
этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1989  
йил 21 декабрдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси  
Олий Советининг Ведомостлари, 1989 йил, 35—36- сон,  
607- модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

## Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида

### Н И З О М

#### **I БУЛИМ. СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ, УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

1. «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялар билан ишлашда демократик асосларни кучайтириш, судда ишлаш учун муносиб номзодлар танлаш ҳамда судьялар мустақиллиги кафолатларини таъминлаш мақсадида тузилади.

2. Судьяларнинг олий малака ҳайъатини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Олий суд Раисининг тақдимномасига биноан Олий суд судьяларидан беш йил муддатга сайлайди.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъатини Олий хўжалик суди Пленуми Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан хўжалик судлари судьяларидан беш йил муддатга сайлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли ҳудудлардаги судьяларнинг йиғишларида, ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати эса — ҳарбий судлар судларининг йиғилишларида, тегишли судлар раисларининг тақдимномасига биноан беш йил муддатга сайланади.

3. Судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолари сони уларнинг иш ҳажмига қараб белгиланади, аммо ҳайъат раиси ва унинг ўринбосарлари билан биргаликда тўққиз кишидан ошиб кетмаслиги керак.

4. Олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари ўз фаолиятлари тўғрисида ўзларини сайлаб қўйган органларга бир йилда камида бир марта ахборот берадилар.

5. Олий малака ҳайъати, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарлигига, хўжалик суди

судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёрлигини баҳолайди;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларини, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларини, хўжалик суди судьяларини малака аттестациясидан ўтказди;

3) судьяларга малака даражалари беради;

4) судьяларни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

5) Олий суд судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг, хўжалик суди судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

6) Олий суд судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг, хўжалик суди судьяларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

7) судьянинг ваколатларини тугатиш ҳақида хулоса беради.

Судьяларнинг олий малака ҳайъати бундан ташқари судьялар малака ҳайъатларининг қарорлари устидан берилган тақдимнома ва шикоятларни ҳам кўради.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий судлари судьяларининг малака ҳайъатлари:

1) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг шу лавозимларда ишлашга тайёрлигини баҳолайди;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьяларини малака аттестациясидан ўтказди;

3) судьяларни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш масаласини кўради;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьяларининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўради;

5) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар судьяларининг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

6) судьянинг ваколатларини тугатиш ҳақида хулоса беради.

7. Малака ҳайъатларининг мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати ўз ваколатларини ҳайъат аъзоларининг ярмидан кам бўлмаган таркибида амалга оширади.

Ҳайъат мажлисига тайёргарлик малака ҳайъати раиси ёки унинг топшириғига биноан раис ўринбосари ёхуд малака ҳайъатининг бирон-бир аъзоси томонидан таъминланади.

Судьялар малака ҳайъатининг мажлиси тегишли тақдимнома ёки интизомий иш келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ўтказилиши лозим.

Судьялар малака ҳайъатининг раиси мажлис ўтказиш вақти ва жойини белгилайди, бу ҳақда кўрилаётган масалага алоқадор бўлган шахсларга олдиндан хабар берилади.

Судьялар малака ҳайъати ўз ваколатини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни суд, адлия, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари раҳбарларидан, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

8. Раислик этувчи малака ҳайъати мажлисини белгиланган вақтда очади ва қандай масала кўрилажagini, ҳайъат таркибини эълон қилади.

Мажлисида иштирок этаётган ҳайъат аъзоси ўзига отвод бериши, ҳайъат мажлисида масаласи кўрилаётган судья ёки судьяликка номзод малака ҳайъати аъзоларига отвод бериши мумкин.

Ўз ўзига берилган ёки ҳайъат аъзосига берилган отводни қабул қилиш масаласи ҳайъат аъзолари томонидан ёпиқ маслаҳатда ҳал этилади.

Масалани кўриш раислик этувчининг ёки тақдим этилган ҳужжатларни олдиндан ўрганиб чиққан ҳайъат аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Малака ҳайъати ваколатига тааллуқли ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг моҳиятига қараб, ҳайъат мажлисига таклиф қилинган шахсларнинг фикри эшитилади, зарур ҳужжат ва материаллар таҳлил қилинади. Сўнгра ҳайъат ўз хулосасини чиқаради ёки тегишли қарор қабул қилади. Малака ҳайъати мажлисида ёзма баён юритилади ва у раислик этувчи ҳамда ҳайъат котиби томонидан имзоланади.

9. Хулоса ёки қарор ёпиқ маслаҳатда, шу мажлисида иштирок этган ҳайъат аъзоларининг кўпчилик овози

Билан асослантирилган ҳолда қабул қилиниб, ҳайъат аъзолари томонидан имзоланади ва эълон қилинади.

Иш бўйича қабул қилинган қарордан норози бўлган ҳайъат аъзоси қарорга имзо қўймайди ва ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда мажлис баёнига илова қилади.

10. Малака ҳайъати судьяларнинг маъмурий ва интизомий жавобгарлиги ҳамда ваколатларини тўхтатиб туриш ҳақидаги масалалар бўйича қарор, бошқа масалалар бўйича эса хулоса чиқаради.

11. Қарор ва хулосада ҳайъатнинг номи, унинг таржиби, иш кўрилган вақт ва жой: иши кўрилаётган судьянинг мансаби, фамилияси, исми, отасининг исми; интизомий иш қўзғатган ёки тақдимнома киритган шахснинг мансаби ва фамилияси; иш ҳолатлари; судьянинг баёноти ва унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар; қабул қилинган қарор ёки хулосанинг далилий асослари; интизомий таъсир чораси белгилаш ёки интизомий ишни ҳаракатдан ётқизиш асослари; қарор (хулоса) устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари жўрсатилиши лозим.

12. Олий малака ҳайъати ва Хўжалик судлари малака ҳайъатининг қарор ва хулосалари устидан шикоят қилинмайди.

Судьяларнинг бошқа малака ҳайъатлари қарорлари ва хулосалари устидан жавобгарликка тортилган судья, шунингдек тақдимнома киритган ёки интизомий иш қўзғатган шахс Олий малака ҳайъатига шикоят желтириши мумкин.

Масалани қайта кўриш тўғрисидаги шикоят ёки тақдимномалар қарор қабул қилинган ёки хулоса чиқарилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судьяларнинг тегишли малака ҳайъати орқали берилади.

Шикоят ёки тақдимнома тушгандан сўнг материаллар зудлик билан Олий малака ҳайъатига юборилиши лозим.

Олий малака ҳайъати шикоят ёки тақдимнома билан келган материални бир ой муддат ичида кўриб чиқиши лозим.

13. Судьяларнинг Олий малака ҳайъати:

қарор ёки хулосани ўзгартирмас, шикоят ёки тақдимномани эса қаноатлантирмай қолдиришга;

қарор ёки хулосани бекор қилиш ва материални янгидан кўриш учун юборишга;

қарор ёки хулосани бекор қилиб, материални ўз иш юргизишига олишга;

қарорни бекор қилиб, интизомий ишни ҳаракатдан ётқизишга;

қарорни ўзгартириш ва судьяга бошқа интизомий таъсир чораси қўллашга ҳақлидир.

Олий малака ҳайъатининг, ҳарбий судлар судьялари малака ҳайъатининг ва Хўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг хулосаси ёки қарори тегишлича Олий суд Раисига ва Олий хўжалик суди Раисига, қўйи судларнинг судьяларига тааллуқли масалалар бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига юборилади; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судьялари малака ҳайъатларининг хулоса ёки қарорлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирига ва тегишли адлия ҳамда суд органлари раҳбарларига, масаласи кўрилган судьяга беш кунлик муддат ичида юборилади.

## **II БУЛИМ. СУДДА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛИКНИ БАҲОЛАШ ВА МАЛАКА ИМТИҲОНИ ЎТҚАЗИШ**

14. Судьяликка номзодларнинг тайёрлигига баҳо бериш ва малака имтиҳони:

Олий суд судьялигига, Қуроли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарлигига — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг тақдимномасига кўра Олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раиси ва раис ўринбосарлигига — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига кўра Олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялигига — мазкур судлар раисларининг тақдимномасига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан;

туман (шаҳар) судларининг судьялигига тегишинча — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, адлия бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига кўра судьяларнинг малака ҳайъати томонидан;

ҳарбий судларнинг судьялигига — Қуроли Кучлар ҳарбий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси билан келишилган тақдимномасига биноан ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

хўжалик судларининг судьялигига — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Хўжалик судларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилади.

Судьяларнинг малака ҳайъатига зарур ҳужжатлар тақдим этилади.

15. Судьяликка номзоднинг малака имтиҳони у билан суҳбат ўтказиш, оғзаки саволларга жавоб олиш, тегишли малака ҳайъати томонидан тасдиқланган амалий мисолларни ечишдан иборат бўлади.

16. Судьяларнинг малака ҳайъати судьяликка номзоднинг малака имтиҳонидан ўтган ёки ўтмаганлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Малака имтиҳонини топшира олмаган судья ёки судьяликка номзод камида бир йилдан кейин қайтадан имтиҳонга қўйилиши мумкин.

17. Малака ҳайъатининг номзодни юқори судьялик лавозимига тавсия этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосаси тегишли суд раисининг тақдимномасига биноан берилади.

18. Судья ёки судьяликка номзоднинг тайёрлиги ҳақидаги қарор малака ҳайъати раиси томонидан тақдимнома киритган суд ёки адлия органи раҳбарига жоборилади.

### **III БЎЛИМ. СУДЬЯЛАРНИ МАЛАКА АТТЕСТАЦИЯСИДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРГА МАЛАКА ДАРАЖАЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

19. Судьяларнинг малака аттестацияси Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва судьялар таркибининг сифатини яхшилаш, уларнинг касб малакасига баҳо бериш, уларни рағбатлантириш, одил судловни амалга ошириш масъулиятини кўтариш мақсадида ўтказилади.

20. Малака аттестацияси:

Олий суд судьялари, Қуролли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг тақдимномасига биноан Олий малака ҳайъати томонидан:

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг тақдимномасига биноан Олий малака ҳайъати томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларига нис-



**батан** — ушбу судлар раисларининг тақдимномасига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан;

туман (шаҳар) судларининг судьяларига нисбатан — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, адлия бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига биноан судьяларнинг малака ҳайъати томонидан; гарнизон ҳарбий судлари судьяларига нисбатан — Қуролли Кучлар ҳарбий суди раисининг тақдимномасига биноан ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати томонидан;

хўжалик судлари судьяларига нисбатан — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан ўтказилади.

21. Биринчи марта судьялик лавозимига тайинланган (сайланган), лекин малака даражасига эга бўлмаган шахслар иш фаолиятларининг дастлабки уч ойи ичида малака аттестациясидан ўтадилар.

Судьяларнинг навбатдаги малака аттестацияси уларга берилган малака даражаси муддати тамом бўлган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Судьяга муддатидан олдин юқорироқ малака даражаси бериш учун унга аввал берилган малака даражасида бўлиш муддатидан ярми ўтгандан кейингина навбатдаги малака аттестацияси ўтказилиши мумкин.

22. Малака аттестациясидан ўтказилиши лозим бўлган судьяга аттестация ўтказиш учун белгиланган муддатдан камида бир ой олдин унинг касб фаолияти акс эттирилган тавсифнома ва иши ҳақида маълумотнома тузилади.

Тегишли суд ва адлия органларининг раҳбарлари судьяни унга нисбатан тузилган тавсифнома ва тузилган маълумотномалар билан материалларни тегишли малака ҳайъатларига юборишдан олдин таништиришлари лозим.

Малака аттестацияси ўтказиладиган вақт ҳақида судьяга икки ҳафта олдин хабар қилиниши керак.

23. Малака аттестацияси тақдимнома тушган кундан бошлаб бир ой ичида, одатда аттестациядан ўтувчи судьянинг иштирокида ўтказилади.

Малака ҳайъатининг мажлисида тақдимнома кiritган суд ва адлия органларининг раҳбарлари қатнашишлари мумкин.

24. Судьяни аттестациядан ўтказиш раислик этувчи ёки тақдим қилинган ҳужжат ва материалларни олдиндан ўрганиб чиққан ҳайъат аъзоларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Шундан сўнг аттестациядан ўтувчининг баёноти, лозим бўлган ҳолларда, судьяни аттестациядан ўтказиш тўғрисида тақдимнома юборган мансабдор шахсининг фикри эшитилади.

25. Малака ҳайъати судьянинг билими, иш маҳорати, иш стажи ва тажрибасидан, эгаллаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги хулосаларнинг бирини беради;

судьяга малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяга юқорида малака даражаси бериш мумкинлиги тўғрисида;

судьяни илгари берилган малака даражасида қолдириш тўғрисида;

Малака ҳайъатининг хулосаси аттестация материаллари билан биргаликда Олий малака ҳайъатига юборилади.

26. Олий малака ҳайъати судьяларнинг малака ҳайъатлари хулосалари асосида судьяга малака даражаси бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ушбу масалани Олий малака ҳайъати тегишли малака ҳайъатлари чиқарган хулосалар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал этади.

27. Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати хўжалик судлари судьяларига юқорида кўрсатилган тартибда малака даражаси беради.

28. Тегишли малака ҳайъатининг малака даражаси бериш тўғрисидаги қарори судьянинг шахсий ишига қўшиб қўйилади.

#### **IV БУЛИМ. СУДЬЯЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ ТАРТИБИ**

29. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 73-моддасига мувофиқ судья:

1) одил судловни амалга ошириш чоғида қонунчиликни бузганлиги учун;

2) суд ишини ташкил этишдаги бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасидаги ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракати учун интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ҳарбий суд судьяси, шунингдек ҳарбий интизомни бузганлиги учун ҳам интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, шу қарорни чиқаришда қатнашган судья қонунни била туриб бузмаган ёки жиддий оқибатларга олиб келган диёнатсизликка йўл қўймаган бўлса, унинг интизомий жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

30. Олий малака ҳайъати:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг;

3) Қуrolли Кучлар ҳарбий суди раиси ва раис ўринбосарларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўрадилар.

Ҳарбий судлар судьяларининг малака ҳайъати ўз ваколати доирасида ҳарбий судлар судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати хўжалик судлари судьяларининг интизомий жавобгарлиги ҳақидаги ишларни кўради.

31. Интизомий иш қўзғатиш ҳуқуқига қўйидагилар эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси — Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларига нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди раислари — шу судлар судьялари, туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъат раиси — ҳарбий судлар судьяларига нисбатан;

Қуrolли Кучлар ҳарбий суди раиси — шу суд судьялари ва гарнизон ҳарбий судлари судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири — Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларига нисбатан;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари бошлиқлари — туман (шаҳар) судлари раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларига нисбатан;

Олий ҳўжалик суди Раиси — ҳўжалик судлари судьяларига нисбатан.

Тегишли судларнинг раҳбарлари ушбу Низомнинг 29- бандида кўрсатилган асослар бўйича интизомий иш қўзғатишлари мумкин.

Адлия органлари раҳбарлари ушбу Низом 29- бандининг 2- бандчасида кўрсатилган асослар бўйича интизомий иш қўзғатишлари мумкин.

32. Интизомий иш қўзғатиш ҳақида тегишли судларнинг раҳбарлари қарор, адлия органларининг раҳбарлари эса — буйруқ чиқарадилар. Қарор ёки буйруқда дастлаб ўтказилган текширувда аниқланган ва интизомий иш қўзғатишга сабаб бўлган асослар кўрсатилиши шарт. Қарор ёки буйруқ зарур материаллар билан бирга кўриб чиқиш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига юборилади.

Интизомий иш қўзғатувчи шахс судьяни жавобгарликка тортиш асосига даҳлдор бўлган маълумотларни олдиндан текширади ва ундан ёзма тушунтириш талаб қилади.

Материаллар малака ҳайъатига юборилишидан аввал устидан интизомий иш қўзғатилган судья улар билан таништирилиши шарт. Бунда судья қўшимча изоҳлар тақдим этишга ёки қўшимча текширув ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

33. Интизомий иш қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки буйруқ уни қўзғатган шахс томонидан ишни малака ҳайъатида кўриб чиқиш бошлангунга қадар чақириб олиниши мумкин.

Ўзига нисбатан интизомий иш қўзғатиш тўғрисида қарор ёки буйруқ чақириб олинаётган судья малака ҳайъатидан ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли.

34. Судья, ноҳўя хатти-ҳаракат қилганлиги аниқланган кундан бошлаб хизмат текширувларига кетган вақт, судьянинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган вақти ҳамда малака ҳайъатида интизомий ишни кўриб чиқишга кетган вақтни ҳисобламаган ҳолда бир ой ичида, ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб эса — бир йил ичида интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

35. Зарур ҳолларда, ишни кўриб чиқиш бошлангунга қадар судьяни интизомий жавобгарликка тортиш асослари қўшимча равишда текширилади. Бундай текширишни ҳайъат раиси топшириғига кўра ҳайъат аъзоларининг бири бажаради. Текшириш пайтида қўшимча ҳужжат ва материаллар, шунингдек кўриб чиқиш чоғида судья қонун бузилишига йўл қўйган суд ишлари ҳам талаб қилиб олинishi мумкин.

36. Тегишли малака ҳайъати қўйидаги қарорларнинг бирини чиқариши мумкин:

интизомий таъсир чораси қўллаш тўғрисида;

интизомий ишни ҳаракатдан ётқизиш тўғрисида;

интизомий иш материалларини судьянинг ваколатини тугатиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориш тўғрисида.

Башарти, судьянинг ваколатини тугатиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган орган бунга асос йўқ деб топса, интизомий иш малака ҳайъатига қайтарилади ва иш юритиш қайтадан бошланади. Дастлабки қарор чиққан кундан ишни қайтаргунгача кетган вақт интизомий жавобгарликка тортиш муддатларига кирмайди.

37. Тегишли малака ҳайъати қўйидаги интизомий таъсир чораларининг бирини қўллаши мумкин:

1) танбеҳ;

2) ҳайфсан;

3) қаттиқ ҳайфсан.

Интизомий таъсир чоралари қўллаш чоғида қонун бузилишининг хусусияти ва унинг оқибатлари, ноҳуя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, судьянинг шахси, унинг айбдорлик даражаси ҳисобга олинади.

38. Тегишли малака ҳайъати:

судья интизомий жавобгарликка асоссиз тортилган бўлса;

ушбу Низомнинг 34-бандида назарда тутилган интизомий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтказиб юборилган бўлса;

интизомий ишни муҳокама этиш билангина чегараланиб, интизомий таъсир чораси қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб топса, интизомий ишни ҳаракатдан ётқизади.

## **V БУЛИМ. СУДЬЯНИНГ ВАКОЛАТИНИ ТУХТАТИШ**

39. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 71-моддасига биноан тегишли малака

ҳайъатининг қарорига асосан судьянинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда, агар:

судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланса;

судья тиббий тартибдаги мажбурий даволаш чораларига тортилган ёинки қонуний кучга кирган суднинг қарори ёки ажрими билан муомала лаёқати чекланса;

судья суднинг қонуний кучга кирган қарори билан бедарак йўқолган деб топилса тўхтатилиши мумкин.

Тегишли судьялар малака ҳайъати судьянинг ваколатини уни тўхтатиш сабаби тугагунга қадар тўхтатиб туради.

## VI БУЛИМ. СУДЬЯНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

40. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 72- моддасига кўра судьянинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда тегишли малака ҳайъатининг хулосаси асосида тугатилади, агар:

судьялик қасамёдини бузса;

судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантирилганлигига ёки ваколатинининг тўхтатилганлигига қарамасдан ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттирса;

судьянинг соғлиғи ёмонлашганлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт давомида судьялик вазифаларини бажара олмаса.

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 72- моддасида кўрсатилган бошқа асослар бўйича судьянинг ваколатлари қуйидаги тартибда, чунончи:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан;

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар), ҳарбий судлар судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг хулосасига асосланган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

хўжалик судлари судьяларига нисбатан — Олий хўжалик суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларига нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи

Кенгеси Раисининг белгиланган тартибдаги тақдимномасига биноан Жоқарғи Кенгес томонидан тугатилади.

41. Судьяларнинг ваколатларини тугатиш масаласида малака ҳайъатига тақдимнома киритиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси — Олий суд ва ҳарбий судлар судьяларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Адлия вазири — Ўзбекистон Республикаси бошқа судларининг судьяларига нисбатан (уларнинг биргаликдаги тақдимномасига кўра);

Олий хўжалик суди Раиси — хўжалик судлари судьяларига нисбатан.

42. Судьяларнинг ваколатларини тугатиш ҳақидаги тақдимнома ва материаллар:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қуролли Кучлар ҳарбий судлари раислари ва раис ўринбосарларига нисбатан — Олий малака ҳайъатига;

бошқа судларнинг судьяларига нисбатан — тегишли малака ҳайъатларига киритилади.

43. Судьяларнинг малака ҳайъати судьянинг ваколатларини тугатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, унинг ваколатларини тугатишга розилик бериш ёки бермаслик тўғрисида хулоса беради.

Малака ҳайъатининг хулосаси беш кундан кечиктирилмасдан тақдимнома киритган шахсга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги № 927-

XII сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси судьяларига малака даражаси жорий этиш ва бериш тартибини белгилайди.

2. Олтига малака даражаси жорий этилади:

Олий малака даражаси

Биринчи малака даражаси

Иккинчи малака даражаси  
Учинчи малака даражаси  
Тўртинчи малака даражаси  
Бешинчи малака даражаси

3. Малака даражалари қуйидаги тартибда берилади:

а) умумий судлар судьяларига:

**Олий малака даражаси**

**Биринчи малака даражаси**

**Иккинчи малака даражаси**

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига;

**Биринчи малака даражаси**

**Иккинчи малака даражаси**

**Учинчи малака даражаси**

— Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди судьяларига;

**Учинчи малака даражаси**

**Тўртинчи малака даражаси**

**Бешинчи малака даражаси**

— туман (шаҳар) судлари, гарнизон ҳарбий судлари судьяларига;

б) хўжалик судлари судьяларига:

**Олий малака даражаси**

**Биринчи малака даражаси**

**Иккинчи малака даражаси**

**Учинчи малака даражаси**

**Тўртинчи малака даражаси**

— Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяларига;

**Биринчи малака даражаси**

**Иккинчи малака даражаси**

**Учинчи малака даражаси**

**Тўртинчи малака даражаси**

**Бешинчи малака даражаси**

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларининг судьяларига.

4. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси тақдимномасига асосан берилади.

Бошқа малака даражалари Олий малака ҳайъати ва Хўжалик суди судьяларининг малака ҳайъати томонидан берилади.

Биринчи маротаба сайланган ёки тайинланган судьяларга малака даражаси иш фаолиятининг биринчи уч ойи мобайнида берилади.

5. Ҳар бир малака даражасида бўлиш муддати ижо-



бий малака аттестацияси мавжуд бўлган тақдирда ту-  
бандагича белгиланади:

бешинчи малака даражасида — 3 йил.

тўртинчи малака даражада — 5 йил.

учинчи малака даражасида — 5 йил.

иккинчи малака даражасида — 5 йил.

Биринчи малака даражасида бўлиш муддати белги-  
ланмайди.

Юқори малакали судьяларга иш тажрибаларини  
ҳисобга олиб, кўрсатиб ўтилган қайси мансабни эгал-  
лашидан қатъи назар, кетма-кетликка риоя этмаган  
ҳолда, лекин унга берилган малака даражасидан икки  
даражадан ҳам юқори бўлмаган малака даражаси бе-  
рилиши мумкин.

6. Судьялар одил судловни амалга ошириш вақтида  
қонунни қўпол бузган, обрўсини тўкадиган хатти-ҳара-  
кат содир этган тақдирда, шунингдек, уларга нисбатан  
суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлганда,  
малака даражасидан маҳрум этилишлари мумкин.

Малака даражасидан маҳрум этиш шу даражани  
берган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга  
оширилади.

7. Малака даражасига эга бўлган судьяларнинг  
мансаб маошларига Ўзбекистон Республикаси Вазир-  
лар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда қў-  
шимча ҳақ тайинланади.

8. Судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш  
тартиби Судьялар малака ҳайъатлари тўғрисидаги Ни-  
зом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга-  
шининг 1993 йил 2 сентябрдаги №  
927-ХII сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида НИЗОМ

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида суд хо-  
димларига махсус унвон — мансаб даражалари бериш  
тартибини белгилайди.

2. Суд ходимларининг махсус унвонлари қуйидаги  
мансаб даражаларидан иборат:

1 — даражали адлия маслаҳатчиси

2 — даражали адлия маслаҳатчиси

3 — даражали адлия маслаҳатчиси

1 — даражали юрист

2 — даражали юрист

3 — даражали юрист

3. Суд ходимларига мансаб даражалари ижобий тавсифномаси, ихтисоси бўйича олий юридик маълумотга эгаллиги, эгаллаб турган лавозими ва иш стажига қараб, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонини эътиборга олган ҳолда биринкетин берилади.

4. Мансаб даражалари:

1 — даражали адлия — Ўзбекистон Республикаси  
маслаҳатчиси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларига;

2 — даражали адлия — Ўзбекистон Республикаси  
маслаҳатчиси Олий суди, Олий хўжалик суди бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларига, бўлим бошлиқларига, Олий суд Раисининг ва Олий хўжалик суди Раисининг ёрдамчиларига;

3 — даражали адлия — Олий суд Раёсати котибиятининг бошлиғига, Олий суднинг, Олий хўжалик судининг бош (катта) консультантларига, бош мутахассисларига;

1 — даражали юрист — Ўзбекистон Республикаси  
Олий судининг консультантларига, катта суд ижрочисига, Олий хўжалик судининг мутахассисларига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг катта консультантларига, қабулхона бошлиқларига;

2 — даражали юрист — Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларининг 1-тоифадаги мутахассисларига, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари раисларининг ёрдамчиларига, консультантларига, катта суд ижрочиларига;

3 — даражали юрист — Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хўжалик судларининг 2-тоифадаги мутахассисларига, туман (шаҳар) судлари консультантларига, раисларининг ёрдамчиларига, суд ижрочиларига берилади.

5. 1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси ҳамда 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражаларини:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ҳарбий судлар ходимларига — Олий суд Раиси;

Олий хўжалик суди ходимларига — Олий хўжалик суди Раиси;

бошқа судларнинг ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги беради.

6. Ҳар бир мансаб даражасида бўлиш муддати ижобий аттестация мавжуд бўлган тақдирда 3, 2, 1-даражали юристлар учун 2,5 йилни, адлия маслаҳатчилари учун 4 йилни ташкил қилади.

7. Суд ходимларига кўрсатиб ўтилган қайси мансабни эгаллаганидан, мансаб даражасида бўлиш муддати ва кетма-кетлигидан қатъи назар, 1-даражали адлия маслаҳатчисига бўлган мансаб даражалари берилишига йўл қўйилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий хўжалик суди Раиси ва Адлия вазирлиги:

а) олдинги мансаб даражасида бўлиш учун белгиланган муддат тугамасдан, ишда алоҳида ўрнатилган кўрсатилганлиги ёки хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун;

б) ходимни юқори лавозимга кўтаришда унга берилганидан икки даражадан юқори бўлмаган, навбатдан ташқари;

в) биринчи аттестациядан ўтаётган ходимларга уларнинг лавозимлари бўйича белгиланганидан бир поғона кам мансаб даражаси бериш ҳуқуқига эга.

9. Юридик соҳада иш тажрибаси бўлмаган шахсларга улар лавозимга тайинланганидан камидан 6 ойдан сўнг мансаб даражаси берилади.

10. Бир мансаб даражасида бўлиш муддати тугаган, лекин хизмат фаолиятида ёки хулқида жиддий камчиликлари бўлган суд ходимларига навбатдаги мансаб даражаси берилмайди.

11. Мансаб даражаси берилган ходимлар шу мансаб даражасида умрбод бўладилар ва фақат суд органларида ишлашга нолойиқ ҳаракатлари учун ишдан

бушатишларида ундан маҳрум қилинишлари мумкин.

12. Хизмат бурчини қўпол бузгани, обрўсини тўқадиган хатти-ҳаракат содир этгани ёки хизмат вазифасини муттасил тегишли тарзда бажармагани учун ходимнинг мансаб даражаси унга берилганидан иккидан ортиқ бўлмаган мансаб даражасига пасайтирилиши мумкин. Мансаб даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан амалга оширилади.

13. Суд ходимларига мансаб даражаси бериш учун аттестация ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан уларнинг ҳуқуқ доирасида белгиланади.

14. Мансаб даражаси бўлган суд ходимларининг фарқлаш белгилари ва мансаб маошларига қўшимча ҳақ миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрдаги № 927-XII сонли қарори билан  
ТА С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

## **Н И З О М**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида одил судловни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати, Қуролли Кучлар ҳарбий суди ва гарнизон ҳарбий судлари амалга оширадилар.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг таркибига киради ва одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига амал қилади.

Ҳарбий судлар чиқарадиган ҳукмлар ва ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади.

2. Ҳарбий ҳайъат — ҳайъат раиси, раис ўринбосари ва Ҳарбий ҳайъат судьяларидан иборат бўлади.

Қуролли Кучлар ҳарбий суди — ҳарбий суд раиси, унинг ўринбосари, судьялари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Гарнизон ҳарбий суди — ҳарбий суд раиси, судьялари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Таркиби тўрттадан ортиқ судьялардан ташкил топган гарнизон ҳарбий судида суд раисининг ўринбосари бўлади.

3. Ҳарбий судларнинг судьялари «Судлар тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда сайланадилар ва тайинланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судларига:

а) Қуролли Кучлар сафида, чегара қўшинларида, Миллий хавфсизлик хизмати органларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган шахслар, шунингдек ўқув йиғинлари вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

б) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмлари, қўшилмалари ва бирлашмалари, ҳарбий қисм қўмондонларига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъвоси бўйича фуқаролик ишлари ва мазкур мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар;

в) алоҳида ҳолатларга кўра умумий судлар амал қилмайдиган жойларда барча жиноят ва фуқаролик ишлари;

г) давлат сирларига дахлдор бошқа ишлар тааллуқли.

Ушбу банднинг «а» бандчасида кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан хизматни ўташ даврида содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, агар улар иш судда кўрилиш пайтига келиб ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматдан бўшаб кетган бўлсалар ҳам ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ушбу банднинг «а» бандчасида кўрсатилган шахслар томонидан ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматга чақирилгунга ёки киргунга қадар содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, ўша шахслар ишни судда кўриш пайтида ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматда бўлсалар ҳам ҳарбий судларга тааллуқли бўлмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати судловига:

олий офицерлар таркибига кирадиган мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

ушбу шахсларга дахлдор бошқа ишлар ва шикоят-

лар тааллуқли.

Қуролли Кучлар ҳарбий судининг судловига:

ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1 ранг капитани унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар;

полк командири лавозими ва ундан юқори лавозимни ҳамда хизмат мавқеи бўйича шу лавозимларга тенг лавозимни эгаллаб турган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар тааллуқли.

Гарнизонлар ҳарбий судлари судловига:

подполковник, 2 ранг капитанидан юқори бўлмаган унвонга эга шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар;

ушбу шахсларга дахлдор бошқа ишлар ва шикоятлар тааллуқли.

6. Бир гуруҳ шахсларни айблашга оид иш бўйича, гарчи айбланувчилардан бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, ҳарбий хизматда бўлмаган шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир қилишда айбланиб, гарчи жиноятлардан бири тўғрисидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

7. Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек фуқароларнинг содир этилган жиноятлар натижасида уларга етказилган моддий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати ва Қуролли Кучлар ҳарбий суди қуйи суд судловига тааллуқли ҳар қандай ишни биринчи инстанция тартибида ўзининг иш юритишига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш ишини текширади;

ҳарбий судлар амалиётини, шунингдек суд статистикаси юритилиши қандай ташкил этилганлигини ўрганади ва умумлаштиради;

ҳарбий судлар судьяларининг малакасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қа-

ратилган тадбирларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги билан биргаликда халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади, ҳарбий судларни ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника таъминоти масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ҳарбий судларнинг иш фаолияти масалалари бўйича буйруқ ва фармойишлар чиқаради.

10. Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, мансаблар рўйхати ва бу мансабларга мос бўлган ҳарбий унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири билан келишган ҳолда берган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

11. Ҳарбий ҳайъат, ҳарбий судларнинг шахсий таркиби Қуролли Кучлар рўйхатига киради ва ҳарбийларнинг барча таъминот турлари билан таъминланади, судьялар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланади.

12. Ҳарбий ҳайъат, Қуролли Кучлар ҳарбий судлари, гарнизон ҳарбий судлари судьяларига эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ ҳарбий унвонлар берилади.

13. Ҳарбий судлар судьяларига полковникдан юқори бўлмаган унвонлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан берилади.

Олий ҳарбий унвонлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раиси ва Мудофаа вазирининг биргаликдаги тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

14. Ҳарбий судлар судьялари «Суд тўғрисида»ги Қонунга ва ҳарбий низомларга мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар.

15. Ҳарбий судларнинг ходимлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тегишли ҳарбий суд раиси томонидан ишга қабул қилинадилар ва ишдан бўшатиладилар.

16. Ҳарбий судлар ва Ҳарбий ҳайъатни моддий-техника, молиявий ҳамда транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига юклатилади ва республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

17. Ҳарбий судларнинг хизмат бинолари улар амал қилиб турган ерда жойлашган гарнизонларнинг ҳарбий қисмлари томонидан қўриқланади.

Гаупвахталарда сақланаётган маҳбусларни ҳарбий судларга қўриқлаб олиб бориш ва уларни суд мажлисида қўриқлаш ҳарбий қисмлар ёки гарнизонларнинг ҳарбий комендатуралари томонидан амалга оширилади.

Бошқа сақлаш жойларида, ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган маҳбусларни қўриқлаш ва ишни кўриш жойига қўриқлаб олиб келиш белгиланган тартибда ички қўшин қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг органлари томонидан амалга оширилади.

18. Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўзининг номи ифодаланган муҳрга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING**

**1993 йил 2 сентябрь**

### **Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 10-сон, 371-модда).**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қ а р о р қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси тасдиқлансин ва у эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

## 1606. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Низоларни хўжалик суди томонидан ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонунлар

Хўжалик суди ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Судлар тўғрисида»ги Қонунига, ушбу Кодексга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва икки томонлама шартнома ҳамда битимларга амал қилади.

Хўжалик суди хорижий ҳуқуқ нормаларини Қонунга биноан қўллайди.

Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллайди.

Хўжалик суди ўз ваколати доирасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари (иқтисодий низолар)дан ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этади.

2-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Хўжалик судига унинг судловига тегишли ҳар хил шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар; шу жумладан жамоа хўжаликлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотларининг халқаро бирлашмалари\* ўзларининг бузилган ёки даъво қилинаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик судига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва ўзга органлар, бошқа шахслар\* мурожаат этишга ҳақлидирлар.

---

\* Матнда бундан буён «ташкилотлар» деб юритилади.

Хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

### 3-м о д д а. Хўжалик судида иш кўзғатиш

Хўжалик суди:  
манфаатдор ташкилотларнинг;  
давлат органлари ва бошқа органларнинг;  
давлат ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб тегишли хўжалик судига мурожаат этган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарларининг аризалари асосида иш кўзғатади.

### 4-м о д д а. Низоларнинг хўжалик суди томонидан ҳал этилиши

Низоларни ҳал этиш битта судьядан иборат таркибдаги, хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати мавжуд бўлган тақдирда эса битта ёки учта судьядан иборат таркибдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Хўжалик судининг сон таркибини хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатининг раиси белгилаб беради.

Хўжалик суди томонлар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади ва шу келишувга мувофиқ ҳал қилув қарори қабул қилади.

Башарти, томонлар ўртасидаги келишув қонунларга, ҳақиқий аҳволга ва иш материалларига зид бўлса, хўжалик суди қарор қабул қилиш чоғида бундай келишувга амал қилмайди.

### 5-м о д д а. Томонларнинг тенглиги

Хўжалик судида низоларни ҳал этиш мулк шакли, бўйсунуши ва қаерда жойлашганлигидан ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ташкилотларнинг қонун олдида ва хўжалик суди олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

### 6-м о д д а. Хўжалик низоларини ҳал этишнинг ошкоралиги

Хўжалик судида низолар ошкора ҳал этилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

## **7-модда. Хўжалик судларида судлов ишлари олиб бориладиган тил**

Хўжалик судида судлов иши давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ тилида ҳам олиб борилади.

Суд жараёни олиб бориладиган тилни билмайдиган томонларнинг вакиллариغا, судлов жараёнининг бошқа қатнашчиларига таржимон орқали ишга доир барча материаллар билан танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низоларини суднинг аниқловига биноан томонларга маъқул бўлган тилда кўрилади.

## **8-модда. Қарорнинг кучга кириши ва унинг мажбурийлиги**

Хўжалик судининг қарори (ҳал қилув қарори, қарори, ажрими) қабул қилиниши биланоқ дарҳол кучга кирилади. Кучга кирган қарор устидан ушбу Кодекснинг 87, 90, 91, 92, 94 ва 102-моддаларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши ёки протест берилиши мумкин. Қарор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва давлатлараро битимга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳудудида ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

## **II б о б. ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ**

### **9-модда. Даъволарни тақдим этиш тартиби**

Мулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ташкилот бу ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган ташкилотга даъво қилишга ҳақлидир.

Даъво ёзма равишда тақдим этилади.

Даъвода қуйидагилар кўрсатилади:

даъво қилаётган ва даъво қаратилган ташкилотларнинг номлари; даъво берилган кун ва унинг тартиб рақами;

даъво бериш учун асос бўлган ҳолатлар; даъвода кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далил-исботлар; аризаچининг талаби;

даъвонинг миқдори ва унинг ҳисоб-китоби, даъво аризаси бераётганнинг тўлов ва почта маълумотлари; даъвога илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъво буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек унинг жўнатилганлиги қайд қилинишини таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади; ёки тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизмати кўрсатиш юзасидан транспорт ва алоқа ташкилотларига қаратилган даъволарни тақдим этиш тартиби ва муддатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгиланади.

### **10-модда. Даъволарни қараб чиқиш тартиби ва муддатлари**

Даъво тақдим этилган ташкилот даъвони олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Даъвога берилган жавоб ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъвога берилган жавоб буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек унинг жўнатилганлиги қайд этилишини таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Даъвони бир ой муддат ичида қараб чиқиш тартиби бузилган ёки даъво жавобсиз қолдирилган ҳолларда хўжалик суди низони қараб чиқаётганда бундай тартиббузарликка йўл қўйган ташкилотдан даъво суммасининг 5 фоизини республика бюджети фойдасига ундиришга ҳақлидир.

Даъвони бутунлай ёки қисман тан олган тақдирда ташкилот ана шу тан олинган суммани ихтиёрий равишда аризаچига ўтказиши мумкин.

Даъвони тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган суммани ўтказиш тўғрисида маълум қилинмаган бўлса, даъвогар жавоб олгандан кейин 20 кунлик муддат ўтгач, қарздор тан олган суммани сўзсиз чегириб олиш хусусидаги Фармойишни банкка тақдим этишга ҳақлидир. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

Даъвони қондиришдан бутунлай ёки қисман бош тортилган ҳолларда ёки жавоб ўз муддатида олинма-

ганда аризачи хўжалик судига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

**11-модда. Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш**

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида ташкилотлар ўртасида юзага келган келишмовчиликлар шартнома лойиҳаси, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида таклиф олинган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида ташкилот раҳбари ёки ташкилот раҳбарининг ўринбосарлари томонидан қараб чиқилади.

Шартнома шартлари қабул қилинса, унинг лойиҳаси имзоланади ва шартноманинг иккинчи нусхаси шартнома лойиҳасини йўллаган томонга қайтарилади. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар қабул қилинганлиги ҳақида иккинчи томонга хат жўнатилади.

Шартнома шартлари бўйича эътирозлар бўлган тақдирда шартнома лойиҳасини олган ташкилот келишмовчиликлар баёнини тузади, бу ҳақда шартномада қайд этиб қўяди ва 10 кунлик муддат ичида икки нусхада тайёрланган келишмовчиликлар баёнини имзоланган шартнома билан иккинчи томонга жўнатади.

Келишмовчиликлар баёнини олган ташкилот 20 кунлик муддат ичида шартнома тузилаётган томон билан уни қараб чиқиши ва шу муддатда мурасага келинмаган масалаларни хўжалик судининг муҳокамасига йўлаши шарт.

Баҳсли масалалар шу муддатларда хўжалик суди муҳокамасига киритилмаган ҳолларда шартнома келишмовчиликлар баёни таҳририда тузилган деб ҳисобланади.

Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифга жавоб олинмаганда ёки рад жавоби олинганда манфаатдор томон 20 кунлик муддат ичида хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

### III б о б. ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ

12-м о д д а. Олий хўжалик судининг судловига тегишли хўжалик низолари

Олий хўжалик суди:

1) 100 миллион сўмдан ортиқ суммага хўжалик шартномалари тузилганда, у ўзгартирилганда ва бекор қилинганда, шунингдек шартномаларни ижро этиш чоғида ва бошқа асослар бўйича, даъво 5 миллион сўмдан ортиқни ташкил этганда турли давлатлар ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида жойлашган томонлар ўртасида юзага келадиган низоларни, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳал этилиши ўзга органлар ихтиёрига берилган низолар бундан мустаснодир;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ва бошқа республика органларининг қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги низоларни;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва бошқа республика органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлмаган, қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳужжатларни нашр этиш натижасида ёхуд кўрсатиб ўтилган органларнинг ташкилотларга нисбатан ўз вазифаларини лозим тарзда амалга оширмасликлари натижасида ташкилотларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низоларни;

4) республика бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлатлараро битимлар ва халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ихтиёрига берилган бошқа низоларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди хўжалик судлари судловига тегишли ҳар қандай низони ўз ижросига қабул қилишга ва ҳал этишга ҳақлидир. Шунингдек ушбу модданинг биринчи банди ҳам-

да ушбу Кодекснинг 13-моддасида белгиланган даъво қийматидан юқори ёки паст бўлган низоларни қабул қилиш ва ҳал этиш ҳақида хўжалик судларига умумий топшириқлар беришга ҳақлидир.

**13-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда вилоятларнинг хўжалик судлари ҳал этадиган низолар**

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда вилоятларнинг хўжалик судлари ўзига тегишли бўлган барча низоларни ва 1000 сўмдан ортиқ бўлган мулкый низоларни ҳал этадилар, Олий хўжалик суди тасарруфига жиритилган низолар бундан мустаснодир.

**14-модда. Судларда низоларни кўриб чиқишнинг ҳудудий тегишлилиги**

Хўжалик шартномаларини тузиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган низолар маҳсулот етказиб бераётган ёки хизмат кўрсатаётган жорхона (ташкilot) жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Шартномаларни ижро этишда ва бошқа асосларда шайдо бўладиган низолар жавобгар жойлашган ерда кўриб чиқилади.

Давлат органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишга доир низолар ҳужжатни чиқарган давлат органи жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Иш юзасидан бир неча жавобгар қатнашаётган бўлса, низо даъвогарнинг хоҳишига биноан жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

**15-модда. Низоларнинг алоҳида судловга мансублиги**

Транспортда ташиш шартномалари бўйича, шу жумладан халқаро шартномалар бўйича келиб чиқадиган низолар жавобгарлардан бири транспорт органи бўлса, бу иш транспорт органи жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Давлат ҳужжатини ёки республика бўйсунувидаги ўзга орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишга доир низолар Олий хўжалик суди томонидан, маҳаллий бўй-

сунувдаги орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишга доир низо эса Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоят хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

**16-модда. Даъво материалларини тегишли судловга ўтказиш ва бундан келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этиш**

Келиб тушган хўжалик низоси ўз судловига тегишли бўлмаган хўжалик суди даъво материалларини беш кунлик муддат ичида тегишли хўжалик судига жўнатади.

Ушбу низо хўжалик судига тегишли эмаслиги аниқланган тақдирда, хўжалик суди даъво аризасини қайтариш асосларини кўрсатиб ажрим чиқарган ҳолда даъво материални аризачига қайтаради, ажримда даъво аризасининг қайтарилиши асослаб берилади.

Башарти, низони қараб чиқиш процессида даъво қиймати ошиб кетиши, даъво сабаби ўзгариши ёки иккинчи томон ҳам қарши даъво аризасини тақдим этиши туфайли низонинг судга мансублиги ўзгарса, даъво аризасини қабул қилган хўжалик суди низони моҳияти бўйича кўриб чиқиши керак.

Вилоятларнинг хўжалик судлари ўртасида келиб чиққан низони қараб чиқиш кимга тегишли эканлигига доир келишмовчилик Олий хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

#### **IV б о б. ХУЖАЛИК НИЗОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҚАТНАШЧИЛАРИ**

**17-модда. Ишда қатнашувчи шахсларнинг таркиби**

Ишда қатнашувчи шахслар сифатида: томонлар, учинчи шахслар, прокурор, зиммасига юкланган мажбуриятлари туфайли процессда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишга доир ишлар юзасидан аризачилар эътироф этилади.

**18-модда. Ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Ишда қатнашувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчи-



риш, раддия билдириш, далил-асосларни тақдим этиш, далил-асосларни ўрганиб чиқишда қатнашиш, судлов процессининг қатнашчиларига саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд процесси давомида юзага келадиган барча масалалар юзасидан ўз далил-исботларини ҳамда мулоҳазаларини билдириш, ишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари, далил-исботлари ҳамда мулоҳазаларига эътироз билдириш, хўжалик суди қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳамда ўзларига ушбу Кодекс билан берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда қатнашаётган шахслар ўзлари эга бўлган барча процессуал ҳуқуқлардан виждонан фойдаланишлари шарт.

### **19-м о д д а. Суд процессидаги томонлар**

Ташкилотлар — мулк шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг қонунларига асосан ўз ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини хўжалик судларида ҳимоя қилиши мумкин бўлган бошқа шахслар суд процессидаги томонлар — даъвогар ёки жавобгар бўлишлари мумкин.

Даъво қилаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво киритилган ташкилотлар даъвогарлар ҳисобланади, даъво талаблари қаратилган ташкилотлар жавобгарлар ҳисобланади.

Томонлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

### **20-м о д д а. Ишда бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши**

Даъво бир неча даъвогарлар томонидан биргаликда тақдим этилиши ёки бир неча жавобгарга қаратилиши мумкин. Даъвогарлар ёки жавобгарларнинг ҳар бири ишни кўриш процессида бошқа томонга нисбатан мустақил иштирок этади. Шериклар ишни юритишни шериклардан бирига топширишлари мумкин.

### **21-м о д д а. Бошқа даъвогарни ёки жавобгарни ишда қатнашишга жалб этиш**

Хўжалик суди етарлича асослар мавжуд бўлган тақдирда, низо бўйича қарор қабул қилингунга қадар

Бирон томоннинг илтимосномасига кўра ёхуд ўз ташаббуси билан тегишли ташкилотни бошқа даъвогар ёки жавобгар сифатида ишда қатнашишга жалб этишга ҳақлидир.

Жавобгарни ишга жалб этиш тўғрисидаги илтимосномаси ушбу жавобгар билан ўзаро муносабатлар ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилган тақдирда қаноатлантирилиши мумкин. Жавобгарни хўжалик суди ташаббуси билан ишга жалб этиши, чора-тадбирларнинг кўрилганлигидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Даъвогарни ёки жавобгарни ишда қатнашишга жалб этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

## 22-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик

Низоли ҳуқуқий муносабатда ёки хўжалик судининг қарорига биноан белгиланган ҳуқуқий муносабатда қатнашаётган томонлардан бири ўзининг қайта ташкил этилиши оқибатида чиқиб кетган тақдирда хўжалик суди ушбу томонни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиради ҳамда бу тўғрида қарорда ёки ажримда ёзиб қўяди. Ҳуқуқий ворислик суд процессининг исталган босқичида амалга оширилиши мумкин.

## 23-модда. Даъво асосини ёки мавзусини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони эътироф этиш

Даъвогар хўжалик низоси бўйича қарор қабул қилингунига қадар даъво асоси ва мавзусини ўзгартиришга, даъвонинг талаблар миқдорига доир қисмида ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш шарти билан даъво талабларининг миқдорини оширишга ҳақлидир.

Хўжалик суди даъво асоси ёки мавзусига доир ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилган-кўрилмаганлигидан қатъи назар, даъвогарнинг розилигини олиб, ўз ташаббуси билан даъво асосини ёки мавзусини ўзгартиришга ҳақлидир.

Даъвогар даъводан воз кечишга ёки даъво талабларининг миқдорини камайтиришга ҳақлидир. Жавобгар даъвони тўла ёки қисман эътироф этишга ҳақлидир.

Хўжалик суди, башарти, қонун ҳужжатларига зид

келадиган бўлса, даъводан воз кечишни ёки даъвонинг эътироф этилишини қабул қилмайди.

#### 24-модда. Томонларнинг вакиллари

Ташкилотларнинг раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари хўжалик судида томонларнинг вакиллари ҳисобланади. Мазкур шахсларнинг ваколатлари уларнинг хизмат мавқеини гувоҳлантирувчи ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Бошқа шахслар ҳам томонларнинг вакиллари бўлиши мумкин, уларнинг ваколатлари ташкилотларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилган ишонч ёрлиғи билан тасдиқланади.

#### 25-модда. Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар

Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар хўжалик суди қарор қабул қилгунига қадар ишга қўшилишлари мумкин. Улар томоннинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда унинг барча мажбуриятларини зиммага оладилар.

#### 26-модда. Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этмаётган учинчи шахслар

Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этмаётган учинчи шахслар, башарти хўжалик низоси бўйича қабул қилинадиган қарор томонларнинг бирининг ҳуқуқлари ёхуд мажбуриятларига таъсир этиши мумкин бўлса, хўжалик суди қарор қабул қилгунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга қўшилишлари мумкин. Улар томонларнинг, прокурорнинг илтимосномасига кўра ёки хўжалик судининг ташаббуси билан ишда қатнашишга жалб этилишлари мумкин. Мустақил талабларни баён этмаётган учинчи шахслар томоннинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда процессуал мажбуриятларига эга бўладилар, даъво асосини ва мавзусини ўзгартиришга, даъво талаблари миқдорини ошириш ёки камайтиришга, шунингдек даъводан воз кечишга, даъвони эътироф этишга ёхуд мурасага келишга, қарорнинг мажбурий тарзда ижро этилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқлар бундан мустаснодир.

Хўжалик суди бир суд процессининг ўзида жавобгарга нисбатан дастлабки даъвони ва жавобгарнинг

муस्ताқил талаблар баён этмаган учинчи шахсга нисбатан регресс даъвосини ёхуд ана шундай учинчи шахснинг томонлардан бирига нисбатан даъвосини кўриб чиқишга ҳамда регресс даъвоси юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

### **27-модда. Суд процессида прокурорнинг иштироки**

Даъво аризаси прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан хўжалик судига давлат ёки ташкилот манфаатларини кўзлаб юборилган ёхуд хўжалик судининг қарорига протест билдирилган ҳолларда прокурор суд процессида иштирок этади. Башарти, давлат ёки ташкилотлар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этса, прокурор суд процессининг исталган босқичида иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурорнинг даъводан бош тортиши, даъво талаблари миқдорини камайтириши, даъво асоси ёки мавзусини ўзгартириши даъвогарни даъво талабларини дастлабки тарзда сақлаб туриш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

### **28-модда. Суд процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқаётган давлат органлари ва ўзга органларнинг иштироки**

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва ўзга органлар ташкилотлар ёхуд давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этишлари мумкин.

Мазкур органларнинг ўзлари киритган даъводан воз кечишлари даъво бериш билан манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсни иш моҳиятан қараб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Давлат органлари ва ўзга органлар қонунда назарда тутилган ҳолларда хўжалик суди томонидан суд процессида иштирок этишга жалб қилиниши ёхуд ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида иш юзасидан хулоса бериш учун ўз ташаббусларига биноан суд процессига қўшилишлари мумкин.

## 29-модда. Низоларни кўриб чиқишда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакилларининг иштироки

Иш юзасидан томонлар ҳисобланган жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг вакиллари ҳужалик судида қараб чиқиладиган низо бўйича ўзларини вакил қилиб юборган бирлашмалар ҳамда жамоаларнинг фикрини баён қилиш учун низонинг ҳужалик судида кўриб чиқилишида иштирок этишига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакиллари иш материаллари билан танишиш, далил-исботларни қўздан кечириш ҳамда тадқиқ этишда қатнашиш (давлат ёки тижорат сирини кўриқлаш манфатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно), далил-исботларни тақдим этиш, низоларни қараб чиқиш давомида туғилаётган барча масалалар юзасидан ўз далил-асосларини келтириш, шунингдек иқтисодий муносабатларда қонунийлик бузилишининг сабабларини аниқлашда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар, ўзларига берилган процессуал ҳуқуқлардан қонунга қатъиян мувофиқ ҳолда фойдаланишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакилларининг ваколатлари жамоат бирлашмаси ёки меҳнат жамоасининг сайлаб қўйиладиган органи қабул қилган қарордан кўчирма билан гувоҳлантирилади.

## V б о б. ДАЛИЛ-ИСБОТЛАР

### 30-модда. Далил-исботлар тушунчаси ва турлари

Ҳужалик судининг томонлар талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар бор-йўқлигини қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар, шунингдек низонинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамият касб этадиган бошқа ҳолатлар ишга оид далил-исботлар деб ҳисобланади.

Бу маълумотлар: ёзма ва ашёвий далиллар, томонларга вакиллик қилувчиларнинг ва иш процессида қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари, шунингдек экспертларнинг хулосалари каби воситалар билан аниқланади.

### **31-модда. Ишотлаш ва далил-ишотларни тақдим этиш мажбурияти**

Ҳар бир томон ўз талаблари ва эътирозларининг асоси сифатида таянаётган ҳолатларни ишотлаб бериши шарт.

Далил-ишотлар томонлар ва иш процессининг бошқа қатнашчилари томонидан тақдим этилади.

### **32-модда. Далил-ишотларнинг тааллуқлилиги ва инобатга олиниши**

Ҳужалик суди иш учун аҳамият касб этадиган далил-ишотларнигина қабул қилади.

Қонунга биноан ишотлашнинг муайян воситалари билан тасдиқланиши лозим бўлган ишга оид ҳолатлар ана шу воситалар билан тасдиқланмоғи керак.

### **33-модда. Ишотлашдан озод қилиш асослари**

Ҳужалик суди ҳаммага маълум деб эътироф этган ҳолатлар ишотланишга муҳтож эмас.

Бир ҳужалик низосини ҳал этиш чоғида ҳужалик судининг қарори билан аниқланган далиллар худди шу томонлар иштирок этаётган бошқа низоларни ҳал этишда қайтадан ишот қилинмайди.

Суднинг жиной иш юзасидан қонуний кучга кирган ҳукми муайян хатти-ҳаракатлар содир этилган-этилмаганлиги ва улар ким томонидан содир этилганлигига оид масалалар бўйича низони ҳал этаётган ҳужалик суди учун мажбурийдир.

Суднинг фуқаролик иши юзасидан қонуний кучга жирган қарори суд томонидан аниқланган ва иш учун аҳамиятли бўлган фактларга оид масалалар бўйича низони ҳал этаётган ҳужалик суди учун мажбурийдир.

### **34-модда. Ёзма далил-ишотлар**

Низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган далолатномалар, хатлар, бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далил-ишотлар ҳисобланади.

Ёзма далил-ишотларнинг асл нусхаси ёки уларнинг гувоҳлантирилган нусхаси тақдим этилади. Башарти, низони ҳал қилиш учун ҳужжатнинг бир қисмигина

**аҳамиятли бўлса, унинг гувоҳлантирилган кўчирмаси тақдим этилади.**

Ишнинг ҳолатлари қонунларга биноан фақат ҳужжатларнинг асли билан гувоҳлантирилиши лозим бўлганда, шунингдек ҳужжалик судининг талабига кўра бошқа зарур ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилади.

### **35-модда. Ашёвий далил-исботлар**

Низонинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш воситалари бўлиб хизмат қиладиган буюмлар ашёвий далил-исботлар ҳисобланади.

### **36-модда. Далил-исботларни талаб қилиб олиш**

Башарти, томонлар тақдим этган далил-исботлар етарли бўлмаса, ҳужжалик суди ишда қатнашаётган-қатнашмаётганлигидан қатъи назар, ташкилотлардан низони ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, маълумотларни ва хулосаларни тақдим этишларини талаб қилишга ҳамда бевосита улар жойлашган ерда шундай материаллар билан танишишга ҳақлидир.

Далил-исботлар сўраб олинишини илтимос қилаётган томон, прокурор ушбу далил-исботлар воситасида иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар аниқланиши мумкинлигини кўрсатишлари шарт.

Ҳужжалик суди томонни ташкилотлардан, улар ишда қатнашаётган-қатнашмаётганликларидан қатъи назар, далил-исботлар олиш учун вакил қилиши мумкин.

### **37-модда. Далил-исботларни улар турган жойда кўздан кечириш ва тақдим этиш**

Ҳужжалик суди далил-исботларни тақдим этиш қийин бўлган ҳолларда уларни турган жойида кўздан кечириши ва тадқиқ этиши мумкин.

Далил-исботларни кўздан кечириш ва тадқиқ этиш натижалари юзасидан баён тузилади. Баён судья (судьялар) ҳамда далил-исботларни кўздан кечириш ва тадқиқ этишда қатнашган томонларнинг вакиллари томонидан имзоланиб, ишга илова қилиб қўйилади.

### **38-модда. Ёзма ва ашёвий далил-исботларни қайтариш**

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асл нусхалари низо ҳал этиб бўлинганидан сўнг ушбу ҳужжатларнинг гувоҳлантирилган нусхалари тақдим этилгач, ташкилотларнинг илтимосига кўра уларга қайтарилади.

Хўжалик суди ихтиёрида турган ашёвий далил-исботлар низо ҳал этилганидан сўнг, улар қайси ташкилотлардан олинган бўлса, ана шу ташкилотларга қайтарилади ёки хўжалик суди қайси ташкилотларнинг ушбу ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини эътироф этган бўлса, ўша ташкилотларга топширилади.

### **39-модда. Ташкилотлар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг тушунтиришлари**

Хўжалик низосининг моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун чақирилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари суд процессида иштирок этишлари мумкин. Мазкур шахслар хўжалик судига унинг чақириғига биноан келишлари, иш юзасидан ўзларига аён бўлган ахборот ва ҳолатларни маълум қилишлари, хўжалик судининг талабига кўра ёзма равишда тушунтириш хатлари тақдим этишлари, суд процессида қатнашаётган судьянинг, шахсларнинг саволларига жавоб қайтаришлари шарт.

### **40-модда. Экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш**

Низони ҳал этишда туғиладиган ва махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди экспертиза тайинлайди. Била туриб ёлғон хулоса берган тақдирда эксперт жиноий жавобгар бўлажаги ҳақида огоҳлантирилади.

Суд процессининг қатнашчилари хўжалик судига эксперт томонидан тушунтириш берилиши лозим бўлган масалаларни тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертнинг хулосаси талаб қилинадиган масалаларнинг узил-кесил доирасини хўжалик суди ажримда белгилаб беради.

Экспертзани ўтказиш ваколатли ташкилотларга ёки бунинг учун зарур билими бўлган мутахассисларга бевосита топширилиши лозим. Экспертиза ўтказаетган шахслар иш материаллари билан танишиш ҳамда процесснинг қатнашчиларидан қўшимча материалларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Зарур бўлган ҳолларда экспертиза томонларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.



## 41-м о д д а. Экспертнинг хулосаси

Экспертнинг хулосаси ўтказилган тадқиқотларнинг батафсил баёнини, уларнинг натижалари бўйича чиқарилган хулосаларни ҳамда хўжалик суди қўйган масалаларга берилган асосли жавобларни ўз ичига олиши керак. Хулоса хўжалик судига ёзма равишда тақдим этилади ҳамда унинг нусхалари томонларга юборилади.

Агар экспертизани ўтказиш чоғида хўжалик суди ўртага қўймаган, лекин низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланса, эксперт хулосада ушбу ҳолатлар бўйича ҳам фикрларини баён этади.

Экспертнинг хулосаси етарлича аниқ ёки тўла-тўқис бўлмаган ҳолларда хўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертнинг хулосасига қўшилмаган тақдирда хўжалик суди такрорий экспертиза тайинлаши мумкин ва уни ўтказишни бошқа экспертга топширади.

## 42-м о д д а. Далил-исботларни баҳолаш

Хўжалик суди барча далил-исботларни қонунга амал қилган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холис тадқиқ этишга асосланган ўз ички комил ишончига кўра баҳолайди.

Ҳар қандай далил-исбот ҳам хўжалик суди учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас.

Бир томон ўзининг талаблари ёки эътирозларини асослаш учун фойдаланган далилий маълумотлар ва ҳолатларни иккинчи томоннинг эътироф этиши хўжалик суди учун мажбурий эмас.

Экспертнинг хулосаси хўжалик суди томонидан мажлисда муҳокама қилинади ва иш юзасидан бошқа барча далил-исботлар билан биргаликда баҳоланади.

Экспертнинг хулосаси хўжалик суди томонидан рад этилиб, бунинг сабаблари қарорларда кўрсатилиши мумкин.

## VI б о б. СУД ХАРАЖАТЛАРИ

### 43-м о д д а. Суд харажатларининг таркиби

Суд харажатлари давлат божидан ва хўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказганлик учун тўланиши

лозим бўлган маблағлардан, шунингдек ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа маблағлардан иборат бўлади.

#### 44-модда. Давлат божи

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқа ҳолларда даъво аризалари ва хўжалик суди қарорининг қонунийлиги ҳамда асослигини текшириш ҳақидаги аризалар учун давлат божи тўланади.

Пул маблағларини чет эл валютасида ундириш тўғрисидаги низолар бўйича давлат божи чет эл валютасида тўланиб, у Республика валюта фондига ўтказилади.

#### 45-модда. Давлат божини тўлаш

Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда республика бюджетига тўланади ёки ундириб олинади.

Даъво талабларининг миқдори оширилган тақдирда давлат божининг етмаётган маблағи даъвоинг оширилган баҳосига мувофиқ равишда тўланади.

#### 46-модда. Давлат божини қайтариш

Давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтариб берилиши керак.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорида, ажримда, қарорида давлат божини тўла-тўкис ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

#### 47-модда. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган пул миқдорини белгилаш

Экспертиза ҳақ тўлаш эвазига ўтказилган тақдирда, унга оид сарф-харажатлар тегишли тартибда белгиланган ҳақ ставкаларини ҳамда сарфланган вақтни эътиборга олиб хўжалик суди томонидан қарорда белгиланади.

Экспертларга хўжалик судида ҳозир бўлиш учун қилган йўл харажатлари ва уй-жойни ижарага олиш харажатлари тўланади ҳамда хизмат сафарларига юборилаётган ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда суткалик пуллар берилади.

Давлат божи:

1) шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган низолар бўйича — таклифлари қабул қилинмаган томон зиммасига ёхуд томонлардан ҳар бирининг таклифларидан бир қисми хўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда — иккала томон зиммасига;

2) шартномаларни бажариш чоғида ёки бошқа асосларга биноан юзага келадиган низолар бўйича — қондирилган даъво талабларининг миқдорига мутаносиб равишда томонлар зиммасига юкланади.

Агар иш томоннинг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида (муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш тўғрисидаги таклифни жавобсиз қолдириш, жавобгар ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш учун талаб қилган ҳужжатларни даъвогарга юбормаслиги ва шу кабилар) келиб чиққан бўлса, хўжалик суди ишнинг якунидан қатъи назар, давлат божи юзасидан харажатларни шу томоннинг зиммасига юклашга ҳақлидир.

Даъвогар давлат божи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган бўлса, бу давлат божи қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан, башарти, у божни тўлашдан озод қилинмаган бўлса, бюджет фойдасига ундириб олинади.

Қарор қайси томоннинг фойдасига чиқарилган бўлса, хўжалик суди шу томоннинг давлат божига оид харажатларини иккинчи томон ҳисобидан қоплайди, гарчи у бож тўлашдан озод қилинган бўлса ҳам.

Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пуллар: даъво қондирилган тақдирда — жавобгар зиммасига; даъво рад этилган тақдирда — даъвогар зиммасига; даъво қисман қондирилган тақдирда — қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда ҳар иккала томон зиммасига юкланади.

Агар томонлар ўртасидаги келишувда суд харажатларининг тақсимоти назарда тутилган бўлса, хўжалик суди ушбу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

## **VII б о б. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР**

### **49-м о д д а. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш**

Процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади. Қонунда процессуал муддатлар белгилаб қўйилмаган ҳолларда улар хўжалик суди томонидан тайинланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь куни билан, муқаррар тарзда келадиган воқеани кўрсатган ҳолда, ёки вақтнинг муайян даври билан белгиланади. Сўнгги ҳолда ҳаракат бутун давр мобайнида бажарилиши мумкин.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат унинг бошланиши белгилаб қўйилган календарь кундан ёки воқеа рўй берганидан кейинги кундан бошланади.

### **50-м о д д а. Процессуал муддатларнинг тугаши**

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат сўнгги йилнинг тегишли оyi ва кунда тугайди. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат ана шу муддатнинг тегишли оyiда ҳамда сўнгги оyининг тегишли кунда тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири унда тегишли кун йўқ бўлган оyiга тўғри келиб қолса, муддат ушбу оyнинг сўнгги кунда тугайди.

Муддатнинг сўнгги куни дам олиш кунига тўғри келиб қолган тақдирда, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

Бажарилиши учун муддат белгилаб қўйилган процессуал ҳаракатлар муддатнинг сўнгги куни соат 24 гача бажарилиши мумкин. Башарти даъво аризаси, даъво аризаси ҳақидаги фикр, қарорнинг қонунийлиги ва асослигини текшириш ҳақидаги ариза, қарорни қайта кўриб чиқишга оид ариза ҳамда бошқа ҳужжатлар почта ёки телеграфга муддатнинг сўнгги куни соат 24 гача топширилган бўлса, муддат ўтказиб юборилган деб ҳисобланмайди.

### **51-м о д д а. Процессуал муддатларнинг тўхтатилиши**

Иш юритиш тўхтатилиши биланоқ барча тугамаган процессуал муддатлар тўхтатилади. Иш юзасидан иш юрғизиш қайтадан бошланган кундан бошлаб процессуал муддатлар давом этади.

## 52-м о д д а. **Процессуал муддатларни қайта тиклаш ва узайтириш**

Хўжалик суди томонларнинг, прокурорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан қонунда белгиланган процессуал муддат ўтказиб юборилиши сабабини узрли деб топиб, ўтказиб юборилган муддатни қайта тиклайди.

Ўтказиб юборилган муддат қайта тикланганлиги тўғрисида хўжалик судининг ҳал қилув қарориди, ажримда ёки қарориди ёзиб қўйилади. Муддатни қайта тиклаш рад этилганлиги хусусида ажрим чиқарилади.

Томон ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Хўжалик суди тайинлаган муддатлар томоннинг, прокурорнинг аризасига биноан ёки хўжалик судининг ташаббусига кўра узайтирилиши мумкин.

## **VIII б о б. ДАЪВОНИНГ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ВА ИШ ЮРИТИШНИНГ БОШЛАНИШИ**

### 53-м о д д а. **Ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш**

Низо томонлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганларидан сўнггина хўжалик судининг ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

Прокурорнинг аризасига биноан ишларни қўзғатиш томонлар таъкидланган чора-тадбирларни кўрган-кўрмаганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Томонлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрган-кўрмаганлигидан қатъи назар учинчи шахслар ишга қўшилади ёки ишда қатнашишга жалб қилинади.

### 54-м о д д а. **Даъво аризасининг шакли ва мазмуни**

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма равишда берилади ҳамда ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) томонларнинг номи ва бўйсунуви, уларнинг манзилгоҳи;

2) башарти, даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;

3) даъво талаби асосланган ҳолатлар, аризада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далил-исботлар, ундирилаётган ёки баҳсга сабабчи бўлган маблағнинг асосли ҳисоб-китоби, даъво тақдим этиш учун асос бўлган қонун ҳужжатлари;

4) жавобгарлардан ҳар бири ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

5) даъво талаби, башарти даъво бир неча жавобгарга қаратилган бўлса — уларнинг ҳар бирига нисбатан қўйилган талаб;

6) аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларнинг рўйхати.

Агар низони тўғри ҳал этиш учун керакли бўлса, даъво аризасида бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

#### 55-модда. Даъвонинг баҳоси

Даъвонинг баҳоси:

пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича — ундирилаётган маблағдан ёки ижро этишга оид ҳужжатга ёхуд ундириш ҳеч сўзсиз (акцептсиз) тартибда ўтказилишига олиб келадиган бошқа ҳужжатга кўра баҳслашишга сабаб бўлган маблағга қараб:

эгаллик ҳуқуқига оид ва мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — мол-мулкнинг баҳосига қараб белгиланади.

Даъвонинг баҳосига даъво аризасида кўрсатиб ўтилган неустойка (жарима, пеня) маблағлари ҳам киради, агар улар кўрсатиб ўтилмаган бўлса, бу маблағларни судья (суд) белгилайди.

Бир неча мустақил талаблардан иборат бўлган даъвонинг баҳоси барча талабларнинг жами қиймати билан белгиланади.

Даъво баҳоси нотўғри кўрсатилган тақдирда у судья (суд) томонидан белгиланади.

#### 56-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Даъво аризасига:

1) жавобгарлардан ҳар бири ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрганлигини;

2) жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигини;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини;

4) даъво талабини қўйиш учун асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Муайян ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишга оид аризага баҳслашувга сабаб бўлаётган ҳужжатнинг нусхаси ёки ундан олинган гувоҳлантирилган кўчирма илова қилинади.

Шартнома тузишга мажбур қилганлик тўғрисидаги аризага шартноманинг лойиҳаси илова қилинади.

### **57-модда. Даъво аризасининг ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориш**

Аризачилар даъво тақдим этиш чоғида томонларга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини, башарти, бу нусхалар томонларда йўқ бўлса, юборишлари шарт.

### **58-модда. Бир неча даъво аризаларини бирлаштириш ёки ажратиш**

Башарти, келиб чиқиш асосларига кўра ёки тақдим этилган далил-исботларга биноан бир неча талаб ўзаро боғлиқ бўлса, бу талаблар даъво аризасида бирлаштирилиши мумкин.

Судья (суд) айтиб бериши билан бир хил томонлар қатнашаётган бир турдаги бир неча даъво аризаларини ёки ишларни битта ишга бирлаштиришга ҳақлидир. Бу ҳақда иш қўзғатишга доир ажримга ёки қарорга ёзиб қўйилади.

Даъво аризасини қабул қилаётган судья бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини, агар талабларни алоҳида кўриб чиқиш кўпроқ мақсадга мувофиқ деб топилса, алоҳида иш юритиш учун ажратиб олишга ҳақлидир.

### **59-модда. Даъво аризаси ҳақидаги фикр**

Жавобгар иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай қуйидагиларни жўнатади:

хўжалик судига — даъво аризасига билдирилган фикрга доир жавобни ва даъвога қарши эътирозларни тасдиқловчи барча ҳужжатларни;

даъвогарга, бошқа жавобгарларга, шунингдек жа-  
раёнда қатнашаётган прокурорга — жавоб нусхасини.

Жавобни ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари  
имзолайди.

Жавобда: даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб но-  
мери; қонунларга, шунингдек даъво аризаси рад эти-  
лишига асос бўлган далил-исботларга таянган ҳолда  
даъвогарнинг талабини тўла ёхуд қисман рад этиш са-  
баблари; жавобга илова қилинаётган ҳужжатлар ва  
бошқа далил-исботларнинг (шу жумладан даъвогарга,  
бошқа жавобгарларга, прокурорга жавобнинг нусхалари  
юборилганлиги тўғрисида) рўйхати кўрсатилади.

#### 60-м о д д а. Қарши даъво тақдим этиш

Жавобгар низо юзасидан қарор қабул қилинганга  
қадар дастлабки даъво билан биргаликда ҳал этмоқ  
учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳақлидир.  
Қарши даъво дастлабки даъвога боғлиқ бўлиши керак.

Қарши даъвони бериш даъволарни беришнинг умумий  
қоидалари бўйича амалга оширилади.

#### 61-м о д д а. Даво аризасини қабул қилишни рад этиш

Судья қуйидаги ҳолларда, яъни:

ариза ҳужжалик судида ҳал этишга оид бўлмаса;

ҳужжалик суди ижросида худди шу томонлар ўрта-  
сидаги, худди шу мавзудаги ва худди шу асослар юза-  
сидан низо бўйича иш мавжуд бўлса ёки суднинг қа-  
рори бўлса даъво аризасини қабул қилишни рад этади.

Даъво аризасини қабул қилишни рад этганлик тўғ-  
рисида ажрим чиқарилиб, у ариза келиб тушган кундан  
бошлаб беш кундан кечиктирмай томонларга ҳамда про-  
курорга юборилади.

Аризачига юборилаётган ажримга даъво материал-  
лари илова қилинади.

Муайян томон ушбу ажримнинг қай даражада қону-  
нийлиги ва асослилигини текширишга оид ариза билан  
мурожаат қилишга ҳақлидир. Ажрим бекор қилинган  
тақдирда даъво аризаси ҳужжалик судига дастлабки  
тарзда мурожаат қилинган куни берилган деб ҳисобла-  
нади.

#### 62-м о д д а. Даъво аризасини қайтариш

Судья агар:

1) даъво аризаси уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлма-



ган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) даъво аризасида томонларнинг номи, уларнинг почта манзилгоҳи кўрсатилмаган бўлса;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

4) бир даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан бир қанча талаблар бирлаштириб қўйилган бўлиб, бу талаблар келиб чиқиш асосларига ёки тақдим этилган далил-исботларга кўра ўзаро боғлиқ бўлмаса;

5) жавобгарга даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

6) бошқа томон билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

7) қонунга кўра қарз банк орқали олиниши лозим бўлганда, жавобгардан қарзни олиш учун банк муассасасига мурожаат қилинганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган бўлса;

8) иш юритиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар даъвогардан низо ҳал этилганлиги ҳақида ариза келиб тушса, даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқмасдан туриб қайтаради.

Судья даъво аризасини ариза келиб тушган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай қайтаради.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган камчилик бартараф этилганидан сўнг умумий тартибда хўжалик судига иккинчи марта даъво аризаси билан мурожаат қилинишига тўсиқ бўлмайди.

### 63-м о д д а. Иш юритишни бошлаш

Судья даъво аризасини қабул қилиб, иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради ҳамда уни томонларга, процессда қатнашаётган прокурорга юборади. Ушбу ажримда даъво аризаси қабул қилинганлиги, иш хўжалик судининг мажлисида ҳал этишга тайинланганлиги, мажлис ўтказиладиган вақт ва жой, ишни мажлисда ҳал этишга тайёрлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўладиган ҳаракатлар қайд этиб қўйилади.

Бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, маълумотлар ва хулосалар сўраб олинадиган ёки уларнинг мансабдор шахслари хўжалик судига чақириладиган ҳолларда ажрим уларга ҳам юборилади.

Иш юритишни бошлаш тўғрисидаги ажрим ушбу Кодекснинг 82-моддасидаги талабларга риоя этилган ҳолда чиқарилади. Ажримда иш юритишни бошлашга асос бўлган маълумотлар ҳамда қоидабузарликнинг моҳияти ҳам кўрсатилади.

**64-модда. Ишни мажлисда қараб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари**

Хўжалик низосининг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш мақсадида судья зарур ҳолларда ишни мажлисда кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) Даъвогар кўрсатмаган ташкилотларни томонлар сифатида ишда қатнашига жалб этиш масаласини ҳал қилади;

2) ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш тўғрисида таклиф юборилмаган ташкилотларни жавобгарлар жумласидан чиқаради;

3) томонлар, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига муайян ҳаракатларни bajarish вазифасини (ҳисоб-китобларни солиштириб чиқишни, далил-исботларни жойида кўздан кечириш ва шу кабиларни) юклайди;

4) томонлардан, бошқа ташкилотлардан низони ҳал этиш учун зарур ҳужжатларни, маълумотларни ҳамда хулосаларни сўраб олади;

5) экспертиза тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

6) ёзма ва ашёвий далил-исботларни жойида кўздан кечиради ҳамда тадқиқ қилади;

7) томонлар вакилларининг хўжалик суди мажлисида ҳозир бўлишини мажбурий деб ёки мажбурий эмас деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этади;

8) мансабдор шахсларни ишнинг моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун чақириш ҳақидаги масалани ҳал этади;

9) хўжалик судининг мажлисини ташкилот жойлашган ерда ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қилади;

10) низонинг тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

## IX б о б. ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ

### 65-м о д д а. Даъвони таъминлашнинг мақсади

Хўжалик суди томоннинг, процесда қатнашаётган прокурорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббусига кўра даъвони таъминлаш чора-тадбирларини кўришга ҳақлидир. Башарти, бундай чора-тадбирларни кўрмаслик қарорнинг ижро этилишини қийинлаштириш ёхуд ижро этилишини йўққа чиқариши мумкин бўлса, даъвонинг таъминланишига йўл қўйилади.

### 66-м о д д а. Даъвони таъминлаш чоралари

Қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш;

2) жавобгарнинг муайян хатти-ҳаракатларни содир этишини тақиқлаш;

3) бошқа шахсларнинг низо мавзунга оид хатти-ҳаракатларни содир этишини тақиқлаш;

4) даъвогар норозилик билдираётган ижро ҳужжатига ёки ҳеч сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳужжатга биноан ундириб олишни тўхтатиб қўйиш.

Даъво таъминланганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади. Томон ушбу ажримнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини текшириш хусусида ариза билан муурожаат қилишга ҳақлидир.

### 67-м о д д а. Даъвони таъминлашнинг бекор қилиниши

Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги масала ишни қараб чиқаётган хўжалик суди томонидан ҳал этилади, бу хусусда ҳал қилув қарорига ёки ажримга ёзиб қўйилади.

## X б о б. ХУЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

### 68-м о д д а. Низоларни ҳал этиш муддатлари

Низоларнинг қараб чиқилиши, ҳал қилув қарорларининг қабул қилиниши ва тарқатилиши мумкин қадар

қисқа муддатларда, бироқ даъво аризаси олинган кундан бошлаб кўпи билан икки ой ичида амалга оширилиши лозим. Бунда ҳал қилув қарори у қабул қилинган кундан бошлаб кўпи билан 5 кун ичида жўнатилади.

### 69-м о д д а. Мажлисни олиб бориш тартиби

Низоларни хўжалик суди томонидан мажлисда томонлар вакилларининг иштирокида бир ёки уч судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади.

Мажлисни олиб бориш тартибини мажлисда раислик қилаётган судья белгилайди. Судья хўжалик судининг таркибини эълон қилади, процесснинг қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради ҳамда уларга тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Мажлисда даъвогар ва жавобгар вакилларининг, экспертнинг ҳамда мажлисда қатнашаётган бошқа шахсларнинг сўзи тингланади.

Судья низони ҳал этиш учун ҳар қандай зарур далил-исботларни тақдим этишда ҳар бир томонга тенг ва тўла имконият бериши лозим.

Судья томонлар муросага келишига кўмаклашади.

### 70-м о д д а. Судьянинг номзодини рад этиш

Ишда қатнашаётган шахслар низони ҳал этиш бошлангунча, башарти судья шахсан низонинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, унинг номзодини рад этишга ҳақлидирлар. Кечроқ рад этишга ишда қатнашаётган шахсга рад этиш асослари низони ҳал этиш бошланганидан сўнг маълум бўлиб қолган тақдирдагина йўл қўйилади. Рад этиш асосланган бўлиши лозим ҳамда ёзма шаклда билдирилади.

Рад этиш масаласини хўжалик судининг раиси ва унинг ўринбосари ёхуд тегишли судлов ҳайъатининг раиси ҳал қилади ва ажрим билан расмийлаштирилади.

Судьяни рад этиш тўғрисидаги ариза қондирилган тақдирда низо хўжалик судининг раиси ёки унинг ўринбосари ёхуд тегишли судлов ҳайъатининг раиси белгилайдиган бошқа судья томонидан ҳал этилади ёки у ажримнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини текширади.

## 71-модда. Экспертнинг номзодини рад этиш

Ишда қатнашаётган шахслар низои ҳал этиш бошлангунча, башарти эксперт шахсан низоининг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, шунингдек унинг салоҳиятсизлиги сабабига асосланиб экспертнинг номзодини рад этишга ҳақлидирлар. Кечроқ рад этишга ишда қатнашаётган шахсга рад этиш асослари низои ҳал этиш бошланганидан сўнг маълум бўлиб қолган тақдирдагина йўл қўйилади. Рад этиш асосланган бўлиши лозим ҳамда ёзма шаклда билдирилади.

Экспертни рад этиш тўғрисидаги масалани мажлисда раислик қилаётган судья ҳал қилади.

## 72-модда. Даъво аризасига билдирилган фикр ёки судья талаб қилган материаллар тақдим этилмаган тақдирда, шунингдек томонлар вакилларининг иштирокисиз низои ҳал этиш

Даъво аризасига билдирилган фикр ёки судья талаб қилган материаллар тақдим этилмаган тақдирда иш ушбу масалага оид мавжуд бўлган материаллар бўйича ҳал этилиши мумкин.

Хўжалик судининг мажлисига томонларнинг вакиллари келмаган тақдирда, башарти судьянинг фикрича бундай ҳозир бўлмаслик низоининг ҳал этилишига тўсиқ бўлмаса ҳамда томоннинг низо ўз вакилининг иштирокисиз ҳал этилишига қарши ёзма эътирозномаси йўқ бўлса, низо улар йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

## 73-модда. Низои бевосита ташкилотда ҳал этиш

Хўжалик суди низои бевосита ташкилотда ҳал этишга ҳақлидир.

Ташкилотларнинг раҳбарлари бундай ҳолда хўжалик судининг мажлисини ўтказиш учун зарур шароитларни таъминлаб беришлари шарт.

## 74-модда. Ишни эшитишни кейинга қолдириш, мажлисдаги танаффус

Хўжалик суди иш мазкур мажлисда ҳал этилиши мумкин бўлмаган ҳолларда ишни эшитишни кейинга қолдиришга ҳақлидир.

Процесснинг қатнашчилари навбатдаги мажлис ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида судья томонидан ажрим ёки бошқа ёзма ҳужжат билан хабардор қилинадилар.

Алоҳида мураккаб низолар ҳал этилаётганда судья кейинчалик ҳал қилув қароридан буни кўрсатиб ўтиш шарти билан уч кундан ошмайдиган муддатга мажлисда танаффус эълон қилишга ҳақлидир.

### 75-модда. Иш юргизишни тўхтатиб туриш ва уни қайта тиклаш

Хўжалик суди муайян иш билан боғлиқ бошқа ишни ёки ваколатли идоралар тегишли масалани ҳал этганига қадар бу муайян ишни кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ҳолларда ишни юргизишни тўхтатиб туради.

Хўжалик суди экспертиза тайинлаган, материалларни тергов органларига юборган, ташкилот қайта тузилганлиги оқибатида бирон томон унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштирилган тақдирда хўжалик суди томоннинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан иш юргизишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Хўжалик суди ишнинг тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг иш юргизишни қайтадан давом эттиради.

Иш юргизишни тўхтатиб туриш ва уни қайтадан давом эттириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Томон ушбу ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

### 76-модда. Иш юргизишни тугатиш

Хўжалик суди агар:

1) хўжалик низоси хўжалик судида ҳал этилишига тегишли бўлмаса;

2) айти бир томонлар ўртасида, айти бир мавзуда ва айти бир асосларга кўра келиб чиққан низо бўйича хўжалик судининг қарори мавжуд бўлса;

3) аризачи жавобгар билан ўзаро муносабатларни ихтиёрый равишда тартибга солиш чораларини кўрмаган ҳамда бундай тартибга солиш имконияти йўққа чиққан бўлса;

4) ишдаги томон ҳисобланган ташкилот тугатилган бўлса иш юргизишни тугатади.

Иш юргизиш тўхтатилган тақдирда айни бир томонлар ўртасида айни шу мавзуда ва айни бир асосларга кўра келиб чиққан низо юзасидан хўжалик судига иккинчи бор мурожаат қилинишига йўл қўйилмайди.

Иш юргизиш тўхтатилганлиги ҳақида ажрим чиқарилиб, унда суд харажатларини томонлар ўртасида тақсимлашга, бюджетдан давлат божини қайтаришга, шунингдек мазкур Кодекс 79-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жаримани ундиришга оид масалалар ҳал этилиши мумкин.

Томонлар ушбу ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

### 77-модда. Даъво ни қараб чиқмай қолдириш

Хўжалик суди агар:

1) даъво аризаси имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан, ёхуд мансаб лавозими қайд этилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) айни бир томонлар ўртасида, айни шу мавзуда ва айни бир асосларга кўра келиб чиққан низо юзасидан хўжалик судида иш мавжуд бўлса;

3) аризачи қонунларга биноан жавобгардан қарзни банк орқали олиши керак бўлиб, бу хусусда банк муассасасига мурожаат қилмаган бўлса;

4) даъвогар хўжалик суди томонидан талаб қилинган, низо ни ҳал этиш учун керакли бўлган материалларни узрли сабабларсиз тақдим этмаган бўлса;

5) аризачи жавобгар билан ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирларини кўрмаган ва бундай тартибга солиш имконияти йўққа чиқмаган бўлса даъво ни қараб чиқмай қолдиради.

Даъво қараб чиқилмай қолдирилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилиб, унда суд харажатларини томонлар ўртасида тақсимлашга, бюджетдан давлат божини қайтаришга, шунингдек мазкур Кодекс 79-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жаримани ундиришга оид масалалар ҳал этилиши мумкин.

Томон ушбу ажримнинг қай даражада қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Даъво ни қараб чиқмай қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг даъвогар хўжалик судига умумий тартибда қайтадан даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 78-модда. Ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши

Низони моҳиятан ҳал қилишда (даъвони қондириш, даъвони тўла ёки қисман рад этиш) хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ҳал қилув қарори мажлисда ишнинг барча ҳолатларини томонларнинг вакиллари иштирокида муҳокама қилиш натижаларига қараб қабул қилинади.

Ҳал қилув қарори томонлар ўртасида эришилган келишувни ҳисобга олиб, башарти у қонун ҳужжатларига, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ва материалларига зид бўлмаса, қабул қилинади.

Низо бир неча судья томонидан ҳал этилаётган тақдирда ҳал қилув қарори судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Айрим ҳолларда алоҳида мураккаб ишлар юзасидан ҳал қилув қарорининг қабул қилиниши уч кундан ошмайдиган муддатга кечиктирилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори ёзма шаклда баён қилинади ҳамда мажлисда раислик қилаётган судья томонидан, башарти низони бир неча судья ҳал этаётган бўлса, мажлисда қатнашаётган барча судьялар томонидан имзоланади. Ҳал қилув қарорига рози бўлмаган судья ўз фикрини ёзма баён қилиши мумкин бўлиб, бу ишга илова этилади.

## 79-модда. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда хўжалик судининг ҳуқуқлари

Хўжалик суди қонун ҳужжатларига зид бўлган шартномани бутунлай ёки унинг муайян қисмини ҳақиқий эмас деб топади, шунингдек агар томонларнинг талаблари давлат органининг ёхуд бошқа органнинг қонунларига мувофиқ келмайдиган ҳужжатига асосланган бўлса, ушбу талабларнинг қондирилишини рад этади.

Низо юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилишда хўжалик суди:

1) башарти ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса, даъво талабларидан четга чиқишга;

2) башарти даъвогар жазо чоралари тўғрисида талаблар қўймаган бўлса ёки қонун ҳужжатларини жавобгарнинг масъулиятини пасайтирмайдиган тарзда бузган бўлса, ундирилаётган неустойкани (жарима, пеня) республиканинг бюджет даромадига тўла ёхуд қисман ўтказишга;



3) мажбуриятни бузган томондан ундирилиши лозим бўлган неустойканинг (жариманинг, пенянинг) миқдорини фавқулодда ҳолларда камайтиришга;

4) қарорнинг ижро этилишини кечиктиришга ёки узайтиришга ҳақлидир.

Бундан ташқари, хўжалик суди талаб қилинган материалларни белгиланган муддатда жўнатмаганлик учун, даъво юзасидан фикр билдирмаганлик учун, суд томонининг зиммасига юклаган ҳаракатларни содир этишдан бош тортганлик учун, шунингдек мансабдор шахс келиши шарт бўлгани ҳолда хўжалик судига келмаганлиги учун айбдор томонидан республика бюджетни фойдасига энг кам ойлик иш ҳақининг бир ойликдан беш ойликкача бўлган миқдорида жарима ундиришга ҳақлидир.

### 80-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, таърифлаш, асослаш ва хулоса чиқариш қисмларидан иборат бўлади, бунда:

1) кириш қисмида хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, қарор қабул қилинган кун, томонларнинг номи, даъвонинг баҳоси, судьянинг (судьяларнинг) фамилияси, томонлар вакилларининг ҳамда ишни қараб чиқишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг фамилиялари ва мансаблари кўрсатилади. Низо ташкилотда ҳал этилган тақдирда бу ҳақда ҳам ҳал қилув қарорининг кириш қисмида қайд этиб ўтилади;

2) таърифлаш қисми даъвогар талабининг, даъво аризасига билдирилган фикрнинг, томонлар ва уларнинг вакиллари, низони ҳал этишда қатнашаётган бошқа шахслар берган аризалар, тушунтиришлар ҳамда илтимосномаларнинг қисқача баёнини, хўжалик суди амалга оширган ҳаракатларнинг (далил-исботларни бевосита улар турган жойда кўздан кечириш ва тадқиқ этиш ҳамда материаллар билан танишиш) тавсифини ўз ичига олиши лозим;

3) асослаш қисмида: ишнинг хўжалик суди аниқлаган ҳолатлари; низонинг келиб чиқиш сабаблари; ҳал қилув қарори қабул қилинишига асос бўлган далил-исботлар; башарти томонлар аҳдлашувга эришган бўлсалар, ушбу ёзма аҳдлашувнинг мазмуни; хўжалик суди томонларнинг илтимосномалари ва далил-исботларини, шартнома шартлари юзасидан уларнинг таклифларини ёки томонларнинг битимини рад этишга олиб келган далиллар; ҳал қилув қарорини қабул қилишда

хўжалик суди амал қилган қонун ҳужжатлари кўрсатилади;

4) хулоса чиқариш қисми қўйилган ҳар бир талаб бўйича даъвои қондириш тўғрисидаги ёки даъвои тўла-тўкис ёхуд қисман рад қилиш ҳақидаги хулосани ўз ичига олиши керак. Хўжалик судининг хулосаси бирон-бир ҳолатларнинг рўй беришига ёки рўй бермаслигига боғлиқ (шартли қарор) бўлмаслиги лозим.

Даъво қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

низо кимнинг фойдасига ҳал этилган бўлса, шу томоннинг номи ҳамда пул маблағлари ундириб олинган ёки муайян ҳаракатларни ҳам бажариши лозим бўлган томоннинг номи, ушбу ҳаракатларни бажариш муддатлари, шунингдек ҳал қилув қарорининг ижроси кечиктирилган ёки узайтирилган тақдирда пул маблағларини тўлаш муддатлари;

ундирилиши лозим бўлган маблағларнинг (моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун асосий қарзларнинг, зарарларнинг, неустойканинг, жариманинг, пенянинг, шунингдек мазкур Кодекс 79-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жариманинг) миқдори;

пул маблағлари ундириб олинадиган счетнинг номи; топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи ва унинг турган жойи (мол-мулкни топшириш тўғрисидаги низо бўйича);

ижро ҳужжатининг ёки ундиришни ҳеч сўзсиз тартибда (акцептсиз) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг, бу ҳужжат ижро этилмаслиги лозим деб топилган тақдирда, номи, тартиб рақами ва санаси, шунингдек ҳисобдан чиқарилмаслиги лозим бўлган маблағ.

Шартномани тузишда ёки ўзгартиришда юзага келган низо бўйича хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шarti юзасидан қарор, шартнома тузишга мажбурлашга оид низо бўйича эса — томонлар шартнома тузишлари учун асос бўлган шартлар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартнома қснунларга зид бўлган тақдирда, шартнома тўла-тўкис ёки унинг муайян қисми ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақида уқтириб ўтилади.

Ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза қондирилган тақдирда хулоса қисмида ҳужжатнинг ҳамда уни чиқарган органнинг номи, ҳужжатнинг тартиб рақами, у чиқарилган сана кўрсатилади, ҳужжат тўла-тўкис ёки қисман (айнан қайси қисми) ҳақиқий эмас

деб топилди, аризачининг ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топши тўғрисидаги талаби қондирилмаганда эса уни қондириш рад этилганлиги қайд этилади.

Агар томонлар ўртасида қараб чиқиляётган низо бўйича қонун ҳужжатларига, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига ва материалларига мувофиқ келадиган аҳдлашувга эришилган бўлса, судья ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида эришилган аҳдлашувнинг шартларини баён этади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд сарф-харажатларнинг томонлар ўртасида тақсимланиши, бюджетдан давлат божининг қайтарилиши ҳақида кўрсатма берилади.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар қатнашгани тақдирда ҳал қилув қарорида низо уларнинг ҳар бирига нисбатан қандай ҳал этилганлиги кўрсатилади.

Дастлабки ва қарши даъво кўриб чиқилган тақдирда ҳал қилув қарорида даъволардан ҳар бирининг кўриб чиқилиш натижалари кўрсатиб ўтилади.

### **81-модда. Ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши**

Қабул қилинган ҳал қилув қарори судья томонидан иш кўриб чиқиш тугалланганидан кейин мажлисда эълон қилинади. Судья фақат қарорнинг хулоса қисмини эълон қилишга ҳақлидир. Томонларга қарорнинг қонуний ва асослилигини текшириш хусусида ариза бериш тартиби тушунтирилади.

### **82-модда. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни**

Агар низо моҳиятан ҳал этилмаётган бўлса (иш кўриш кечиктирилганда, иш юргизиш тўхтатиб турилганда, тугатилганда, даъво кўриб чиқилмай қолдирилганда ва шу кабиларда), хўжалик суди ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ажрими қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1) хўжалик судининг номини, ишнинг тартиб рақамини ва ажрим чиқарилган санани, томонларнинг номини, даъвонинг баҳосини, даъвогарнинг талабини, судьянинг (судьяларнинг) фамилиясини, томонлар вакилларининг ҳамда ишни ҳал қилишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг фамилиясини ва мансабларини;

2) низо моҳиятининг қисқача баёнини ёки ажрим чиқарилишига сабаб бўлган масаланинг мазмунини;

3) қонун ҳужжатларига таянган ҳолда ажрим чиқарилишининг сабабларини;

- 4) қараб чиқилган масала юзасидан хулосани;
- 5) томонлар, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари хўжалик суди белгилаган муддатларда содир этиши лозим бўлган ҳаракатларга оид кўрсатмани.

### **83-модда. Хусусий ажрим**

Низони ҳал этиш чоғида ташкилотнинг, давлат органи ва бошқа органининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилаётганлиги аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга юборилади.

### **84-модда. Ҳал қилув қарорлари ва ажримларнинг юборилиши**

Ҳал қилув қарорлари ва ажримлар томонларга жўнатилади ёки уларнинг вакилларига топширилади.

### **85-модда. Қўшимча қарор**

Хўжалик суди томоннинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан агар:

1) даъво аризасида баён этилган бирон-бир талаб бўйича қарор қабул қилинмаган бўлса;

2) суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса қўшимча қарор қабул қилишга ҳақлидир.

### **86-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва тузатиш**

Судья қарорнинг моҳиятига даҳл қилмаган ҳолда, томоннинг аризасига биноан, ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тушунтириб беришга, қарорда йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик янгилишларни томоннинг аризасига ёхуд ўз ташаббусига кўра тўғрилашга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарори тушунтириб берилганлиги, шунингдек хатолар ёки арифметик янгилишлар тўғриланганлиги ҳақида ажрим чиқарилади.

## **XI б о б. ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИНГ ҚОНУНИЙ ВА АСОСЛИЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

**87-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳамда протест киритиш ҳуқуқи**

Томон ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари тегишли тарзда Олий хўжалик судининг, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг ва вилоятлар хўжалик судларининг ҳал қилув қарорига нисбатан протест киритишга ҳақлидирлар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг хўжалик судлари қабул қилган ҳал қилув қарорлари 5000 сўмгача бўлган суммага оид бўлса, бу қарорларнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида Олий хўжалик судига ариза бериб бўлмайди.

**88-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текширишни амалга оширувчи хўжалик судлари**

Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди ўз ташаббуси билан ваколати доирасида исталган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқишга ҳақлидир.

Хўжалик судлари чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини қуйидагича тартибда текширади:

1) Олий хўжалик суди — Олий хўжалик судининг Судлов ҳайъатида ва қуйи хўжалик судларида низолар бўйича ҳал этилган ҳамда бу ҳал қилув қарори қонуний ёки асослилигини ушбу Кодексда белгиланган тартибда текширилгандан сўнг;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят хўжалик суди шу судлар ҳал этган низолар бўйича ҳал қилув қарорларининг қонуний ва асослилигини текширади.

Ҳал қилув қарори қонуний ва асослилиги хусусида Олий хўжалик суди чиқарган қарор қатъий бўлади.

**89-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшираётган хўжалик судининг таркиби**

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатининг уч судьясидан иборат таркибдаги хўжалик суди ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текширади. Текшириш натижалари юзасидан қарор кўнчаллик яроз билан қабул қилинади.

Ҳал қилув қарорларини текширувчи ҳайъат бўлмайдиган хўжалик судларида текшириш хўжалик судининг раиси ёки унинг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Хўжалик суди раисининг ўринбосари қабул қилган ҳал қилув қарори раис томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин.

**90-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризанинг ҳамда ҳал қилув қарорига протестнинг шакли ва мазмуни**

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги ариза ҳамда ҳал қилув қарорига протест ёзма равишда бериледи. Улар ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номини, ишнинг тартиб рақамини, қарор қабул қилинган санани, томонларнинг номини, даъвонинг баҳосини, аризачининг ва прокурорнинг талабларини, шунингдек қонун ҳужжатларига ва иш материалларига таянган ҳолда ҳал қилув қарорининг қонуний ҳамда асослилигини текшириш тўғрисидаги масала қўйилишининг асосларини ўз ичига олиши лозим.

Аризани ташкилот раҳбари ёки раҳбарининг ўринбосари имзолайди.

Протест прокурор ёки прокурорнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

**91-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризани ҳамда прокурор протестини бериш тартиби**

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги ариза ҳамда ҳал қилув қарорига

протест ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судларига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг хўжалик судларида ҳал этилган низо бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш учун ушбу низога ҳал қилган суддан иш талаб қилиб олинади. Талабнома қабул қилиб олинганидан сўнг иш беш кунлик муддатда Олий хўжалик судига юборилиши керак.

Тегишли равишда аризанинг ва протестнинг нусхалари томонларга, даъво аризасини юборган прокурорга жўнатилади.

Аризага унинг нусхаси жўнатилганлигини ҳамда давлат божи тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилинади. Протестга унинг нусхаси юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисида ариза берилши ҳамда прокурорнинг протест киритиши қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.

Хўжалик суди томонинг, ишда қатнашаётган прокурорнинг илтимосномасига биноан ёки ўз ташаббуси билан ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш ниҳоясига етгунга қадар қарорнинг ижросини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

**92-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризани бериш ҳамда ҳал қилув қарорига протестни киритиш муддатлари**

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризани ҳамда ҳал қилув қарорига протестни киритиш қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

**93-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризага ҳамда протестга билдирилган фикр**

Томон хўжалик судига берилган ҳал қилув қарорининг ёки протестнинг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризанинг нусхасини олиши биланоқ ўз фикрини шу судга бошқа томонларга ва ишда қатнашаётган прокурорга ариза ёхуд протест кўриб чиқилмайдиган

кунгача бориб етишини таъминлайдиган муддатда юбори ради.

Бундай фикрни ташкилотнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолайди.

**94-модда. Хал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги аризининг ҳамда хал қилув қарорига протестнинг қайтарилиши**

Хал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги ариза ҳамда хал қилув қарорига протест агар:

1) ариза ёки протест уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) аризага унинг нусхаси томонларга ва даъво аризасини юборган прокурорга жўнатилганлигининг далиллари, протестга эса унинг нусхаси томонларга жўнатилганлигининг далиллари илова қилинмаган бўлса;

3) аризага белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса;

4) ариза ёки протест уни бериш учун белгиланган муддат тугаганидан сўнг ушбу муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимосномасиз берилган бўлса; илтимоснома хал қилув қарори қабул қилинганидан сўнг бир йил ўтгач баён этилган бўлса — қараб чиқиш учун қабул қилинмайди ва қайтарилади.

Ариза ёки протест, башарти уни қайтариб олиш тўғрисидаги ҳужжат ҳўжалик судига қарор қабул қилинишидан аввал келган бўлса ҳам қайтарилади.

**95-модда. Мажлисида хал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш, мажлис ўтказиладиган вақт ҳамда жой тўғрисида хабардор қилиш**

Мажлисида хал қилув қарорининг қонуний ва асослилиги судьялардан бирининг раислиги остида текширилади.

Мажлис ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида томонларга, ишда қатнашаётган прокурорга ва зарур ҳолларда суд процессининг бошқа иштирокчиларига хабарнома юборилади.



**96-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослиги текшириш тўғрисидаги аризани ҳамда ҳал қилув қарорига протестни кўриб чиқиш муддатлари**

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослигини текшириш тўғрисидаги ариза ҳамда ҳал қилув қарорига протест — бир ойдан кечиктирмай:

Олий ҳўжалик судида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари бўйича ариза ёки протест келиб тушган кундан бошлаб;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳўжалик судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари бўйича — иш келиб тушган кундан бошлаб кўриб чиқилади.

**97-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослигини текшириш бўйича ҳўжалик судининг ваколатлари**

Ҳўжалик суди ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослигини текшириш натижалари бўйича:

ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;

ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва янги қарор қабул қилишга;

ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгитдан кўриб чиқиш учун топширишга;

ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш юргизишни тугатиш;

ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъво кўриб чиқмай қолдиришга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарори аризада ёки протестда баён этилган далиллардан қатъи назар тўла ҳажмда текширилади.

Ҳўжалик суди ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослигини текшириш чоғида биринчи босқич судда низони ҳал этишда ҳўжалик судига бериладиган ҳуқуқлардан фойдаланади.

**98-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари**

Қуйидагилар ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари ҳисобланади:

1) иш учун аҳамият касб этадиган ҳолатларнинг тўла-тўқис аниқланмаганлиги;

2) иш учун аҳамият касб этадиган ва хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаётган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) ҳал қилув қарорида баён этилган хулосаларнинг иш ҳолатларига номувофиқлиги;

4) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, башарти бундай бузилиш нотўғри қарор қабул қилинишига олиб келган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган тақдирда, қарорнинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши учун асос бўлади.

### 99-м о д д а. Қарорнинг қабул қилиниши

Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш натижалари юзасидан далил-исботли қарор қабул қилинади ҳамда бу қарор қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонуний ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатининг судьялари томонидан ҳайъат бўлмаган жойларда эса хўжалик судининг раси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

1) хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, томонларнинг номи, ариза берган томоннинг номи, протест киритган прокурор, ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг таркиби ҳамда хўжалик судида тушунтириш берган шахслар ва уларнинг мансаблари;

2) ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, қарор қабул қилинган сана, ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

3) қабул қилинган ҳал қилув қарори моҳиятининг қисқача баёни;

4) ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилишининг асослари, ариза ёки протестга билдирилган фикрда баён этилган далиллар;

5) қарор қабул қилинишига олиб келган сабаблар— бунда қонун ҳужжатларига ва иш материалларига таянилиши лозим;

6) ариза ёки протестни қараб чиқиш натижалари юзасидан хулосалар;

7) ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янги-дан кўриб чиқиш учун бериш чоғида томонлар ва хўжалик суди бажариши лозим бўлган ҳаракатлар.

### **100-м о д д а. Қарордаги кўрсатмаларнинг мажбурийлиги**

Қарордаги кўрсатмалар иш янгитдан кўриб чиқиладиган пайтда, хўжалик суди учун мажбурийдир. Қарор бирон-бир далил-исботнинг ишончлилиги ёхуд ишончли эмаслиги тўғрисидаги бир далил-асоснинг бошқасидан устунлиги ҳақидаги кўрсатмаларни, шунингдек хўжалик низоси янгитдан ҳал этилаётганда қандай қарор қабул қилиниши лозимлигини ўз ичига олиши мумкин эмас.

### **101-м о д д а. Қарорларни тарқатиш**

Қарорлар томонларга, ишда қатнашган прокурорга қабул қилинган кундан бошлаб беш кунлик муддатда тарқатилади.

### **102-м о д д а. Ажримларнинг қонуний ва асослилигини текшириш**

Ажримларнинг қонуний ва асослилиги ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда текширилади.

## **Х II б о б. Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р Л А Р И Н И Н Г НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ**

### **103-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленумига ҳал қилув қарорини назорат тартибида кўриб чиқиш хусусида мурожаат қилиш ҳуқуқи**

Олий хўжалик судининг Раиси, Бош прокурор низолар юзасидан Олий хўжалик суди томонидан қабул қилинган қарорга нисбатан протест киритишга ҳақлидирлар.

Протест ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлган ёки бошқа давлатларнинг манфаат-

лари бузилган тақдирда унинг қонуний ва асослилиги мазкур Кодексда белгиланган тартибда текширилгандан сўнг киритилади.

**104-м о д д а. Протестни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми томонидан кўриб чиқиш тартиби**

Олий хўжалик судининг Пленуми протестни кўриб чиқиш чоғида Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослилигини текширувчи Ҳайъати раиси ёки аъзоси (судья)нинг иш ҳолатлари ҳамда протест асослари тўғрисидаги маърузасини тинглайди.

Зарур ҳолларда тушунтириш бериш учун Пленум мажлисига томонларнинг вакиллари таклиф этилади. Бундай ҳолларда Пленум мажлиси тўғрисидаги хабарнома ва протест нусхаси томонларга юборилади.

**105-м о д д а. Олий хўжалик суди Пленумининг қарор қабул қилиш тартиби**

Протест муҳокама қилинганидан сўнг ушбу Кодексда белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

Низони ҳал этишда, ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текширишда қатнашган судья овоз беришда қатнашишга ҳақли эмас.

Пленумнинг қарори қабул қилиниши биланоқ кучга киради ҳамда мазкур Кодекснинг XIV бобида белгиланган тартибда ижро этилади.

**XIII б о б. ЯНГИТДАН ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАРГА КўРА ХўЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИШ**

**106-м о д д а. Қайта кўриб чиқиш асослари**

Хўжалик суди ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорини иш учун муҳим аҳамият касб этадиган ҳамда аризага маълум бўлмаган ва маълум бўла олмайдиган янгитдан очилган ҳолатларга биноан қайта кўриб чиқиши мумкин.

**107-м о д д а. Ариза бериш тартиби ва муддати**

Янгитдан очилган ҳолатларга кўра қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза қарорининг қайта кў-

риб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай берилиши мумкин.

Аризачи бошқа томонга аризанинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхасини юбориши шарт.

Аризага бошқа томонга аризанинг нусхаси юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Ариза белгиланган муддат тугаганидан сўнг берилган тақдирда ёки аризанинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаси бошқа томонга юборилганлигининг далил-исботлари тақдим этилмаган тақдирда у кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди ҳамда аризачига қайтарилади.

#### 108-м о д д а. Ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш

Кўриб чиқиладиган ҳал қилув қарорини қабул қилган тегишли судлов ҳайъатининг судьяси (судьялари), ҳайъат бўлмаган жойда ҳал қилув қарорини қабул қилган судья ҳал қилув қарорини қайтадан кўриб чиқади.

Янгитдан очилган ҳолатларга кўра ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш мазкур Кодекснинг тегишли равишда X, XI ва XII бобларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Янгитдан очилган ҳолатларга кўра ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш хусусидаги ариза келиб тушган тақдирда хўжалик суди, башарти биринчи галдаги ҳал қилув қарори ижро этилмаган бўлса, ҳал қилув қарорининг қайта кўриб чиқилиши ниҳоясига етгунча ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Янгитдан очилган ҳолатларга кўра қабул қилинган ҳал қилув қарори мазкур Кодекснинг XI ва XII бобларида белгиланган тартибда текширилиши мумкин.

### XIV б о б. ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ

#### 109-м о д д а. Хўжалик судининг буйруғи ва унинг ижро этиш учун юборилиши

Хўжалик судининг қарори хўжалик суди берадиган буйруққа асосан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этилади. Буйруқ ижро ҳужжати ҳисобланади ва қарор билан биргаликда юборилади.

Пул маблағларини ундиришга оид буйруқ уни ундирувчи шахсга топширилади ёки буюртма ёхуд қиммат-

ли хат билан унга юборилади. Маблағлар бюджет фойдасига ундирилаётганида буйруқ солиқ органига юборилади ҳамда белгиланган тартибда банк муассасаси орқали ижро этилади. Қолган буйруқлар суд ижрочилари томонидан бажарилади.

Биринчи галдаги ва қарши даъволар тўла ёки қисман қондирилган тақдирда ундириш хусусидаги буйруқлар ҳар бир даъво бўйича алоҳида берилади.

### 110-модда. Буйруқнинг мазмуни

Хўжалик судининг буйруғида:

1) буйруқ берилишига асос бўлган ишнинг тартиб рақами, қарор қабул қилинган кун, буйруқ берилган кун ва унинг амал қиладиган муддати;

2) ҳал қилув қарорининг хулоса қисми кўрсатилиши лозим.

Агар ҳал қилув қарорини қабул қилишда ижрони кечиктириш ёки бу муддатни чўзиш белгиланса, буйруқда у амал қиладиган муддатнинг бориши қайси пайдан бошланиши кўрсатилади.

Суд ижрочиси томонидан ижро этилиши лозим бўлган ёки солиқ идорасига юбориладиган буйруқда қарздорнинг манзилгоҳи ҳам кўрсатилади.

Буйруқ судья томонидан имзоланади ва буйруқ чиқарган хўжалик судининг муҳри билан тасдиқланади.

### 111-модда. Ижро этилиши учун буйруқни тақдим қилиш муддати.

Буйруқ ундирувчи шахсга ижро этиш учун ҳал қилув қарори қабул қилинган ёхуд қарорнинг ижроси кечиктирилган ёки чўзилган тақдирда белгиланган муддат тугаган кундан бошлаб ёинки буйруқни ижро этиш учун тақдим қилишнинг ўтказиб юборилган муддатини қайта тиклаш ҳақида ажрим чиқарилган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирмай тақдим этилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг ижроси тўхтатиб қўйилган давр ушбу муддатга кирмайди.

Банк муассасаси ёки суд ижрочиси томонидан буйруқни ижро этиш имкони бўлмаган ва буйруқ шу муносабат билан ижро этилмай қайтарилган тақдирда ижро этилиши учун буйруқни тақдим этишнинг янги уч ойлик муддати у қайтарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ҳал қилув қарорини ижро этиш муддати ижро этилиши учун буйруқ тақдим қилиниши билан тўхтатилади.

### 112-модда. Қарорни ижро этмаганлик учун жавобгарлик

Ижро учун буйруқ тақдим этилган орган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги хўжалик судининг қарорини ижро этмаганлиги учун хўжалик суди томоннинг аризасига ёки ўз ташаббусига кўра унга ундириладиган маблағнинг 50 фоизигача миқдориди жарима солади. Жарима республика бюджети фойдасига ундирилади.

Жарима солинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади. Жарима солинган орган ажримнинг қонуний ва асослигини текшириш хусусида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорини ижро этиши шарт бўлган мансабдор шахс хўжалик судининг қарорини ижро этмаганлиги учун қонунда умумий суд қарорини ижро қилмаганлик учун белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

### 113-модда. Буйруқнинг дубликатини бериш

Буйруқ йўқотиб қўйилган тақдирда хўжалик суди, башарти ундириб олувчи шахс ижро этилиши учун буйруқни тақдим қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар бу ҳақда ариза билан мурожаат қилган бўлса, унинг дубликатини бериши мумкин. Буйруқнинг дубликати берилганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади.

Буйруқнинг дубликатини бериш хусусидаги аризага буйруқ йўқотиб қўйилганлиги тўғрисида банк муассасаси, суд ижрочиси, алоқа органи берган маълумотнома ёхуд ташкилотнинг буйруқ йўқотилганлиги ва ижро этилиши учун тақдим қилинмаганлиги ҳақидаги маълумотномаси илова қилиниши лозим.

Ташкилотнинг маълумотномасини ташкилот раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари ва бош (катта) бухгалтери имзолайди.

### 114-модда. Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки чўзиш, қарорни ижро этиш усулини ҳамда тартибини ўзгартириш

Хўжалик суди томоннинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан ижро этилиши учун буйруқни тақдим

қилишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки чўзишга, уни ижро қилиш усулини ва тартибини ўзгартиришга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорининг ижроси кечиктирилган ёки чўзилган тақдирда хўжалик суди қарор мазкур Кодекснинг IX бобида назарда тутилган тартибда ижро этилишини таъминлаш чораларини кўриши мумкин.

Ҳал қилув қарори ижросининг кечиктирилганлиги ёки чўзилганлиги, уни ижро этиш усули ва тартиби ўзгартирилганлиги ёхуд аризани қондириш рад қилинганлиги тўғрисида ажрим чиқарилади. Томон ушбу ажримнинг қонуний ва асослилигини текшириш хусусида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Зарур ҳолларда ажрим қарздор турган жойдаги банк муассасасига жўнатилади.

### **115-м о д д а. Ҳал қилув қарори ижросидаги бурилиш, ҳал қилув қарори асосида ундиришнинг тўхтатилиши**

Агар ижро этилган ҳал қилув қарори ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган ёхуд иш юзасидан ижро тўхтатилган ёнки даъво қараб чиқилмай қолдирилган бўлса, томонга ҳал қилув қарорининг ўзгартирилган ёки бекор қилинган тегишли қисмига биноан бошқа томон фойдасига ундан ундирилган барча нарсалар қайтарилади.

Ундирилган пул маблағларини, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариш хусусида хўжалик суди ташкилотнинг аризасига биноан буйруқ беради. Аризага илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижро этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Агар ижро этилмаган ҳал қилув қарори ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёхуд қисман рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган ёхуд иш юзасидан ижро тўхтатилган ёнки даъво қараб чиқилмай қолдирилган бўлса хўжалик суди тегишли қисми ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича ундиришни тўла ёхуд қисман тўхтатиш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилади.



## М У Н Д А Р И Ж А

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	
«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	
«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	
Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	
«Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	
Давлат статистикаси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	
«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	5
Ўзбекистон Республикасининг айрим қону ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	50
Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	5
«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	61
«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрь Қонуни	6
Ветеринария тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрь Қонуни	6
«Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрь Қарори	8
Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрь Қонуни	8
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрь Қарори	11
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрь Қонуни	114
Судлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	115
Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	151
Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги, Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрь Қарори	159
Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь Қонуни	175
Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал Кодекси	176

Shank

2